PS Public Safety
Salvation is in education
Issue 1
06.2023

JAMOAT XAVFSIZLIGI

ilmiy-amaliy elektron jurnali



№1,2023

“JAMOAT XAVFSIZLIGI”
ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNALI

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JAMOAT XAVFSIZLIGI
UNIVERSITETI

BOSH MUHARRIR

Rustambayev Mirzayusup Xakimovich

TAHRIR HAY’ATI

SAIDOV Akmal Xolmatovich,
yu.f.d., professor, akademik;
DJURAYEV Rustam Mirzayevich,
general-mayor;
RUSTAMBAYEV Mirzayusup Xakimovich,
yu.f.d., professor polkovnik (bosh muharrir);
XAKIMOV Raximjon Rasuljonovich,
yu.f.d., professor;
MIRAKULOV Miravzal Mirodilovich,
yu.f.d., professor, podpolkovnik
(mas’ul muharrir);
Xo‘jamberdiyev Farrux Komilovich,
yu.f.f.d (PhD), kapitan

MAS’UL MUHARRIR

Mirakulov Miravzal Mirodilovich

MAS’UL KOTIB

Xo‘jamberdiyev Farrux Komilovich

“JAMOAT XAVFSIZLIGI”
ilmiy-amaliy elektron jurnali harbiy, siyosiy, yuridik, tarix, texnika, filologiya, iqtisodiyot, pedagogika va falsafa fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligining 2022-yil 25-yanvar kunidagi №1507-sonli guvohnomasi bilan ro‘yxatga olingan.

100211, Toshkent viloyati, Chorsu qo‘rg‘oni.
Tel: (71) 230-32-71 Faks: (71) 230-32-50
E-mail: mg_hti@umail.uz

MUNDARIJA
CONTENTS

Рустамбаев М.Х.
Ўзбекистонннинг янгиланган Конституциясида инсон ҳуқуқларини таъминланиши 5

Пулатов Ю.
Ҳозирги даврда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари 9

Турсунова М.У.
Формы дипломатической деятельности в современном государстве: необходимость реформ и законодательного регулирования 14

Селиманова С.М.
Конституционная реформа: опыт и перспективы 19

Миразов Д.М.
Ўзбекистонда янгиланган Конституция асосида шахснинг хукукларини жиноят процессида таъминлаш мезонлари 23

Кучкаров Х.З.
Жиноят процессида томонлар тенглигини таъминлаш. 28

Alimov M.I.
Harbiy jinoyat protsessida davlat organlarining o‘zaro hamkorligi 31

Низамов С.М.
Основы и особенности ведения примирительного производства 35

Mirzaraimov S.T.
Bezorilik jinoyatlarini tergov qilishning kriminalistik jihatlari 39

Запппаров А.Р.
Основы взаимодействия при расследовании преступлений, совершенных организованными преступными группами 47

Mirazova Sh.D.
Kiberjinoyatlarni tergov qilish metodikasining ijtimoiy zaruriyati va xususiyatlari 52

Курбонов Д.М.
Инглиз-саксон оиласи давлатларида судга қадар иш юритув жараёнида қонунийликни таъминлаш 55

Нурматов З.П.
Характеристика обстоятельств, затрудняющих раскрытие преступлений прошлых лет 60

Мамажонов Ш.
Эффективность прокурорского надзора за законностью расследования преступлений на транспорте 67

Султанов М.М.
Современные методы выявления конфиденциальной информации в оперативно-розыскной деятельности 70

Раззоков С.Э.
Прокурор и его функции в уголовном процессе 72

Shamsiev A.A.
The nature and directions of prosecutorial oversight of compliance with the law by preliminary investigation bodies 77

Махсадов М.И., Курбанов Ш.М.
Ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ рецидив оғир жиноятларнинг криминологик тавсифи 83
Курбанов Ш.М.
Рецидив жиноят тушунчаси ва мазмунининг назарий асослари 90
Бойдедаев С.
Коррупция жиноятчилигининг детерминанталари криминологик тавсифи..... 100
Исмаилов И., Нарзуллаев О.С.
Жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари..... 112
Ғиёсов Б.Х.
Ўқотар қурол генезиси ва унга эга бўлишнинг айрим жихатлари..... 126
Xo'jamberdiyev F.K.
Jamoat xavfsizligini ta'minlash faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari..... 131

I DAVLAT VA JAMIYAT BOSHQARUV TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH

1.1. YUSUPOV Dilshod Rixsiboyevich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti boshlig‘ining ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha o‘rinbosari, texnika fanlari nomzodi;

1.2. TURGUNOV Oybek Karimovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Maxsus fakultet boshlig‘i, yuridik fanlar doktori, professor, podpolkovnik;

1.3. NURMATOV Mirgolib Mirzayevich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Maxsus huquqiy fanlar va harbiy diplomatiya kafedrasi boshlig‘i, yuridik fanlar doktori, dotsent, mayor;

1.4. ZULFIQOROV Sherzod Xurramovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Davlat-huquqiy fanlar va inson huquqlari kafedrasi boshlig‘i, yuridik fanlar doktori, dotsent, mayor;

1.5. CHORIYEV Murod Shokirjonovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Fuqaroviy-huquqiy fanlar kafedrasi boshlig‘i, yuridik fanlar doktori, professor, mayor;

1.6. USMONOV Muxammadi Baxriddinovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Davlat-huquqiy fanlar va inson huquqlari kafedrasi professori, yuridik fanlar doktori, professor;

1.7. NURIDULLAYEV Asliddin Axrorovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Davlat-huquqiy fanlar va inson huquqlari kafedrasi professori, yuridik fanlar nomzodi, mayor;

1.8. XOMIDOV Eldor Olimovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Davlat-huquqiy fanlar va inson huquqlari kafedrasi boshlig‘ining o‘rinbosari, yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD), kapitan (kotib).

II QONUN USTUVORLINIGINI TA’MINLASH VA SUD HUQUQ TIZIMINI ISLOH QILISH

1.1. MAMASIDDIQOV Muzaffarjon Musajonovich, O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi Akademiyasi boshlig‘ining ilmiy va axborot-tahliliy ishlar bo‘yicha o‘rinbosari, yuridik fanlar doktori, professor, adliya podpolkovnigi;

1.2. ISMOILOV Isomiddin, O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Akademiyasi Jamoat xavfsizligini ta’minlash kafedrasi boshlig‘i, yuridik fanlar doktori, professor, polkovnik;

1.3. ERGASHYEV Vosit Yoqubovich, O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasi Bojxona instituti boshlig‘i, yuridik fanlar doktori, dotsent, bojxona xizmati podpolkovnigi;

1.4. MIRAZOV Davron Miragzamovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Jinoiy huquqiy fanlar kafedrasi boshlig‘i, yuridik fanlar doktori, professor, polkovnik;

1.5. QO‘SHAYEV Nurali Mahmudovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Jinoiy huquqiy fanlar kafedrasi boshlig‘ining o‘rinbosari, yuridik fanlar nomzodi, dotsent, mayor;

1.6. XAYRIYEV Nodirjon Isroilovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Jinoiy huquqiy fanlar kafedrasi professori, yuridik fanlar doktori, dotsent, mayor;

1.7. MUXAMMADIYEV Ayub Abduraxmonovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Fuqaroviy-huquqiy fanlar kafedrasi professori, yuridik fanlar doktori, dotsent;

1.8. NURMUHAMMEDOVA Go‘zalxon Bahodirovna, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Jinoiy huquqiy fanlar kafedrasi dotsenti, yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD), mayor;

1.9. ALIMOV Muhammadjon Islomiddin o‘g‘li, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Jinoiy huquqiy fanlar kafedrasi katta o‘qituvchisi, yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD), mayor (kotib).

III JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH

1.1. SELIMANOVA Svetlana Mixaylovna, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Jamoat xavfsizligini ta’minlash kafedrasi boshlig‘i, yuridik fanlar doktori, professor, polkovnik;

1.2. BOYBUTAYEV Jahongir Jumanazar o‘g‘li, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Umumiy taktika va operativ san’at kafedrasi boshlig‘i, harbiy fanlar bo‘yicha falsafa doktori, dotsent, polkovnik;

1.3. RAXMONOV Sunnatillo Bozarovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Maxsus-taktik tayyorgarlik va jangovar qo‘llash kafedrasi boshlig‘ining o‘rinbosari, harbiy fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD), podpolkovnik;

1.4. KULDASHYEV Ikrombek Xamidullaevich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Taxririyat noshirlik bo‘limi boshlig‘i, texnika fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, podpolkovnik;

1.5. TASHMANOV Yerjan Baymatovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Axborot texnologiyalari kafedrasi boshlig‘i, texnika fanlari doktori, professor, podpolkovnik;

1.6. AXMEDOV Doniyor Anvarjonovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Bronetank va avtomobil texnikasi kafedrasi professori, texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, mayor;

1.7. XATAMOV Baxodir Baxromovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Axborot texnologiyalari kafedrasi dotsenti, texnika fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD), podpolkovnik;

1.8. GLUXOV Yevgeniy Viktorovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universitet Axborot texnologiyalari kafedrasi dotsenti, texnika fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD), podpolkovnik;

1.9. ALIBOYEV Baxtiyor Abduraxmonovich, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Bronetank va avtomobil texnikasi kafedrasi dotsenti, texnika fanlari nomzodi, kapitan (kotib).

IV IJTIMOIY-IQTISODIY SOHANI RIVOJLANTIRISH VA ERKINLASHTIRISH

1.1. AKRAMOVA Shaxnoza Abrarovna, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Xizmat faoliyatini tarbiyaviy-psixologik ta'minlash kafedrasi boshlig'i, pedagogika fanlari doktori, professor, podpolkovnik;

1.2. MAXMUDOV Rozmet Muratovich, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Xizmat faoliyatini tarbiyaviy-psixologik ta'minlash kafedrasi professori, pedagogika fanlari doktori, professor;

1.3. GAZIYEV Shaxrux Murodaliyevich, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Fuqaroviy-huquqiy fanlar kafedrasi professori, yuridik fanlar nomzodi, kapitan;

1.4. HAQNAZAROV Xudoyberdi, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Maxsus fakultet boshlig'ining o'quv ishlar bo'yicha o'rinbosari, falsafa fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), kapitan;

1.5. ANARKULOV Azizjan Davlatkulovich, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Iqtisodiy fanlar kafedrasi boshlig'ining o'rinbosari, iqtisodiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), podpolkovnik;

1.6. XALILOVA Polina Yurevna, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Oliy ta'limdan keyingi ta'lim fakulteti Doktorant (DSc), mayor;

1.7. XUDOYQULOV Yo'lchi Azamqulovich, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi dotsenti, falsafa fanlar nomzodi, dotsent, mayor (kotib).

1.8. TOLIPOV Abdug'affor Abdunabi o'g'li, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Ijtimoiy gumanitar fanlar kafedrasi boshlig'i, dotsent, podpolkovnik;

1.9. MAXSADOV Maxsatullo Ismatovich, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Oliy ta'limdan keyingi ta'lim fakulteti boshlig'i, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, mayor;

1.10. OLIMJONOV Xushnudbek Muxamadsalim o'g'li, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Davlat-huquqiy fanlar va inson huquqlari kafedrasi katta o'qituvchisi, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), kapitan (kotib).

V TINCHLIK VA XAVFSIZLIKNI TA'MINLASH, XALQARO HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISH

1.1. IKMATULLAYEV G'ayrat Zokirovich, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universitet Xizmat faoliyatini tarbiyaviy-psixologik ta'minlash kafedrasi dotsenti, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), podpolkovnik;

1.2. MIRZAYEV Gulom Rizoqulovich, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi dotsenti, tarix fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), kapitan;

1.3. XAYDAROV Kamol Ashurovich, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Maxsus taktik tayyorgarlik va jangovar qo'llash kafedrasi boshlig'i, siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), polkovnik;

1.4. XURSANDOV Alisher Suyunovich, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Ijtimoiy gumanitar fanlar kafedrasi boshlig'ining o'rinbosari, siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, mayor;

1.5. BOZOROV Akmal Amonovich, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universitet Iqtisodiy fanlar kafedrasi professori, iqtisodiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, kapitan (kotib);

1.6. MAMARASULOV Davronbek Xasanovich, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Ilmiy kotibi, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), kapitan;

1.7. NIZOMIDDINXODJAYEV Ulug'bek Ruslonovich, Universitet kotibiyat boshlig'i, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, podpolkovnik;

1.8. SATTOROV Asrorjon Akramjonovich, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi o'qituvchisi, tarix fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), kapitan;

1.9. MATYAKUBOV Bekzod Matnazarovich, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti O'quv jarayonini nazorat qilish bo'limi o'qituvchi-uslubchisi, fizika fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), leytenant (kotib).

Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи, полковник, юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

ЎЗБЕКИСТОННННИНГ ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАНИШИ

Мақолада Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг кафолатланиши ва амал қилишининг долзарб масалалари муҳокама қилинган. Конституция, ҳалқаро-ҳуқуқ ва амалдаги қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш асосида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишини такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар шакллантирилган.

Таянч сўзлар: Янгиланган Конституция, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, жамоат хавфсизлиги, қонунийлик, ҳуқуқ устуворлиги, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари

В статье рассмотрены актуальные вопросы реализациии гарантий прав и свобод личности на основе норм обновленной Констиутции Узбекистана. На основе анализа норм Конституции, международно-правовых актов и действующего законодательства рассмотрены вопросы обеспечения прав и свобод человека и сформулированы соответствующие выводы и предложения.

Ключевые слова: обновленная Конституция, конституционные права и свободы личности, общественная безопасность, законность, верховенство права, обеспечение общественной безопасности, гарантии конституционных прав и свобод.

The article deals with topical issues of the implementation of guarantees of individual rights and freedoms based on the norms of the updated Constitution of Uzbekistan. Based on the analysis of the norms of the Constitution, international legal acts and current legislation, the issues of ensuring human rights and freedoms are considered and relevant conclusions and proposals are formulated.

Keywords: updated Constitution, constitutional rights and freedoms of the individual, public security, legality, rule of law, ensuring public security, guarantees of constitutional rights and freedoms.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган констиутциявий ислоҳотлар бугун барча юртдошларимиз қалбида ва шууримда ҳам она юрт тақдири учун дахлдорлик ҳиссини пайдо этмоқда.

Энг аввало, Янги Ўзбекистоннинг меъмори бўлган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади", дея билдирган фикри инсон қадрининг ҳар нимадан устун эканлиги, ислоҳот ислоҳот учун эмас, энг аввало, инсон қадри, унинг фаровон турмуши ва эркинликлари учун хизмат қилишини ифода этади. Дарҳақиқат, ўтказилаётган чуқур ислоҳотлар туфайли ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгарди. Эркинлик ва очиқлик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди.

Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциянинг 7-моддасида муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш ғоясига содиқ қолиб, шу йўлда кенг кўламли улкан ишлар амалга оширилди, катта тажриба тўпланди. "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" деган конституциявий қои-

дадан келиб чиқиб, халқ билан доимий мулоқот ўрнатилди, давлат идоралари раҳбарлари фуқаролар олдида ҳисобот берадиган самарали тизим йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, эришилган натижаларни янада юксалтириш, инсон учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида халқимиз 2023 йил 30 апрель куни умумҳалқ референдумида «Янги Ўзбекистонга — янгиланган Конституция» зарурлиги ҳақидаги хулосага келди ва ўз хохиш-иродасини билдирди.

Айнан шунинг учун янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратилишига хизмат қилади.

Шу ўринда битта ҳолатга эътиборни қаратишни лозим деб ҳисоблаймиз. Мамлакатимизда референдум асосида бевосита халқ томонидан қабул қилиниши кўзда тутилган янги таҳрирдаги Конституция, қонунчилигимизда тўғридан-тўғри амал қиладиган илк Асосий қонун ҳисобланади. Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилиши давлат органлари ва фуқароларнинг Конституция нормаларидан тўғридан-тўғри фойдаланиши ва риоя этишини кўзда тутади. Бу эса ўз навбатида, Конституция устуворлиги ва инсон қадри таъминланиши учун Конституция нормалари реал ишлаши ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўғридан-тўғри муҳофаза этиши лозим.

Бугунги кунда тўла асослар билан айтиш мумкинки, Конституциямизга киритилган ўзгартишларда, хусусан, Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1-моддасида “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” таҳриридаги қоида мустаҳкамланиши назарда тутилганлиги, Ўзбекистоннинг мустақил, демократик, суверен давлат сифатидаги давлат-ҳуқуқий мақомини мустаҳкамловчи янги тамойилларни белгилаб беради.

Таъкидлаш жоизки, янгиланган Конституцияда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутувчи ҳуқуқий давлатнинг барча белгилари, хусусан, конституциявий ислоҳотларнинг энг устувор йўналиши сифатида инсон ва фуқаронинг асосий шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолатлари кучайтирилишини ўзида мужассам этаётгани алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар бир инсоннинг ажралмас ва табиий ҳуқуқи бўлмиш Яшаш ҳуқуқини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистонда 2008 йилдан жиноят қонунчилигига кўра бекор қилинган, бироқ, Конституцияда ўз аксини топмаган ўлим жазосини тақиқлашни конституциявий даражада белгиланиши инсонни ҳаётдан ҳатто давлат ҳам маҳрум этишга ҳақли эмаслиги кафолатланиши сўзимизнинг исботидир. Зеро ушбу норма билан давлатимиз бу ўта жиддий масалада ҳеч қачон ортга қайтмаслигини, инсонпарварлик ғояларига содиқ эканлигини бутун дунёга намоён қилади. Мисол сифатида, бугунги кунда 106 та давлатда (Канада, Аргентина, Дания, Франция, Италия, Норвегия, Швеция, Болгария, Польша ва бошқа) ўлим жазоси барча жиноятлар учун бекор қилинган. Айрим давлатлар ўз тажрибасида ўлим жазосини қонунлар билан бекор қилса-да, Конституциясида бўлмаганлиги боис, уни жазо сифатида қайта тиклаш ҳолатлари ҳам кузатилган. Шунингдек, судлар ҳам хатоларга йўл қўйиши хавфини инкор этиб бўлмайди. Шундай экан, ўлим жазоси тайинланган шахсга суд келгусида оқлов ҳукми чиқарадиган бўлса, ноҳақ айбланган инсон ҳаётини ортга қайтаришнинг ҳеч қандай имкони йўқ!

Шу нуқтаи назардан, Конституциямизга киритилган Ўзбекистоннинг қатъий позицияси мамлакатимизда инсон ҳаёти ва қадри юқори даражада ҳимоя қилинишини яна бир бор тасдиқлайди ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда мазкур жазо турини қайтариш ва қўллаш бўйича ҳар қандай ташаббусларни қатъий равишда чеклайди. Пировардида, ҳар бир инсон, ҳатто у жиноят содир этган бўлса ҳам, унинг яшаш ҳуқуқини кафолатланишига хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш бўйича муҳим институтлардан бири “Хабеас корпус акт” институти – шахс эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суднинг қарори асосида амалга оширилиши шартлиги талабидир. Бу қоида шахсий эркинлик дахлсизлигини кафолатлаб, тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асоссиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўймасликка қаратилган.

Бу янги норманинг аҳамияти шундаки, суд-тергов жараёнларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб туришга, шахсни асоссиз ҳибсга олиниши ҳолатларини бартараф этишга, натижада тергов давомида инсоннинг озодлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган хатоларга йўл қўйилмаслигига хизмат қилади. Натижада, жиноят иши юритувида инсоннинг қадр-қиммати, шахсий ҳаёти дахлсизлиги, қонунга ва судга ишончи, эмин-эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқи мустаҳкам кафолатланади.

Энг муҳими, янгиланаётган Конституция эски тузумдан мерос бўлиб қолган суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фуқароларни жазоловчи ёндашувидан инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилувчи ва ҳимояловчи, поймол қилинган ҳуқуқларни тикловчи, рағбатлантирувчи ёндашувига ўзгартирмоқда.

Янгиланган Конституцияда “Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Шахс ушлаб турилган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ўтгунига қадар судга ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун олиб борилиши керак. Агар ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги судда исботланмаса, шахс дарҳол озод қилиниши керак” деган норма белгиланди. Шахс суд қарорисиз 48 соатдан кўп муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги қоидаси биринчи навбатда, уни асоссиз ва муддатсиз ҳибсга олинишига йўл қўймаслик талабини қатъий белгилайди. Стаистик материалларни ўрганиш натижасида олинган қамоқ эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши амалиётини келтирадиган бўлсак, 2022 йилда тергов органларидан судларга келиб тушган жами 24 118 та илтимосномадан 23 503 таси қаноатлантирилган, 485 таси эса рад этилган, яъни 485 нафар шахсга нисбатан асоссиз равишда қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилиши олди олинган.

Мазкур норманинг конституциявий даражада мустаҳкамланиши шахснинг эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқининг қатъий кафолати бўлади ва шахс ушлаб турилган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ўтгунига қадар судга ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун олиб борилиши кераклигини қатъий белгилайди, агар суд томонидан шахсни ҳибсга олиш ёки унга нисбатан бошқача турдаги озодликни чеклашга оид қарор қабул қилинмаса, шахс дарҳол озод қилиниши зарурлигини англатади.

Энг муҳими, ушбу норма инсоннинг фундаментал ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилинишига ва шахс эркинлиги ҳамда дахлсизлик ҳуқуқининг конституциявий кафолати сифатида хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, процессуал ушлаш вақтида инсон оғир руҳий ҳолатга тушади ва ҳуқуқий ёрдамга айниқса муҳтождир, чунки у бундай мураккаб вазиятда жиноятда айбдор ёки айбсизлигини исботлаш мажбурияти унга эмас, аксинча, тўлиқ тергов органларига юклатилганлигини англай олмайди. Халқимиз кўп бора тергов органлари томонидан кимдир қўлга олинганида, у нима учун ушланганини айтилмаслигидан шикоят қилади. Натижада, фуқароларнинг ҳуқуқлари қўлга олинган вақтнинг ўзидаёқ хавф остида қолади. Минг афсуски, фуқаролар ўз ҳуқуқларини яхши билмагани ва ҳеч ким уларга буни аниқ ва батафсил тушунтирмагани учун тергов жараёнида қонунга зид ҳолатлар кузатилади. Ушбу салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ривожланган давлатларнинг Конституция ва қонунларида акс этган “Миранда қоидаси” Ўзбекистон Конституциясига киритилмоқда. Яъни, шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани

содда тилда тушунтирилиши шарт.

"Миранда қоидаси"га биноан ушланган шахс сукут сақлаш, сўроқ жараёнида адвокати иштирокини талаб қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эгалиги содда тилда шахсга илк сониялардаёқ тушунтирилади. Яъни, Конституцияда жиноий таъқибга олинган шахсларни давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ўзбошимчалигидан ҳимоялашнинг деярли барча усуллари акс этмоқда.

Янги ислоҳотлар босқичида айбсизлик презумпцияси принципига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Асосий қонунга биноан айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Шахсни айбдорлигига оид ҳар қандай шубҳаларга таяниб, айблаш учун етарли бўлмаган далиллар асосида шахсни жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Борди-ю, терговда айб эълон қилинса ҳам, бундай вазиятда судда айбини тасдиқловчи далилларнинг етарли эмаслиги туфайли унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилади. Яъни, "исботланмаган айб – исботланган айбсизликка тенг" деган халқаро стандарт амал қилади. Мисол сифатида айтиш мумкинки, мамлакатимиз судлари томонидан сўнгги 5 йилда беш мингдан ортиқ шахс оқланган.

Конституцияга киритилаётган мазкур норма суриштирув, тергов ва суд жараёнида фақат ишончли ва қонуний далиллардан фойдаланишни таъминлайди ҳамда натижада, шахсни асоссиз равишда жавобгарликка тортишни олдини олишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларда эътироф этилган, шахснинг мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга бориш, турар ва яшаш жойини эркин ўзгартириш, мамлакатдан чиқиш ва қайтиш ҳуқуқини қамраб олади.

Сир эмаски, мамлакатимизнинг яқин ўтмишида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини асоссиз чекловчи қонуности ҳужжатлари мавжуд эди. Масалан, баъзида фуқароларимиз Тошкентга келиш учун йўллардаги назорат постларидан паспортсиз ўта олмас эди, уларни билим олиши, даволаниши, ишлаши ёки қариндошларини кўриши учун пойтахтга келиб туришида ҳам қийинчиликлар мавжуд эди. Бундай тўсиқларнинг аксарияти сўнгги йиллардаги ислоҳотлар натижасида бартараф этилди. Хусусан, йўлларда назорат постлари олиб ташланди, "прописка", хорижга чиқиш учун рухсатнома (стикер) расмийлаштириш тартиби бекор қилинди.

Эркин ҳаракатланишга оид янги норма инсон қадрини камситувчи, ҳаракатланиш эркинлигига тўсиқ бўлган чекловларни бартараф этиб, ҳар бир шахснинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланишини кафолатлайди. Юртдошларимиз учун мамлакатнинг хоҳлаган ҳудудида эмин-эркин яшаш, уй-жой ва кўчмас мулк сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, билим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланишга оид кенг имкониятлар яратади. Қолаверса, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ва урбанизация жараёнларининг самарали амалга ошишига муҳим омил бўлади.

Юқорида айтилган фикрларни мухтасар қилиб, охирги етти йилда мамлакатимизда Бош қомусимизга ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат қурилиши, ҳуқуқий ва маънавий соҳалар юзасидан киритилган ўзгартишлар инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга олиб келди, фуқароларда инсон ҳуқуқлари устуворлигини ҳамда уларнинг олий қадрият эканлигини мустаҳкамланди.

Миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш эса ўз навбатида демократик тамойиллар ва халқаро ҳуқуқий талабларга тўлиқ жавоб берадиган қонун нормаларини қабул қилишга олиб келади.

Юрий Пулатов
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори, юридик фанлар доктори, профессор

ҲОЗИРГИ ДАВРДА МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мақолада мулк ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий режими масалалари ёритилган бўлиб, жумладан, ушбу муносабатларни тартибга солиш, мулкдорларга тегишли кафолатлар, преференциялар бериш, шунингдек, мулк ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқларини турли тажовузлардан муҳофаза қилиш, унинг амалдаги қонунчилик бўйича дахлсизлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий режим, мулк, мулк ҳуқуқи, қонун, кодекс, иқтисод, жамият, ижтимоий муносабатлар, тартибга солиш, тажовуз, даҳлсизлик, кафолатлар

В данной статье рассматриваются вопросы касающиеся правовых основ защиты права собственности на современном этапе развития нашего общества. В ней анализируются правовой режим общественных отношений, которые непосредственно связаны с правом собственности, вопросы их правового регулирования. Также, раскрываются некоторые аспекты предоставления гарантий собственникам и обеспечения неприкосновенности, а также, их защиты от различных посягательств

Ключевые слова: правовой режим, собственность, имущественное право, закон, кодекс, экономика, общество, общественные отношения, порядок регулирования, посягательство, неприкосновенность, гарантии.

This article discusses issues related to the legal framework for the protection of property rights at the present stage of development of our society. It analyzes the legal regime of social relations that are directly related to the right of ownership, issues of their legal regulation. Also, some aspects of providing guarantees to owners and ensuring immunity, as well as their protection from various encroachments.

Key words: legal regime, property, property law, law, code, economy, society, public relations, regulation procedure, encroachment, immunity, guarantees.

Мулк ҳар бир жамиятнинг иқтисодий асоси бўлиб ҳисобланали. У жамиятнинг бевосита иқтисодий формациясини, сиёсий тузилишини белгилайди. Мулк масалалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида белгилангандек, - бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеьмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибидагина маҳрум этилиши мумкин [1].

Таъкидлаш керакки, - мулк мазмунини иқтисодий ҳокимият ҳам ташкил этади ва асосан икки томонлама характерга эгадир, яъни, бир томондан, иқтисодий ҳодиса бўлса, иккинчи томондан, юридик воқеликдир.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, давлатимиз томонидан мулкчиликка оид, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли 53-54-моддалари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари мулкнинг барча шакллари, мулкдорларнинг ҳуқуқларини

ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асослар мажмуасини ташкил этади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 30 октябрда қабул қилинган "Мулк тўғрисида"ги қонуни, 1997 йил 1 мартада кучга кирган Фуқаролик кодекси, 2012 йил 24 сентябрдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ги қонуни, 2015 йил 21 июндаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий табиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4725-сон фармони қабул қилиниши муносабати билан, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун, бевосита мулкдорларнинг қонуний мафаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир [2].

Таъкидлаш лозимки, 2016-2022 йиллар даврида хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган ўнлаб фармонлар, қарорлар, жумладан, 2022 йил 24 августда қабул қилинган "Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигиги ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонига асосан, 2022 йил 22 августда ўтказилган тадбиркорлар билан очиқ мулоқот доирасида белгиланган мулкий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омилларни бартараф этиш бўйича вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида мақсадида мулк ҳуқуқини дахлсизлигини таъминлашнинг янги кафолатлари белгиланди [3].

Жумладан, мулк эгалари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш, яъни ихтиёрий равишда ер участкасидан воз кечиш тартиби, юридик шахс тугатилиши муносабати билан, қишлоқ хўжалиги ерларидан ташқарида бўлган ҳуқуқларини бекор қилиш, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри тизимини шакллантириш, жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарлар компенсация қилиш бўйича ҳудудий мақсадли жамғармалар тузиш, компенсация бўйича амалга оширилган тўловлар, кейинчалик айбдор шахслардан регресс тартибида ундирилади ва яна бир қатор чоралар

белгиланган.

Албатта, ҳозирга даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги ПФ 5064-сонли фармонига кўра, янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан кўриб чиқилиб, юқори палата сенаторлари уни маъқуллаганидан сўнг қабул қилинади.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг II бўлими бевосита мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларга тегишли муносабатларни тартибга солишга қаратилан бўлиб,13-19 бобларда мулк ҳуқуқига тегишли 164-223-моддалар белгилангандир, жумладан, 19- бобдаги 228-233-моддалар эса, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни фуқаровий-хуқуқий ҳимоя қилишга бағишланган.

"Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасига асосан [4], хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бир қатор усуллари мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, улар қаторига қуйидагилар киради – хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш, хусусий мулк ҳуқуқи бузилишидан олдинги ҳолатини тиклаш ва хусусий мулк ҳуқуққини бузилиши ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, давлат органининг ва бошқа органнинг қабул қилган ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш, мулкдорга етказилган зарарни ундириш, маънавий зарарни ундириш ва бошқалар.

Бундан ташқари, фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усулларига – мулкни бировнинг ноқонуний эгаллашидан талваб қилиб олиш, яъни

виндикацион даъволар қўзғатиш орқали, - мулкдорнинг ҳуқуқларини эгалик қилишдан маҳрум қилишга қаратилган тажовузларнинг олдини олиш, яъни негатор даъволар қўзғатиш йўли билан амалга оширилади.

Мулк ҳуқуқини бузишга қаратилган ғайриқонуний шартнома ва битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарорлар чиқариш орқали қўриқлаш, асоссиз олиб қўйилган мулкни унинг ҳақиқий эгасига қайтариш йўли билан қўриқлаш ҳам асосий усуллар доирасиг киради.

Фуқаролик кодексида мулк ҳуқуқини ҳимоя қилинишининг кучайтирилишини таъминловчи бир қанча, муҳим аҳамиятга эга бўлган қоидалар мустаҳкамланганлиги эътиборга савзовордир. Масалан, мулк эгаси мулкини йўқотган ёки ўғирлатган ҳолларда уни топиб, инсофли эгалловчидан талаб қилиб олишдан ташқари яна мулк эгаси ихтиёридан ташқари бўлган мулк эгалиги қўлидан кетган тақдирда ҳам, ўз мулкини талаб қилиб олиши мумкин.

Шунингдек,мулк бошқа шахсларга ишониб топшириб қўйилганданинг

ихтиёридан ташқари қўлидан чиқиб кетган бшлган тақдирда ҳам, у мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Агарда мулк бошқа шахсга топшириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан текинга олинган бўлса, бу ҳолда мулк эгаси ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз мулкини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Суд амалиёти шундан далолат берадики, ҳозирги даврда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган даъволар ичида виндикацион даъволар (мулкни ноқонуний эгаллаш) ҳажми кўпроқ учрайди, негатор даъволар (мулк ҳуқуқи бузилишини олдини олиш) эса, аксинча камроқ учрайди. Бироқ, бундан мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нормалар ўз аҳамиятини йўқотган деган нотўғри хулоса келиб чиқмаслиги керак.

Қайд қилиш керакки, минг афсус, амалиётда баъзи ҳолларда мулк ҳуқуқи кафолатларига қарама-қарши бўлган қоидалар ҳам учраб туради. Масалан, 2004 йил 26 августда қабул қилинган "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддасида фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи давлат ҳимосидадир деб белгиланган [5]. Унга асосан, бино, иншоотлар, экинзорлар,- чорва моллари, етиштирилан маҳсулотлар, транспорт воситалари ушбу фермер хўжаликларига тегишлидир.

Бироқ, таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 декабрдаги 1012-сонли қарори тасдиқланган, жумладан, иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги паст, кам ҳосил берадиган экинзорларни фойдасиз деб тан олиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талаблар фермерларнинг мулк ҳуқуқларини бузилишига олиб келмоқда.

Юқорида қайд этилган низомга асосан, фермер хўжаликлари ёки бошқа шаклдаги қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик субъектларига қарашли бўлган – иқтисолий жиҳатдан самарасиз, яъни кам ҳосиллик боғлар, экинзорларни фойдасиз деб белгилаш ва бошқа категориядаги ерлар тоифасига ўтказиш туман ҳокимликлари томонидан, қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳузуридаги боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, шунингдек, узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги билан келишилган тарзда 6 ой муддатда амалга оширилиши кўрсатиб этилган.

Ушбу мисолдан яққол кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги соҳасида

фаолияти ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган мулклар ва уларга нисбатан мулкдорларнинг ҳуқуқлари тақдири туман ҳокимликлари ихтиёрига боғлиқ бўлиб қолган. Бу ҳолат, ўз навбатида мулк эгаларининг мулкий ҳуқуқлари дахлсизлигига салбий таъсирини ўтказиб келмоқда.

Агарда, биз ҳорижий давлатларнинг бу соҳадаги тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, масалан, Хитой Халқ Республикасида, бир қатор Европа давлатларида – Франция, Испания, Австрия, Венгрияда уларда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалиги тўғрисида"ги қонунларига асосан, мулкдорларнинг мол-мулкига тегишли ёки уларни

бошқариш билан боғлиқ бўлган ишларига аралашиш ман қилингандир.

Албатта, тан олиш керакки, турли соҳаларда – иқтисодий, ижтимоий, инновацияларни жалб қилиш, қишлоқ хўжалигида жадал суръатлар ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан олиб борилаётган прагматик, оқилона, халқпарвар сиёсат ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигига ҳар биримиз сезмоқдамиз ва ўз ҳаётимизда улардан баҳраманд бўлмоқдамиз. Лекин, ўзини ватанпарвар деб ҳисоблайдиган ҳар бир фуқаромизни ҳали амалга оширилиши лозим бўлган улкан ишлар

кутмоқда.

Фикримизнинг яққол далили сифатида, Президентимизнинг 2022 йил 22 август куни республика тадбиркорлари билан ўтказган очиқ мулоқотларида мисли кўрилмаган янгиликлар, тадбиркорлик субъектларига уларнинг фаолиятига тегишли тақдим этилган – ҳаттоки, эртаклардаги каби, улар тасаввур этолмаган имтиёзлар, преференциялар, янги ўзгаришлар, субсидиялар, имтиёзли кредитлар, уларнинг қарздорлигидан воз кечиш, солиқ ставкаларнинг камайтирилиши, экспорт ва импорт операциялари бўйича божхона божлари, 12 та турли талабларнинг бекор қилиниши, уларни маълум бир ҳуқуқлардан маҳрум қилмасликни белгилаш,тадбирклорларнинг ерга, мулкига бўлган ҳуқуқларини ишочли ҳимоя қилиш ва энг асосийси ер эгалари, мулк эгаларининг ҳуқуқлари, фақатгина қонунда белгиланган ҳолда ва фақатгина суд қарори асосидагина чегараланиши мумкинлиги қатъий белгиланди.

Ишончимиз комилки, бу глобал характерга эга бўлган янги тартиб-қоидалар қисқа муддат ичида амалдаги қонунчилик нормаларда ўз аксини топади.

Таъкидлаш лозимки, албатта бу йўналишда эришилган ижобий натижалар ҳам, амалга ошириладиган вазифалар ҳам жуда кўп бўлиши билан бирга қишлоқ хўжалигида тадбиркорлар, фермерларнинг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер муносабатлари муҳим аҳамиятга эгадир, шу билан бир қаторда, амалиётда бу соҳада ҳали ҳам бир қатор муаммолар ҳам мавжуд эканлиги қайд қилиш керак.

Ҳозирги даврда, пахта монополлиги қисқартириш орқали, ўн минглаб гектар сермаҳсул ер майдонлари қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларига турли шаклларда расмийлаштириб берилмоқда. Бироқ, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эгалик қилиш ҳуқуқининг вужудга келиши ва уни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган бир қаторо муаммолар деҳқон-фермер хўжаликлари томонидан бундау ерлардан унумли фойдаланишига ҳар доим ҳам имконият бермайди.

Масалан, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига кўра, деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятини амалга ошириш учунмўлжалланган ер участкалари очиқ танлов асосида ижарага 50 йилгача, бироқ, 30 йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши қайд қилинган [6].

Бироқ, деҳқон-фермер хўжаликлари фаолияти юритиш амалиётда ер майдогини ижарага олиш шартномаси тузиш билангина чегараланиб қолмоқда. Жумладан, ушбу қонуннинг 32-моддасида давлаи ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун, шу жумладан, ажратилган ер майдони белгиланган мақсадларда фойдаланмаганлиги ҳолларида, шунингдек, екотрактация шартномасининг шартларида белгиланган маҳсулотлар ўрнига, шартномада кўрсатилмаган маҳсулотлар етиштирилганда ер участкаларини мажбуран олиб қўйиш зарурари келиб чиққан тақдирда, ер участкаси ижараси бўйича томонлар ўртасида тузилган ижара шартномаси ўрнатилган тартибда бекор қилиниши сабабли, деҳқон-фермер хўжалигини тугатиш масаласи белгиланган [7].

Агарда эътибор берадиган бўлсак, ушбу нормада деҳқон-фермер хўжалигининг тугатилиши ва ер майдонини олиб қўйилиши негадир бир-бирига боғлаб қўйилган.Аслида, эса фермерлар контрактация шарт-

номалари шартлариини бузгагнлиги учун ижара шартномаси бекор қилиниши ва фермер хўжалиги тугатилиши орқали эмас, балки шартномавий қоидалар асосидва тартибга солиниши керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53, 54 моддаларига кўра, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ер майдонлари узоқ муддатли фақат фермер хўжаликлари ва фуқароларга деҳқон хўжалиги шаклида юридик шахс ташкил этиш шарти билан ажратилади. Бироқ, ушбу норма бошқа шаклдаги юридик шахсларнинг, (масалан, маъсулияти чекланган жамиятлар, акциядорлик жамиятлари каби) қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш учун узоқ муддатли ижарага ер участкаларига эга бўлиш имкониятини амалиётда чекламоқда.

Бу ҳолат, ўз навбатида қишлоқ хўжалиги йшналиши бўйтча янги тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг маблағлари кириб келишига тўсқинлик қилмоқда.

Юқорида қайд этилган фикрларга хулоса қилиб, таъкидлаш мумкинки,озирга даврда мулк ҳуқуқини муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштирилиши мулк эгасининг мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқидан ўзоҳишига кўра фойдалана олишини, хусусий мулкни ишончли ҳимояланиши ва жумладан, мулкдорнинг мулкий ҳуқуқлари бузилган тақдирда, уни қайта тикланишига мустаҳкам ҳуқуқий кафолатларни вужудга келтирмоқда.

◄ Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2020
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012 йил, 39-сон, 446-модда
3. Халқ сўзи, 2022 йил, 25 август.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 446-модда
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 27-сон, 223- модда.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. 27-сон, 223-модда
7. Сафарова А. Фермерликни тартибга солувчи қонунлар халқаро талабга жавоб берадими? // HUQUQ va BURCH. - Тошкент, 2021. 5-сон, 5-б

Турсунова Маликахон Улугбековна

ФОРМЫ ДИПЛОМАТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СОВРЕМЕННОМ ГОСУДАРСТВЕ: НЕОБХОДИМОСТЬ РЕФОРМ И ЗАКОНОДАТЕЛЬНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ

В настоящей научной статье проводится краткое исследование форм дипломатической деятельности как основных способов внешнего выражения сущности современной дипломатии и взаимодействия государств в процессе международного общения. В то же время, на основе теоретического обзора и обсуждения существующих актуальных проблем, определен факт необходимости обеспечения реформ в дипломатической деятельности и ее законодательного регулирования в Узбекистане. Данные преобразования необходимы для того, чтобы повысить популярность дипломатической деятельности среди общества, и повысить интерес исследователей к дальнейшим перспективам дипломатического права Республики Узбекистан в целом.

Ключевые слова: Дипломатия, дипломатическая деятельность, культурная (научная) дипломатия, цифровая дипломатия, государство, реформы, переговоры, политические диалоги.

This scientific article provides a brief study of the forms of diplomatic activity as the main ways of external expression of the essence of modern diplomacy and the interaction of states in the process of international communication. At the same time, on the basis of a theoretical review and discussion of existing topical problems, the fact of the need to ensure reforms in diplomatic activity and its legislative regulation in Uzbekistan is determined. These transformations are necessary in order to increase the popularity of diplomatic activity among society, and to increase the interest of researchers in the future prospects of the diplomatic law of the Republic of Uzbekistan as a whole.

Key words: Diplomacy, diplomatic activity, cultural (scientific) diplomacy, digital diplomacy, state, reforms, negotiations, political dialogues.

Ushbu ilmiy maqolada zamonaviy diplomatiya mohiyatini tashqi ifodalashning asosiy usullari va xalqaro muloqot jarayonida davlatlarning o‘zaro hamkorligi sifatida diplomatik faoliyat shakllari qisqacha o‘rganiladi. Shu bilan birga, mavjud dolzarb muammolarni nazariy ko‘rib chiqish va muhokama qilish asosida O‘zbekistonda diplomatik faoliyat va uni qonunchilik bilan tartibga solishda islohotlarni ta’minlash zarurligi fakti aniqlandi. Ushbu o‘zgarishlar diplomatik faoliyatning jamiyat o‘rtasida ommaviyligini oshirish, tadqiqotchilarning butun O‘zbekiston Respublikasi diplomatik huquqining istiqboldagi istiqbollariga qiziqishini oshirish uchun zarurdir.

Kalit so‘zlar: Diplomatiya, diplomatik faoliyat, madaniy (ilmiy) diplomatiya, raqamli diplomatiya, davlat, islohotlar, muzokaralar, siyosiy muloqotlar.

Введение

Дипломатическая деятельность в современном государстве выражена в различных формах, изучение которых представляет отдельную научную ценность.

С каждым годом государства не могут рассчитывать на возможности использования только военных способов влияния для обеспечения своих внешнеполитических интересов ввиду наличия таких обстоятельств, как растущая глобальная взаимозависимость, гуманистические и демократические ценности мирового масштаба[1]. Следует отметить актуальность теоретического обоснования расширения форм дипломатической деятельности в современном государстве, так как они приходят на смену устаревшим, не оправдывающим себя военным

и агрессивным методам решения внешнеполитических проблем.

Дипломатическая деятельность основана на определенных формах выражения, практика реализация действия которых зачастую связана с проблемами теоретико-правового объяснения и неоднозначного понимания в науке. В рамках исследования настоящей научной статьи, проанализируем некоторые особенности и проблемы форм дипломатической деятельности в государствах, особенно с учетом развития тенденций цифровизации в дипломатии и борьбы политических интересов некоторых государств.

Основная часть

Дипломатическая деятельность – это особая разновидность осуществления государством внешних функций и направлений своей политики в процессе международного общения и взаимодействия с другими государствами.

В современном государстве дипломатическая деятельность может проявляться в различных формах, в частности, в таких как:

1. Политические переговоры и консультации между лидерами и правительствами разных стран, направленные на решение важных вопросов международной политики и общения;
2. Проведение международных конференций, форумов, саммитов и других мероприятий, на которых обсуждаются актуальные проблемы международных отношений;
3. Отправка дипломатических представителей и делегаций в другие страны с целью установления и поддержания дружественных отношений;
4. Экспертная работа в международных организациях, таких как ООН, ЕС, НАТО и др. с целью защиты национальных интересов и продвижения международного сотрудничества;
5. Культурные, образовательные и экономические программы и виды сотрудничества между государствами (виды дипломатической деятельности по данным сферам), направленные на укрепление социальных и экономических связей между странами;
6. Консульская деятельность, связанная с оказанием помощи своим гражданам, проживающих на территории иностранного государства, выдачей виз и другими процедурами;
7. Политические диалоги, обсуждения, саммиты и иные мероприятия, проводимые в дистанционной, цифровой форме.

Изложенные выше формы дипломатической деятельности являются важными компонентами внешней политики любого современного государства.

Каждая из форм публичной дипломатии реализуема через множество инструментов, например через культурную дипломатию, зарубежные гастроли творческих коллективов[2] и иные мероприятия. В то же время, исследователями часто рассматривается культурная, научная, образовательная, спортивная, переговорная дипломатия как эффективные инструменты реализации «мягкой силы» государствами или международными организациями[3].

Особо отметим, что культурная дипломатия применима и как интеллектуальная стратегия сдерживания, блокирующая негативные аспекты влияния государств, инструмент по реализации целей общей политики государства[4], продвижения своих позиций в мире[5].

Не теряет своей актуальности и научная дипломатия, которая не всегда изучалась в качестве самостоятельного направления дипломатической деятельности, однако имела место быть как составляющая публичной дипломатии либо инициатива по брендингу и статусу государства[6], результаты развития которой отражаются в сборниках, обзорах политики правительства в области науки и инноваций[7].

Также на данный момент в науке и практике распространение получил термин «Публичная дипломатия 2.0», выражающийся в особом способе коммуникативного влияния на зарубежные

аудитории лиц через социальные сети, блоги[8] и иные средства коммуникации. Ввиду появления инновационных технологий, пользователи могут не только читать много информации, содержащейся на сайтах государственных органов, СМИ, дипломатических представительств, но и выражать свои позиции относительно ее содержания[9].

Основным методом в данной сфере является сотрудничество, поиск компромиссов, способы информационно-просветительской деятельности в СМИ, направленные на достижение популяризации политики[10]. Приоритет в дипломатических отношениях должен отдаваться «мягкой силе», прежде всего как возможности добиваться многих прогрессивных целей не с помощью военных или экономических возможностей, а благодаря привлекательности национальных элементов культуры, политики, ценностей и идей[11].

Вышеприведенные формы дипломатической деятельности не являются единственными способами выражения дипломатии, что предполагает возможность дальнейшего расширения их видового разнообразия.

Актуальные проблемы

Основная актуальная проблема в теоретико-правовом объяснении форм дипломатической деятельности состоит в разрозненности научных исследований, не комплексности и относительной оторванности одних форм дипломатии от других[12].

В числе других проблем можно назвать следующие неоднозначные обстоятельства:

- слабое развитие цифровой дипломатии во многих странах СНГ, относительно слабое практическое ее воплощение в Узбекистане;
- низкий уровень вовлеченности населения в реализацию общественной дипломатии как составной части публичной дипломатии;
- низкий спрос среди государств на использование исключительно переговорных и мирных способов разрешения споров, ввиду конкуренции и борьбы политических интересов и амбиций;
- отсутствие законодательной основы функционирования дипломатической службы и деятельности соответственно, что порождает сложность концептуального и универсального характера, множество научных позиций и дискуссий, не объединенных единым нормативно-правовым началом;
- недостаточная прозрачность процесса принятия решений высшими государственными органами государств;
- недостаточно эффективно проработанная система координации между различными дипломатическими информационными каналами.

Выводы и предложения

Развитие современного государства сегодня предполагает необходимость учитывать не только тенденции цифровизации, но и соблюдение прав человека, приоритет мирного разрешения споров между государствами, так как военные способы разрешения споров негативно отражаются на состоянии соблюдения прав человека на практике.

На данный момент для многих государств необходим конструктивно построенный, эффективный политический диалог, который можно достигнуть через переговоры и поиск компромиссов. Но для того, чтобы прийти к достижению данной задачи, нужны дипломатические представители, агенты, консультанты и медиаторы, обладающие профессиональными знаниями и опытом ведения договорной работы и переговоров. Чтобы обеспечивать безопасность и оперативность их работы, предполагается необходимость усиленного развития цифровой дипломатии, а также иных форм дипломатической деятельности (научной, культурной и иной разновидности).

В данном направлении цифровая дипломатия имеет свои особые преимущества, но для этого необходимо постоянно совершенствовать кадровый состав в дипломатических

представительствах, реформировать их деятельность и оформить достижения реформ в соответствующих законодательных актах.

Развитию эффективно функционирующей дипломатической деятельности могут поспособствовать следующие направления:

- усиление доктринальных основ цифровой дипломатии посредством расширения взаимодействия видных представителей науки и молодежи, усиления конкурсных начал при разработке научных инноваций;

- вовлечение населения в процессы обсуждения действий государств, имеющих общесоциальное и политическое значение, что можно реализовать посредством развитой системы социальных сетей и форумов, имеющих простой доступ регистрации и популярность среди всех слоев населения республики;

- усиление популяризации примирительных процедур среди конфликтующих государств посредством повышенной инициативы участия в переговорах видных политических деятелей и экспертов, доверие которым со стороны конфликтующих государств позволит им же прийти к компромиссным вариантам решения межгосударственных конфликтов;

- обеспечение комплексного реформирования дипломатической деятельности в Республике Узбекистан, а также законодательное регулирование данного вида деятельности, что предполагает необходимость не только принять Закон «О дипломатической службе Республики Узбекистан», но и разработать систему подзаконных актов, подробно регламентирующих действия политических переговорщиков, примирителей, консультантов в процессе разрешения конфликтов между государствами. Для функционирования данной системы подзаконных актов необходимо будет в дальнейшем принять согласованное между другими государствами Соглашение «О взаимном признании статуса дипломатических переговорщиков и медиаторов», что позволит на более высшем и безопасном уровне медиаторам и переговорщикам осуществлять свою деятельность в процессе межгосударственного общения и решения общих вопросов (в том числе и межгосударственных конфликтов);

- прозрачность процесса принятия решений высшими государственными органами государств можно обеспечить посредством развития системы социальных сетей (телеграмм-каналов, групп, форумов, комментариев, сайтов) и вовлечения активных представителей общества и экспертов в процесс межгосударственного общения по вопросам, по которым допускается публичность такого обсуждения. Посредством функционирования данной системы возможно усилить координацию между различными дипломатическими информационными каналами, а также обеспечить обратную связь с обществом, его активными представителями, блогерами, журналистами и научными экспертами.

◄ Иқтибослар/Сноски/References

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Том 2. –Т.: "Ўзбекистон".—Б.93.
2. Кэрен Л.,Саидов А.Х., Амир Темур ва Франция. –Тошкент: "Адолат", 1996.-45-46 б.
3. Мўминов А.Р.,Тиллабаев М.А. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик. –Тошкент: "Адолат", 2013. -61 б.
4. Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. 1-китоб. —Тошкент: "Ўзбекистон", 2015.-249 б.
5. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик.-Тошкент.2006.-55 б.
6. Илкка Тайпале. Финляндиянинг 100 та ижтимоий инновацияси.–Т.: "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2019.—Б.28.
7. Франция Республикаси Конституцияси. —Тошкент: "O'ZBEKISTON", 2018. —Б.71-75.

8. Америка Қўшма Штатлари Конституцияси. –Т.: “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази”, 2013.—Б.4.

9. Ўзбекистон Конституцияси – дунё жамоатчилиги нигоҳида (академик А.Х.Саидов муҳаррирлигида). –Т:”Адолат”, 2017.–Б.7-8.

10. O‘zbekiston Respublikasining 2011-yil 14-sentyabrdagi “Toshkent shahri va Toshkent viloyatida doimiy yashash joyi bo‘yicha ro‘yxatga olinishi lozim bo‘lgan shaxslar — O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari toifalarining ro‘yxati to‘g‘risida”gi O‘RQ-296-son qonuni. O‘zbekiston Respublikasi qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi // www.lex.uz.

11. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – T.:”O‘zbekiston” NMIU, 2017, 2018, 2019, 2021.

Селиманова Светлана Михайловна
Доктор юридических наук, профессор Начальник кафедры Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

КОНСТИТУЦИОННАЯ РЕФОРМА: ОПЫТ И ПЕРСПЕКТИВЫ

В статье рассмотрены актуальные вопросы констиутционной реформы в Республике Узбекистан, проанализированы проблемы обеспечения конституционных прав и свобод человека. На основе анализа законодательства и научной литературы сформулированы предложения и рекомендации.

Ключевые слова: обновленная Конституция, Конституционная реформа, конституционные права и свободы человека, обеспечение прав и свобод человека, критерии, законность.

Maqolada O'zbekiston Respublikasida konstitutsiyaviy islohotning dolzarb masalalari ko'rib chiqildi, insonning konstitutsiyaviy huquq va erkinliklarini ta'minlash muammolari tahlil qilindi. Qonunchilik va ilmiy adabiyotlar tahlili asosida takliflar va tavsiyalar shakllantirildi.

Kalit so'zlar: yangilangan Konstitutsiya, Konstitutsiyaviy islohot, insonning konstitutsiyaviy huquqlari va erkinliklari, inson huquqlari va erkinliklarini ta'minlash, mezonlar, qonuniylik.

The article deals with topical issues of constitutional reform in the Republic of Uzbekistan, analyzes the problems of ensuring constitutional human rights and freedoms. Based on the analysis of legislation and scientific literature, proposals and recommendations are formulated.

Keywords: updated Constitution, Constitutional reform, constitutional human rights and freedoms, ensuring human rights and freedoms, criteria, legality.

Реалии современного мира и нынешнее стремительно меняющееся время требует от нас созвучных ему действий и перемен. Это в полной мере относится к нормам права как регулятору общественно-политических процессов в обществе и государстве. В современном мире особое влияние на национальные правовые системы в целом и на конституционное развитие в частности оказывают глобализационные процессы, глубина которых нередко влечет потенциальную возможность и даже неизбежность наступления фундаментальных изменений на уровне конституционных норм.

Опыт конституционных реформ, произошедших в последнее десятилетие, позволяет выявить ряд новых проблем в конституционном праве, требующих своего разрешения, в том числе ввиду необходимости учета международных демократических правовых стандартов. Исследования подтверждают, что большая часть конституций, действующих в современных государствах, корректировалась. Это коснулось и «старейших» конституций, и достаточно новых основных законов. Так, в завершающее десятилетие XX в. и начале XXI в. происходили многочисленные конституционные реформы во всем мире, назначение, масштаб и динамика которых заметно отличаются от прежних лет.

Принятие конституционных изменений -ключевое событие для каждой страны, поскольку в большинстве случаев этот процесс продиктован целями реформирования общественных отношений. Даже частичное изменение конституционного текста может повлечь за собой значительное переустройство конституционно-правовых институтов, влекущее для страны новую модель конституционного развития.

В целях реализации задач, отраженных в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 г.г. и имеющих важное значение в построении справедливого, действительно

народного государства, прежде всего будут необходимы конституционная основа и еще более прочная законодательная база. В этом смысле важной задачей становится гармонизация Основного закона с современными реалиями нашего общества, сутью наших последовательных реформ, а также создание прочного правового фундамента Стратегии развития Нового Узбекистана.

Конституционная реформа - это всегда определенный перерыв постепенности, качественное изменение конституционно-правовых институтов и норм, и этим она отличается от других изменений конституционного текста.

Принятие конституционного или иного закона о конституционной реформе - это только часть процесса реформирования общественных отношений. В самом законе о реформе часто содержится только принципиальное положение, затрагивающее определенный институт общественного и государственного строя, основы правового положения личности.

Права и свободы человека, закрепленные в нормах Конституции Республики Узбекистан устанавливают сферу свободы и самоопределения личности, ее независимости, гарантируются судебная защита, право на обжалование на основе общепризнанных международных норм и стандартов в области прав и свобод человека.

В соответствии со Всеобщей декларацией прав человека определено, что «...Каждый человек должен обладать всеми правами и всеми свободами, провозглашенными настоящей Декларацией, без какого бы то ни было различия, как-то в отношении расы, цвета кожи, пола, языка, религии, политических или иных убеждений, национального или социального происхождения, имущественного, сословного или иного положения» .

Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев справедливо отметил «Каждое решение, касающееся жизни страны, мы принимаем на основе непосредственного диалога с народом, с учетом мнений общественности. Краеугольным камнем нашей деятельности становится принцип «Не народ служит государственным органам, а государственные органы должны служить народу» .

Обеспечение и защита прав и свобод человека и гражданина является важным направлением широкомасштабных реформ и деятельности государства и органов власти, которое реализуется путем проведения государственной политики и выработки государственных программ.

Согласно ч.2 статьи 54 обновленной Конституции Республики Узбекистан, «...государство обеспечивает права и свободы граждан, закрепленные Конституцией и законами». Основная цель предоставления гарантий – это обеспечение исполнения обязательств, связанных с устранением препятствий, возникающих в процессе осуществления прав и свобод граждан. Дословное значение слова «гарантия» означает обеспечение, уверение при возможности. Гарантии по содержанию можно разделить на: юридические (правовые), социально-правовые (идеологические), социально-экономические (материальные) .

Государство обеспечивает реализацию основных прав и свобод человека и гражданина через призму равенства:

люди юридически свободны и являются суверенными личностями;

каждый человек и гражданин вправе защищать свои права и свободы всеми способами, не запрещенными законом;

государство, его органы, должностные лица являются субъектами защиты прав и свобод человека;

объектами защиты прав человека являются физические лица, институты гражданского общества и др.

Необходимо отметить, что именно государство осуществляет функцию защиты основных прав и свобод человека и гражданина, а также ограничение данных прав и свобод может быть допущено

лишь по за исключением ограничений, установленных законом, как временная мера ограничения.

Реализация конституционного права осуществления прав и свобод в полном объеме выражаются в том, что государством гарантируется судебная защита прав и свобод, эффективного восстановления в правах посредством правосудия от конституционной гарантии этого права, а также право на обжалование в суд незаконных действий государственных органов и должностных лиц, общественных объединений и других установленных гарантий, выраженных прежде всего в нормах процессуального законодательства.

Конституционная реформа - это действие, имеющее целенаправленный характер, или совокупность однородных целенаправленных действий, растянутых во времени. Ее всегда отличают масштаб и последствия как для современного и развивающегося правового регулирования, так и в целом для системы общественных отношений в орбите конституционного воздействия. В то же время конституционная реформа не может быть охарактеризована одним каким-то уникальным признаком, идентифицирующим ее в ряду схожих явлений, не может быть измерена количественными показателями, поэтому важно выявить условия, или критерии, соответствие которым позволит отнести конституционные преобразования к классу конституционных реформ.

Вместе с тем оценки конституционных изменений едва ли могут опираться на непреложное действие неких исторических законов, они вытекают, несомненно, из конкретных государственно-правовых концепций и условий, позволяющих реализовать те или иные преобразования. В настоящее время многие государства все еще находятся на этапе дальнейшего внедрения и углубления демократических принципов.

В странах мира продолжается поиск наиболее соответствующей формы государственного устройства, отвечающей характеру развития внутренних исторических, политических, социальных, экономических и других процессов. В конечном итоге это приведет к тому, что эти страны найдут свой образ сильных демократических, правовых, социальных государств, который будет соответствовать их истории, традициям и культуре.

Следует признать, что за последние годы в республике создана система правового обеспечения защиты основных прав и свобод человека и гражданина, которая, включает в себя: механизмы конституционно-правового, судебно-правового, административно-правового обеспечения реализации (защиты) основных прав и свобод человека и гражданина; юридические процедуры этого обеспечения защиты, правового регулирования и контроля.

Вышеуказанными на основе законодательства обеспечивается реализация основных прав и свобод человека и гражданина, их защита, осуществления контроля за рассмотрением дел, жалоб, заявлений граждан. Так, в целях полной реализации прав и свобод человека в нашей стране были созданы Народные приемные и Виртуальная приемная Президента Республики Узбекистан, которые поставлены во главе системы разрешения накопившихся проблем, неукоснительного соблюдения прав и свобод человека, а также обеспечении охраны общественного порядка и безопасности, стабильности, мира и спокойствия в обществе.

Таким образом, человек, его права и свободы на самом высоком, конституционном уровне признаны в качестве высшей ценности, а соблюдение и защита прав и свобод человека установлены в качестве обязанности государства. В связи с этим защита прав и свобод человека и гражданина в Республике Узбекистан составляет фундамент построения демократического гражданского общества.

В заключение хотелось бы отметить,

что современные реалии требуют того, что Конституция не должна превращаться в статичный нормативно-правовой акт, а быть «живым организмом» отвечающим требованиям времени. Исходя из этого она должна воплощать в себе механизмы прямого действия в качестве Основного закона государства, с установлением приоритетности конституционных норм над нормами отраслевого законодательства. Решение этой задачи обеспечит формирование конституционного пространства государства и соблюдение законности, что является необходимой гарантией успешного развития страны.

Миразов Даврон Миргазамович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети кафедра бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ АСОСИДА ШАХСНИНГ ХУКУКЛАРИНИ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТАЪМИНЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Мақолада жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишининг долзарб масалалари муҳокама қилинган. Жиноят-процессуал қонунчилик нормалари ва илмий адабиётларни ўрганиш асосида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланиши усуллари ва жиноят процессида қонунийликни таъминлашнинг мезонлари шакллантиришга ҳаракат қилинган.

Таянч сўзлар: шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, прокурор назорати, қонунийлик, дастлабки тергов, прокурор, қонунийликнинг бузилиши, прокурорнинг ваколатлари

В статье рассмотрены актуальные вопросы обеспечения конституционных прав и свобод человека в уголовном процессе. На основе анализа уголовно-процессуального законодательства и научной литературы сделана попытка формулирования критерев обеспечения прав и свобод человека в уголовном процессе.

Ключевые слова: конституционные права и свободы человека, критерии, прокурорский надзор, законность, нарушение законности, полномочия прокурора.

The article examines topical issues of ensuring constitutional human rights and freedoms in criminal proceedings. Based on the analysis of criminal procedure legislation and scientific literature, an attempt was made to formulate the criterion for ensuring human rights and freedoms in the criminal process.

Key words: constitutional human rights and freedoms, criteria, prosecutor's supervision, legality, violation of legality, powers of the prosecutor.

Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу борада инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги[1] ҳамда ҳимоясини таъминлаш муҳим омил сифатида эътироф этилди. Зеро жамият ва давлат ҳаётидаги туб ислоҳотларнинг тақдирини ҳал қилувчи энг асосий омиллардан бири жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бориш хизмат қилади. Шуни қайд этиш лозимки, охирги йилларида давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги сиёсатини муваффақиятли амалга оширишда дастлабки тергов органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Суд-ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунчилик асосларини шакллантириш, жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда дастлабки тергов органлари фаолиятини ҳозирги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ва шиддат билан ўзгараётган замон талабларига мувофиқлаштириш ва бунда шахс ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиш дастлабки тергов органлари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўрганишни тақозо этади.

Дастлабки тергов органлари ходимларининг ҳалқ ишончини оқлаши, давлат органи ходими сифатида ўз вазифаларига ситқидилдан ва виждонан ёндашиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашидан иборат вазифлар ўз навбатида биринчи мезон – масъулиятни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 35, 345-моддалари талабларига кўра мамлакатимиз ҳудудида жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички

ишлар органларининг ва миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари олиб борадилар. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади. ЖПКнинг 2-моддасида жиноят процессуал қонун хужжатларининг вазифалари белгиланган бўлиб, улар процессуал фаолиятнинг барча иштирокчилари, шу жумладан, дастлабки тергов органларининг фаолиятини жиноятларни тез ва тўла очишга, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишга, қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашга қаратилган. Жиноят кодексининг 2-моддасида белгиланган вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир. Шу билан бирга жиноят ишини юритишда қонунда белгиланган тартиб қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳизмат қилади ва барча судлар, адвокатлик, тергов, суриштирув, адвокатура идоралари ҳамда фуқаролар томонидан аниқ ва оғишмай ижро этилиши лозим[2]. Бу эса иккинчи мезон – Қонунийлик.

Унга асосан дастлабки тергов органлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖПК ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари, жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари, ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари, жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари, жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиши, гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериши ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриши, қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёхуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиши шарт. Бундан ташқари жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаб олиш, айбдорларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишлари лозим.

ЖПКнинг 37-моддаси 1-қисмига мувофиқ дастлабки тергов органлари томонидан дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб борилишини назорат қилиш тергов тузилмасининг раҳбарлари зиммасига юклатилган. Бу учинчи мезон - дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб борилиши.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 485-моддасига асосан терговнинг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқламалиги сифатида ЖПКнинг 82-84-моддаларида (айблаш ва ҳукм қилиш, реабилитация, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар) кўрсатилган ҳолатлар етарлича тўла аниқланмаган бўлса;

2) кўрсатувлари ишни ҳал қилишга таъсир этиши мумкин бўлган шахслар сўроқ қилинмаган, зарур бўлишига қарамай экспертиза ўтказилмаган, шунингдек ҳужжатлар, ашёвий далиллар талаб қилиб олинмаган ёки натижалари иш учун

аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилмаган бўлса каби ҳолатлар кўрсатиб ўтилган:

Ушбу моддага илмий-амалий шарҳ берган ю.ф.д. Ф.М.Муҳитдиновнинг фикрига кўра, терговнинг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқламалиги сифатида:

- жиноят таркибининг объектив томонига тегишли ҳолатларнинг тўлиқ текширилмаганлиги, яъни қилмишнинг ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликка оид характери, ҳаракат ва оқибат ўртасидаги сабабий боғлиқликнинг мавжудлиги кабилар аниқ эмаслиги;
- айбдорлик ва унинг шакли тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тўлиқ ва ҳар томонлама текширилмаганлиги;
- жиноят мотивининг ноаниқлиги қилмишни квалификация қилишга, жиноят ва уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасини ёки жазо чорасини белгилашга бевосита таъсир кўрсатиши;
- жиноятни содир этишга алоқадор бўлган барча шахслар жавобгарликка тортилмаганлиги;
- ҳар бир айбланувчининг жиноятни содир этишдаги роли аниқ эмаслиги;
- асослар мавжуд бўлган ҳолда айбланувчининг руҳий ҳолати аниқланмаганлиги;
- жавобгарликни инкор этувчи ёхуд енгиллаштирувчи ҳолатларга оид маълумотлар аниқланмаганлиги;
-жиноят натижасида етказилган зиённинг даражаси белгиланмаганлиги;
- жиноятни содир этилишига олиб келган сабаб ва шароитларнинг аниқланмаганлиги;
- вояга етмаган айбланувчининг яшаш ва тарбияланиш шароитлари, тарбияси, шунингдек, жиноят содир этишига олиб келган сабаб ва шароитлар текширилмаганлиги;
- айбланувчининг зарурий мудофаа ёки охирги зарурат ҳолатида бўлганлигига оид маълумотлар етарли ўрганилмаганлиги;
- айбланувчининг тушунтиришлари етарлича текширилмаган ва асоссиз баҳоланганлиги ҳақидаги ҳолатлар эътироф этилади[3].

Бундан ташқари дастлабки терговни амалга ошириш жараёнида терговчи исбот қилишни амалга оширади. Исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир".

Далилларни тўплаш ЖПКнинг 87-моддасига асосан тергов ҳаракатларини юритиш орқали амалга оширилади. Далилларни тўплаш ЖПК мазмунига кўра далилларни асосий ва ёрдамчи усулларда қайд этишни ҳам ўз ичига олади. Унга асосан ҳар қандай маълумот ёки нарса баённомада ва унинг иловасида, ваколатли шахс томонидан, нормада белгиланган тартибда акс эттирилгандан сўнг тегишли ҳаракатнинг иштирокчиларига эълон қилинганидан ва уларнинг имзолари билан тасдиқланиганидан кейин далил сифатида ишлатилиши мумкин. Шу билан бирга далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқланиши шартлиги, давлат сирларининг мухофаза қилиниши ҳам белгиланган.

Далилларни текшириш қўшимча далилларни тўплашдан иборат бўлиб, улар текширилаётган далилларни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин.

Далилларни баҳолаш ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, ички ишонч бўйича амалга оширилади. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ

бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади.

Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади.

Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

Дастлабки терговнинг холисона олиб борилиши деганда терговчи томонидан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни текширишда, юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги тушунилади.

Дастлабки тергов жараёнида процесс иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган барча чоралар асосли равишда қўлланилиши керак. Бу тўртинчи мезон – асослилик. Ушбу талаб ЖПКнинг 214-моддаси (процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг қонунийлиги ва асослилиги), 225-моддаси (ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослилигини текшириш), 243-моддаси (қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби) 245-моддаси (қамоқда сақлаб туриш муддати), 322-моддаси (жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари), 360-моддаси (жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор) 361-моддаси (жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор)да аниқ келтириб ўтилган.

Дастлабки тергов органларининг фаолиятини баҳолашнинг бешинчи мезони бу адолат (одиллик)дир. Одиллик жиноят ҳуқуқида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ва ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслигида ифодаланади.

Жиноят процессуал қонунчиликка асосан адолат тушунчаси фақат ҳукмга нисбатан қўлланган бўлиб, ЖПКнинг 455-моддасида ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши белгиланган. Демак дастлабки тергов органлари томонидан шахсга нисбатан айблов эълон қилишда, унинг харакатларини квалификация қилишда қилмишни назарда тутувчи жиноятни белгилаш мухим аҳамият касб этади. Айб эълон қилиш жараёнида терговчи қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, шахснинг ижтиомоий хавфлилигига алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилган фикрларни умумлаштирилган ҳолда дастлабки тергов органларининг фаолиятини баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- ҳеч бир жиноят фош этилмасдан ва жиноят содир этган ҳар бир шахс қонунда белгиланган жавобгарликдан қутулиб қолмаслиги;
- жиноятни содир этишда гумон қилинаётган фуқарони ушлаш қонунда белгиланган тартиб ва асосларга биноан амалга оширилиши;
- ҳеч ким қонунсиз ва асоссиз жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ёки бошқа ҳуқуқларни қонунсиз чеклашларга йўл қўйилмаслиги;
- ҳеч ким суднинг ажримисиз қамоққа олинмаслиги ва сақланмаслиги;
- қонун билан белгиланган жиноят иши қўзғатиш ва уни тергов қилиш тартиби, тергов муддатларига, жиноят судлов иш юритуви иштирокчилари ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши;
- жиноятларни тергов қилиш жараёнида ишдаги барча ҳолатлар ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқилиши, айбланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам

енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланишини талаб қилувчи қонунларга қатъий риоя қилиниши;

- жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланиши ҳамда уларни тегишли чора-тадбирларни кўриш орқали бартараф этилиши.

Ушбу вазифалар албатта Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар томонидан жиноят ишларини тергов қилишда қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати ва терговга ыадар текширув, суриштирув ва тергов органлари раҳбарларининг идоравий-процессуал контроли остида ташкиллаштирилиши ва ҳал этилиши лозим бўлиб, ушбу тадбирлар жиноятга оид ариза, хабарлар келиб тушганидан ва жиноят иши қўзғатишдан бошлаб, айблов хулосаси тузилиб, тасдиқланиб, жиноят иши судга юборилгунга қадар давом этиши керак.

◄ Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., 2023. –Б.3.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент: Адолат. 2000. –Б.4.
3. Ўзбекистон Республикаси ЖПКга шарҳлар. – Т., 2009. – Б.739-740

Кучкаров Хайрулла Зикириллаевич,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
"Жиноий-ҳуқуқий фанлар" кафедраси профессори,
юридик фалар бўйича фалсафа доктори, доцент

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТОМОНЛАР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Суд ишини юритишнинг барча босқичларида томонларнинг тортишуви принципининг лозим даражада ишлашини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги "Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5441-сонли Фармони[1] адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, профессионал юридик ёрдам сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишини юритишда тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ рўёбга чиқариш каби мақсадларни назарда тутади.

Юқори турувчи инстанция судлари ўз-ўзидан судланувчи аҳволини оғирлаштириш борасидаги қонунбузарликларни тузатишга интилавермайди. Худди ана шу технология узоқ йиллар давомида одамлар онгида "суд жазо органи" деган фикрнинг шаклланишига ва жиноят-судлов жараёнида адолат тарозусини бузилишига олиб келади.

Жиноят ишларини кўрадиган судларни ислоҳ қилиш орқали яратилажак янги суд, суд муҳокамасини жиноят процесси принципларига тўлиқ амал қилиб олиб борадиган, жиноят содир этганликда айби исботланган ҳар бир шахсга қонуний жазо тайинлайдиган, жиноят қилмаган шахсларнинг судланмаслигини кафолатлайдиган бўлмоғи лозим. Аниқ бир ишни кўраётган суд, биринчи навбатда, ўзидан юқори турувчи суддан, қолаверса, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақил бўлиши лозим.

Қуйи судлар юқори судларга тобе эканлиги, туман судьяси аниқ бир иш бўйича вилоят суди мутасаддиларидан маслаҳат, тавсия олиб ҳукм чиқариши кераклиги, Олий суд Пленуми ҳужжатларида таъкидланган бир пайтда судларнинг мустақиллиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Суд очиқ, ошкора жараён, у одамлар кўз ўнгида бўлиб ўтади. Башарти, суд шахсга нисбатан ноҳақ ҳукм чиқарса, бу ҳақда жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари бонг урсинлар, танқид қилсинлар. Сиёсий партиялар жамоатчиликнинг суд тўғрисидаги фикрини ўрганиб борсалар, суд қарорларини қайта кўришда уларни ўрганиш ва протест киритиш ваколатига эга бўлган мансабдорлар, мамлакатдаги одил судловнинг аҳволи ҳақида жамоатчиликка ҳисобот бериб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Назаримизда, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилиш натижасида ҳақиқатни юзага чиқарадиган суд ярата олсак, бу бизнинг энг катта ютуғимиз бўлади. Айтайлик, шу иш бўйича ҳукм чиққандан кейин, башарти тарафлар шикоят ёки протест ёзсаларгина чиқарилган ҳукм ва ажримнинг қонуний, асосли ва адолатлилига баҳо берадиган бошқа суд пайдо бўлади. Бу суд ҳам ўз ваколати доирасида мустақил бўлиши лозим.

Ғ.Намозов таҳлил қилишича, қонунда протест киритиш ваколати шикоят бериш ҳуқуқига эга мансабдорлар қонуний кучга кирган суд қарорларини кассация тартибида кўриб чиқишни сўраб протест келтирсаларгина, бу протестни иш билан бирга кўриб чиқадиган бутунлай бошқа суд пайдо бўлади. Жисмоний шахслар, вилоят суди раиси, ўринбосарлари, судьялари ҳамда Олий суд раиси, ўринбосарлари ва судьяларини туманда кўрилаётган аниқ бир иш учун Суд деб тушунмаслик керак. Бу шах-

слар маъсул мансабдорлардир. Қонуний кучга кирган суд актига протест киритиш ваколати берилган раҳбарлар суд эмас-ки, шу сабабли улар мустақил бўлиши мумкин эмас[2].

Судланувчи нафақат биринчи инстанция, апелляция босқичлари судларида балки шу билан бирга кассация инстанция судларида ҳам ҳимоячи иштироки билан таъминланади. Гарчи, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг (янги таҳрирдаги) 4973-моддасида, маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари эса, протест билдиришга ҳақлидир.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Мазкур шахслар ишни кассация тартибида кўриш чоғида ҳамма иштирок этишга ҳақлидир, жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкум бундан мустасно", деб кўрсатилган бўлса, амалдаги кассация тартибида иш кўрилаётган босқичда адвокатлик ордери тақдим қилинганда ҳам ҳимоячи аксарият ҳолларда иштирок этмайди. Чунки мазкур ҳуқуқий норма ҳимоячининг суд босқичида иштирок этишга (шарт эмас балки) ҳақли эканлигини белгилагани боис, адвокатни таклиф қилиш ёки қилмаслик масаласини суднинг ихтиёрига ҳавола қилган.

Бизнингча, ушбу номутаносибликни бартараф қилиш мақсадида мазкур моддага, агар адвокат суднинг кассация босқичида иштирок этиш учун ҳимоячилик ордерини тақдим қилган бўлса, суд унинг иштирокини таъминлаши шартлигини назарда тутувчи ҳолатларни ҳуқуқий норма сифатида киритиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддасида, яъни ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятларида, шунингдек, ҳимоя функциясини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган адвокатнинг процессуал ҳаракатларини белгилаб берувчи барча ҳуқуқий нормаларда ҳимоячи ҳуқуқларининг бири сифатида "илтимоснома бериш", жумласи кўрсатилган. Мазкур жумлани "ходатайство" сўзини ўзбек тилига сўзма-сўз ўгиришдан яратилган. Лекин, "илтимоснома" сўзи адвокатнинг процессуал ҳуқуқларининг мазмун моҳиятини очиб бера олмайди. Чунки, ҳимоячи бузилган ҳуқуқни тиклаш, бартараф этиш, рад этиш ва шунга ўхшаш ўзининг касбий ваколатига кирувчи процессуал вазифаларни бажариш борасида илтимос қилиш керак эмас. У оддий шахс сифатида эмас, балки процессуал ваколатга эга бўлган шахс сифатида жиноят ишида иштирок этади. Зеро, адвокат ўзининг шахсий манфаатларини ҳимоя қилмай, балки давлат томонидан унга юклатилган конституциявий вазифани бажаради.

Суд, алоҳида, мустақил ҳокимият сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклашга тааллуқли барча ҳолларда "монополист" бўлмоғи зарур. Масалан, суд муҳокамасида прокурорнинг бор-йўғи тараф эканлигини на суд ва на прокурорнинг ўзи сингдира олмаётганлиги фикримизни тасдиқлайди, деб ўйлаймиз. Бу тартиб сўзсиз, суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиши лозим бўлган прокурорга, суд қарорлари устидан "назорат" қилишни процессуал тарзда мустаҳкамлайди. Ваҳоланки, суд муҳокамасида тенг ҳуқуқли тараф деб эътироф этилган ҳимоячига бу ҳуқуқ берилмаган. Шунинг учун ҳам биznингча, "илтимоснома" сўзини "талабнома" ёки "шикоят" сўзлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 561-боби кассация тартибида иш юритишнинг умумий тартиби шароитларини баён қилади. Унинг 50912-моддасида белгиланган талаблар прокурорнинг ҳақиқатдан ҳам суд устидан назоратини эътироф этади. Ушбу моддага кўра, тегишли прокурор томонидан киритилган кассация протести бўйича суд ишни кассация тартибида такроран кўради. Бундан кўриниб турибдики, мазкур босқичда ишларни қайта кўриш учун ҳимоя томони ҳеч қандай мурожаат қилиш

ҳуқуқи мавжуд эмас. Мазкур ҳолат ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган миллий қонунчиликни либераллаштиришга ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 25-моддасидаги судда ишларини юритишда тортишув тамойилига зид келади.

Бизнингча, тарафларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида, прокурорнинг ваколатларини суд жараёнининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқлари сингари тенглаштириш зарурдир. Бинобарин, ишларни кассация тартибида такроран қайта кўрилиши учун судланувчи, маҳкум ёки унинг қонуний вакили томонидан шикоят бериш ҳуқуқини белгилаш лозим. Бу эса, мазкур босқичда томонлар тенглиги ва тортишувчанлик принципини таъминланиши учун хизмат қилади.

Ҳимоячининг ҳуқуқларини нафақат суд жараёнида ҳам тенглаштириш муҳим аҳамият касб этади. Судлар ўз ҳукм, ажрим ва қарорларида суд музокарасида ҳамда тарафларнинг берилган шикоят ва киритилган протестларида билдирилган фикрларининг асосий мазмунини тўлиқ ифода этишлари шартлиги ва уларнинг асослилиги ёки асосланмаганлиги ҳақида иш бўйича тўпланган далиллардан келиб чиқиб, баҳо берилиши ҳақидаги ҳолатларни, яъни тарафларнинг фикрлари суд мажлисида кўриб чиқиб, айнан қандай ҳолатларга кўра, рад қилиниши ёки эътироф этилишини суд актларида аниқ акс эттирилиши лозимлиги ҳақида қонун нормаларида мустаҳкамлаб қўйиш зарур[3].

Хулоса қилиб айтганда, демократик ҳуқуқий давлатда суд фаолияти устидан прокуратура органининг назорати мақбул эмас ва шу боис, прокуратуранинг фаолият йўналиши одил судловни амалга оширишнинг барча босқичларида давлат айбловини таъминлаш ва суднинг чиқарган ҳукми, ажрими ва қарорлари юзасидан шикоят тарзида шикоят беришдан иборат бўлмоғи лозим.

◄ Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги "Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5441-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
2. Намозов Ғ. Суд ислоҳоти: Муаммо ва таклифлар. Адвокат. 2000, № 3. – Б. 31-32.
3. Саломов Б.С. Ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган миллий қонунчиликни либераллаштириш муаммолари. Адвокат. 2002, № 1. Б. 8-9.

Alimov Muhammadjon Islomiddin o'g'li,
O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti kafedra dotsenti

HARBIY JINOYAT PROTSESSIDA DAVLAT ORGANLARINING O'ZARO HAMKORLIGI

Mazkur maqolada mamlakatimizda jamoat tartibi va xavfsizligi uchun javobgar organlarning huquq va majburiyatlari, ularni mazkur huquq va majburiyatlardan foydalangan holda amalga oshiradigan o'zaro hamkorligini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarning tahlili va ushbu tahlillar asosidagi taklif va tavsiyalar yoritilgan.

Kalit so'zlar: Jamoat tartibi, jamoat xavfsizligi, ma'muriy javobgarlik, jinoiy javobgarlik,huquqni muhofaza qiluvchi organlar, jamoat joylari.

В данной статье рассматриваются права и обязанности органов, ответственных за общественный порядок и безопасность в нашей стране, анализ нормативных правовых актов, регулирующих их взаимодействие с использованием этих прав и обязанностей, а также предложения и рекомендатsiи, основанные на этих анализах.

Ключевые слова: Общественный порядок, Общественная безопасность, административная ответственность, уголовная ответственность, правоохранительные органы, общественные места.

This article discusses the rights and obligations of the bodies responsible for public order and security in our country, the analysis of regulatory legal acts regulating their interaction with the use of these rights and obligations, as well as suggestions and recommendations based on these analyses.

Key words: Public order, Public safety, administrative responsibility, criminal responsibility, law enforcement agencies, public places.

Jahon mamlakatlarida sodir etilayotgan voqealar rivoji o'rganishimiz orqali tinchlikni saqlash, tartib intizom, jamoat xavfsizligini ta'minlash muhim ahamiyatga ega bo'lib borayotganligini ko'rishimiz mumkin. Mamlakatimizda jamoat tartibini saqlash va huquqbuzarliklar profilaktikasini amalga oshirish sohasidagi islohotlar zamirida aholi tinchligi va osoyishtaligini ta'minlash, inson huquqlarini adolat mezonlari asosida tartibga solishning dolzarb masalalari yotadi.

O'rganilgan tahlillar shuni ko'rsatmoqdaki 2020 yilda O'zbekiston bo'yicha 47 mingdan ortiq shaxs jinoyat sodir etgan bo'lib, uning 12 ming nafari yoki 25 foizini yoshlar tashkil etadi[1]. Shunday ekan, jamoat tartibini ta'minlash orqali har qanday huquqbuzarliklarning profilaktikasiga erishish, xususan yoshlar orasida jinoyatchilikni oldini olish hayotiy zaruriyatga aylangan.

Jamoat xavfsizligini ta'minlash faqatgina huquqni muhofaza qiluvchi organlarning vazifasi bo'lmay, mazkur masala bilan barcha mutasaddi idoralar birday mas'ul bo'lishi lozim. Bunda huquqni muhofaza qiluvchi organlar hamda boshqa tashkilotlarning o'zaro hamkorligi muhim ahamiyatga ega.

2018 yil 24 dekabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Jamoat xavfsizligini ta'minlash samaradorligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4075-sonli qarori qabul qilingan bo'lib, unda jamoat xavfsizligini ta'minlash borasida o'rnatilgan mexanizmlarning samarali amalga oshirilishini ta'minlashda joylardagi davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari hamda jamoatchilik tuzilmalarining kuch va vositalarini muvofiqlashtirgan holda safarbar qilish, shuningdek huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurash sohasida ularning mas'uliyatini oshirish bo'yicha vazifalar belgilab berilgan[2].

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 7 fevraldagi "Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga

doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi PQ-4166-sonli qarorida ham aholi tinchligi va osoyishtaligini ta'minlashga qaratilgan muhim hujjat sanaladi. Yuqoridagi me'yoriy hujjatlar bugungi kunda jamoat xavfsizligini ta'minlashning muhim huquqiy mezonlari hisoblanib, hozirda bu boradagi islohotlar izchil davom ettirilmoqda [3].

Jamoat xavfsizligini ta'minlashning ustivor masalalari yuzasidan Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi raisi, viloyatlar va Toshkent shahar, tumanlar (shaharlar) hokimlariga bir qator vazifalar yuklatilgan bo'lib, xususan, ijtimoiy-maishiy tusdagi jinoyatlarga alohida e'tibor qaratish, jamoat xavfsizligini ta'minlash natijalarining tahlili asosida quyidagilar tanqidiy muhokama qilish, jamoat xavfsizligini ta'minlash samaradorligini oshirish bo'yicha manzilli takliflarni ishlab chiqish borasidagi mas'ulliklari belgilangan.

Jamoat xavfsizligini ta'minlashda O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Bosh prokuraturasi, Ichki ishlar vazirligi, Milliy gvardiya va Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlarining o'zaro hamkorligi ijobiy natijalarga erishishda yordam beradi. Bunda jamoat xavfsizligini ta'minlashda faollik ko'rsatgan xodimlarni doimiy ravishda moddiy va ma'naviy jihatdan rag'batlantirib borish ko'zda tutilgan bo'lib, ayniqsa, biriktirilgan hududda jinoyatlar darajasi pasaygan, ularni oldini olish va bartaraf etish chora-tadbirlari o'z vaqtida ko'rilgan hollarda bir vaqtning o'zida fuqarolar yig'inlari raislari va faollari, profilaktika inspektorlari va ularning yordamchilari hamda "Mahalla posboni" jamoatchilik tuzilmasining alohida o'rnak ko'rsatgan a'zolariga mehnatga haq to'lash fondining (pul ta'minotining) 100 foizigacha bo'lgan miqdorda (o'rnatilgan va to'lanayotgan qo'shimcha haq va ustamalardan qat'i nazar) va boshqa pul mukofotlari bilan taqdirlash tartibini joriy etish orqali tartib-intizomni ta'minlashga munosib hissa qo'shish mumkin bo'ladi.

Hamkorlik nuqtai-nazaridan huquqni muhofaza qiluvchi organlarning birgalikdagi faoliyati orqali jamoat tinchligi va osoyishtaligini ta'minlashning takomillashuvchiga erishish mumkin. Bu borada Milliy gvardiya va Ichki ishlar organlari o'zaro hamkorlikda tegishli hududda jinoyatchilikni o'rganish, uning sabab va sharoitlarini aniqlash hamda javobgarlik hududlari sifatida briktirilgan hududlarda jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta'minlash maqsadida mahallalar kesimida jinoyatlar sodir etilgan tuman va shaharlarning elektron geoinformatsion xaritalari tuzilishi va tizimli yuritilishiga erishish maqsadida o'zaro hamkorlik yo'lga qo'yilgan.

Mazkur hamkorlikni amalga oshirish maqsadida Milliy gvardiya o'zining Jamoat tartibini saqlash va fuqarolarning xavfsizligini ta'minlash sohasida 2020 yil 22 maydagi "O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi va Ichki Ishlar organlarining jamoat tartibini saqlash va jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasidagi faoliyatini amalga oshirish to'g'risida"gi №30/46-sonli qo'shma qarori asosida xizmat tashkillashtiriladi. Mazkur qo'shma qaror O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 8 apreldagi PF 5979-sonli qarori ijrosini ta'minlash maqsadida ishlab chiqilgan[4].

Mazkur yuqoridagi qaror ijrosini samarali ta'minlash va hodimlaring ish samaradorligini oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Milliy Gvardiya qo'mondonining 2020 yil 9 iyuldagi "O'zbekiston Respublikasi Milliy Gvardiya bo'linmalarida harbiy xizmatchilarni jamoat tartibini saqlash va jamoat xavfsizligini ta'minlashga jalb etish me'yorlarini tasdiqlash to'g'risida"gi №131-sonli buyrug'i asosida sutka davomida 8 soatlik xizmatga jalb etiladigan patrullar va postlar uchun 1,81 birlik etib, 87 soatdan oshganda esa qat'iy me'yor koeffetsenti har bir soat uchun 0,16 birlikda oshib borishi belgilangan. Shu bilan birgalikda 2020 yil 25 apreldagi "Kreminogen og'ir mahallarga briktirilgan Milliy gvardiya hodimlarini xizmatini baxolash to'g'risida"gi №92-sonli buyrug'i ham jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta'minlashga jalb etilgan shaxsiy tarkibni ish samaradorligini oshirishga xizmat qiladi[5].

Shu bilan birga, jamoat tartibini saqlashda Milliy gvardiya bo'linmalarini mustaqilligini belgilash orqali mas'uliyatini yanada oshirish maqsadida 2020 yil 5 avgustdagi "O'zbekiston Respublikasi Milliy Gvardiyasi bo'linmalari

tomonidan fuqarolar gavjum bo'ladigan joylarda mustaqil ravishda jamoat tartibini saqlash yuzasidan xizmatni o'tash tartibi to'g'risida"gi №155-sonli buyrug'iga asosan shaxar sharoitida ommaviy tadbirlar, istiroxat bog'lari, xiyobonlar va bozorlarda jamoat tartibini saqlash Milliy gvardiya tomonidan mustaqil amalga oshirilishi belgilangan[6].

Mazkur tartibni belgilanishi Milliy gvardiya bo'linmalari tomonidan yuqorida belgilangan hududlarda mustaqil ravishda jamoat tartibini saqlash faoliyatini olib borishga sabab bo'ladi. Lekin hozirda milliy gvardiya bo'linmalariga jamoat joylarida sodir etilgan barcha turdagi huquqbuzarliklar uchun ma'muriy bayonnoma rasmiylashtirish huquqlari berilmaganligi sababli javobgarlik hududlarida aniqlangan huquqbuzarliklarini aksariyatini (Masalan: MJtKning XV bobida keltirilgan jamoat tartibiga tajovuz qiluvchi huquqbuzarliklar uchun[7]) Ichki ishlar hodimlariga taqdim etgan holda qonuniy chora ko'rish uchun hamkorlikda faoliyat olib borilishini ko'rishimiz mumkin.

Shuningdek, har bir davlat organi va tashkiloti faoliyatining o'ziga xos jihatlaridan kelib chiqqan holda, xavflarni hamda jinoyatlarning sodir etish sabablari va sharoitlarini aniqlash va ularning oldini olish bo'yicha o'z strategiyalarini ishlab chiqish kerak.

Jamoat xavfsizligini kompleks va tizimli ravishda ta'minlashda yoshlarning o'rni alohida ahamiyatga ega bo'lib, O'zbekistonda bu borada Mudofaa vazirligi, O'zbekiston yoshlar ittifoqi va Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari faoliyatini muvofiqlashtirilishi natijasida "Fidokor yoshlar" jamoatchilik patrul guruhlari shakllantirildi va ularning faoliyatini yo'lga qo'yish bo'yicha tashkiliy chora-tadbirlarni amalga oshirilmoqda.

Xavfsizlikni ta'minlashda mas'ul organlarning tegishli vositalar bilan ta'minlash orqali ularning faol va samarali ishlashiga erishish mumkin. Mazkur masalada ham hamkorlik alohida ahamiyat kasb etib, xususan, O'zbekiston Respublikasi Mudofaa sanoati davlat qo'mitasi O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining buyurtma va talablari asosida ichki ishlar organlarining yo'l-patrul bo'linmalari xodimlari hamda patrul-post xizmati uchun mobil videokameralar hamda ma'muriy huquqbuzarliklarga oid ishlarni rasmiylashtirish va ko'rib chiqish elektron tizimi planshetlari bilan ta'minlanganligi sohadagi faoliyatni takomillashuviga xizmat qiladi.

Davlat-xususiy sheriklik shartlari asosida shaxsiy tarkibning kundalik kasbiy, jangovar va jismoniy tayyorgarligini samarali tashkil etish imkonini beruvchi ichki ishlar organlarining sport bazalarini shakllantirish masalasi ham muhim ahamiyatga ega bo'lib, bunda O'zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport vazirligi, Moliya vazirligi, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklarining o'zaro hamkorligini yanada kuchaytirildi.

Xulosa o'rnida jamoat xavfsizligini ta'minlash, bu borada jamoatchilik rolini yanada oshirishda, birinchi navbatda mamlakat huquqni muhofaza qiluvchi organlarning, shu bilan birga boshqa mutasaddi tashkilotlarning mas'ulligini yanada oshirish, mamlakat tinchligi va osoyishtaligi, xalq farovonligini ta'minlashga ularning o'zaro hamkorlikdagi faoliyati orqali erishish mumkin.

Milliy gvardiyaning jamoat tartibini saqlash va jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasidagi faoliyati samaradorligini oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi MJtKning 2481-moddasi asosida barcha turdagi jamoat joylarida sodir etilgan ma'muriy huquqbuzarliklar uchun chora ko'rish vakolatini berish maqsadga muvofiq.

Shuningdek belgilangan qonuniy me'yorlarga to'liq amal qilish, yoshlar ongiga insonparvarlik va vatanparvarlik tuyg'ularining ahamiyatini chuqur singdirish orqali barqaror tichlik va xavfsizlikni ta'minlashga erishish lozim.

◄ Иқтибослар/Сноски/References

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlis Senatining birinchi majlisidagi nutqi. Xalq so'zi. 2021 yil 22 yanvar.

2. 2018 yil 24 dekabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Jamoat xavfsizligini ta'minlash samaradorligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4075-sonli qarori.

3. 2019 yil 7 fevraldagi "Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi PQ-4166-sonli qarori.

4. 2020 yil 22 maydagi "O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi va Ichki Ishlar organlarining jamoat tartibini saqlash va jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasidagi faoliyatini amalga oshirish to'g'risida"gi №30/46-sonli qo'shma qarori.

5. 2020 yil 9 iyuldagi "O'zbekiston Respublikasi Milliy Gvardiya bo'linmalarida harbiy xizmatchilarni jamoat tartibini saqlash va jamoat xavfsizligini ta'minlashga jalb etish me'yorlarini tasdiqlash to'g'risida"gi №131-sonli buyrug'i.

6. 2020 yil 5 avgustdagi "O'zbekiston Respublikasi Milliy Gvardiyasi bo'linmalari tomonidan fuqarolar gavjum bo'ladigan joylarda mustaqil ravishda jamoat tartibini saqlash yuzasidan xizmatni o'tash tartibi to'g'risida"gi №155-sonli buyrug'i.

7. O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy Javobgarlik to'g'risidagi Kodeks., www.lex.uz

Низамов Санжар Мэлсович,
Самостоятельный соискатель Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

ОСНОВЫ И ОСОБЕННОСТИ ВЕДЕНИЯ ПРИМИРИТЕЛЬНОГО ПРОИЗВОДСТВА

Введение института примирения является важным этапом либерализации уголовного и уголовно-процессуального законодательства. Данный правовой институт как один из видов освобождения от уголовной ответственности является основанием для прекращения ряда уголовных дел без решения вопроса о виновности лица, совершившего преступление.

Как отмечает ученый-правовед З. Ф. Иногомжонова, «еще одно значение института примирения заключается в том, что уголовное дело подвергается предварительному расследованию в упрощенном порядке, затем рассматривается в суде и на этой стадии юридически завершается, в результате чего заканчивается катавасия. Самое главное, чтобы на судьбе человека не ставилось клеймо осуждения»[1]. Аналогичное мнение высказал Б. Х. Полатов. По сути, упрощение порядка ведения уголовных производств и устранение увольнений является основным вопросом, находящимся в центре судебной реформы, проводимой в нашей стране. Использование института примирения означает его соответствие целям реализуемой судебной реформы.

Также по этому вопросу Ф. Тахиров высказал свое мнение, что «установление в УК РУз особой категории дел о примирении с потерпевшим и введение порядка рассмотрения дел этой категории, а также придание примирившемуся обвиняемому (подсудимому) статуса лица, вообще не судимого, станет большим юридическим достижением в Уголовном и Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан, наряду с этим дала возможность лицу, совершившему преступление по ошибке или по каким-либо причинам идти по пути выздоровления и больше не повторять этой ошибки[2].

Примирительная форма разрешения уголовных дел, связанных с совершением менее тяжкого преступления, - это процесс, основанный на взаимном соглашении государства (в качестве обвинителя или потерпевшего) и лица, совершившего преступление, или его представителя – защитника. Затем процесс регулируется судьей. Помимо формального судебного разбирательства, примирительная форма разрешения конфликта имеет следующие особенности:

институт примирения осуществляется только по делам о менее тяжких преступлениях;

примирение допускается в случаях обоюдного согласия стороны обвинения и защиты;

примирительный процесс не должен противоречить действующему законодательству, а решение по делу должно приниматься судьей.

Для освобождения от ответственности в связи с примирением сторон необходимо выполнение четырех условий:

1. Самым основным требованием является примирение потерпевшего с лицом, совершившим преступление. Мировое соглашение составляется на основании заявления о прекращении уголовного дела, поданного потерпевшим в следствие, следственные органы или суд, либо имеет содержание прекращения уголовного дела, возбужденного на основании заявление потерпевшего.

2. Не освобождаются от уголовной ответственности в связи с примирением лица, судимость которых за совершение тяжкого или особо тяжкого преступления не погашена либо судимость не снята.

3. Виновный должен признать свою вину

и дать согласие на примирение.

4. В то же время для освобождения от ответственности из-за примирения должен быть полностью покрыт физический, моральный и имущественный вред, причиненный виновным потерпевшему.

Следует также сказать, что одной из особенностей механизма примирения, упомянутого в статье 661 УК, является то, что следственные органы и суд при его реализации действуют на основании волеизъявления сторон.

Изучение практики судебного расследования показывает, что потерпевшие прежде всего заинтересованы в денежном возмещении причиненного вреда. Об этом же свидетельствуют и результаты опроса, проведенного среди следователей. По их данным, 46% потерпевших предпочитают возврат похищенного имущества, 13,5% - возврат имущества аналогичной или той же стоимости, а 1,5% предпочитают удовлетворение своих материальных интересов иными способами в зависимости от ситуации[3].

Известно, что примирение означает не то, что потерпевший прощает виновного, а то, что он формально отказывается от своих первоначальных требований и претензий. Акт примирения оформляется протоколом в соответствии с требованиями уголовно-процессуального законодательства[4]. Примирение с потерпевшим не может произойти без признания вины.

«Примирение между сторонами должно проявляться в свободном волеизъявлении. Поэтому в каждом случае лицо, применяющее закон, должно проверить, не дал ли потерпевший согласия на примирение под принуждением, то есть в результате запугивания, угроз и т.п. со стороны лица, совершившего преступление, или его близких».

Мотивы потерпевшего к примирению с лицом, совершившим преступление, могут быть различными: поведение виновного после совершения преступления, в том числе прощение в связи с возмещением причиненного вреда, жалость, дружба, сотрудничество и др. В ряде случаев мотивом виновной стороны к примирению может быть уклонение от уголовного преследования за совершенное деяние, боязнь наказания, нежелание стать соучастником преступления, боязнь обретения статуса судимого и др.

Таким образом, примирительная инициатива может исходить от обеих сторон и считается действительной только при согласии обеих сторон, а также добровольном и принятом правоохранительными органами (следователем или прокурором в производстве дознания, судьей в судебном заседании).

Суд, ознакомившись с материалами уголовного дела и заявлением потерпевшего о примирении, поданными в суд, заслушав выводы прокурора района, принимая во внимание добровольный характер примирения, отсутствие заявления потерпевшего, и о том, что они согласны на примирение, выносит определение о прекращении уголовного дела в связи с примирением сторон.

Бывают также случаи, когда в деле фигурирует один обвиняемый и несколько потерпевших. В таком случае, если нет соответствующего заявления одного из потерпевших, примирение невозможно, в такой ситуации производство ведется на общих основаниях.

В то же время при наличии в деле одного потерпевшего (гражданского истца) и нескольких подозреваемых, подсудимых, потерпевший (гражданский истец) может примириться с некоторыми из них. В таком случае часть уголовного дела, относящаяся к подозреваемому, обвиняемому, подсудимым, примирившимся с потерпевшим (гражданским истцом), выделяется в отдельное дело и направляется в суд в соответствии со статьей 584 УПК, а дела по остальным будут вестись на общих основаниях[5].

Судебное производство по делам о примирении проводится не позднее десяти дней со дня поступления уголовного дела в суд. При подаче ходатайства о примирении в судебном заседании вопрос должен быть решен незамедлительно.

Согласно постановлению Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, «примирение означает не только помилование потерпевшего, но и формальное снятие с него первоначальных требований и претензий. Он состоит из ходатайства об отказе от ходатайства о привлечении лица, совершившего преступление, к уголовной ответственности (если примирение имело место до возбуждения уголовного дела) или о прекращении уголовного дела, возбужденного по его заявлению» [6].

Уголовный кодекс определяет освобождение от ответственности в связи с примирением как добровольное право, а не обязанность. Другими словами, примирение – это соглашение, заключенное в соответствии со свободным волеизъявлением сторон. Оно проявляется в нежелании наказать виновного и привлечь его к уголовной ответственности за свои действия. В свою очередь, виновное лицо обязано признать свою вину и возместить причиненный ущерб.

Законом установлено, что ходатайство о примирении может быть подано на любой стадии дознания и предварительного следствия, то есть с момента привлечения лица к делу в качестве подозреваемого или обвиняемого, до поступления в совещательную комнату суда первой инстанции при слушании уголовного дела. Дознаватель, следователь или судья, принимая заявление о примирении, разъясняет потерпевшему или его законному представителю, что в случае утверждения судом примирения он утрачивает право заявлять ходатайство о возобновлении производства по этому делу.

Закон содержит определенные требования относительно формы, содержания и порядка подачи заявления о примирении. Заявление о примирении всегда должно быть подано в письменной форме с указанием возмещения вреда и ходатайством о прекращении уголовного дела в связи с примирением. Единственным субъектом, который имеет право инициировать примирительное производство, является потерпевший или его законный представитель, и он должен быть признан в соответствии с законом. При этом в случаях, когда потерпевший не считается гражданским истцом, и потерпевший, и гражданский истец должны подать соответствующее заявление о возбуждении примирительного производства. Аналогичные требования закон устанавливает и для случаев, когда имеется несколько потерпевших. Например, даже если у одного из них нет соответствующего заявления, провести акт примирения невозможно. В таких случаях уголовное производство ведется на общих основаниях[7].

Как отмечается в постановлении Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, обязанность, возлагаемая законом на дознавателя, следователя, прокурора и суд по делам о примирении, заключается в разъяснении потерпевшему правовых последствий, возникающих после примирения, утвержденного судом. Несоблюдение этого требования закона влечет за собой признание решения о примирении незаконным. При этом судам следует учитывать, что потерпевший вправе отказаться от примирения с обвиняемым только до входа в совещательную комнату суда первой инстанции. В целях обеспечения скорейшего и гарантированного применения норм Закона о примирении, в целях защиты прав обвиняемого законом установлен десятидневный срок для вынесения решения по делу о примирении и направления его в суд судебным приставом, органом дознания или следственным органом. Вопрос о прекращении уголовного дела в связи с примирением должен быть решен в десятидневный срок со дня поступления такого дела в суд, а в случаях, когда ходатайство о примирении подается в судебном заседании, с момента подачи ходатайства. Суды должны нетерпимо относиться к нарушениям сроков направления дел в суд органами дознания или следствия и выносить специальные определения для предотвращения этого.

◄ **Иқтибослар/Сноски/References**

1. Иногомжонова З.Ф. Либерализация уголовно-процессуального права - веление времени // Судебная реформа: теория и практика: Материалы международной научно-практической конференции. – Т., 2001. – С. 62.
2. Тахиров Ф. Роль института примирения в нашем демократическом обществе// Совершенствование института примирения: теория и практика: Материалы Круглого стола. – Т., 2005. – С. 29–30.
3. Низамов С. М. Институт примирения как форма освобождения от уголовной ответственности // Право и обязанность. – 2009. – №12. – С. 47
4. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 25 октября 2002 года «О судебной практике по примирительным делам». – Т., 2002.
5. Рустамбаев М.Х. Комментарии к Уголовному кодексу Республики Узбекистан: Общая часть. – Т., 2019. – С. 854.
6. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 25 октября 2002 года «О судебной практике по примирительным делам». – Т., 2002. – С.11.
7. Сборник постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан (1991–2006). Т. 2. – Т., 2006. – С. 127.

Mirzaraimov Sardor Taxirovich,
O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi

BEZORILIK JINOYATLARINI TERGOV QILISHNING KRIMINALISTIK JIHATLARI

Ushbu maqolada bugungi kunda bezorilik jinoyatlari bo'yicha surishtiruv va dastlabki tergov o'tkazishda uchrayotgan kvalifikatsion muammolar, isbotlash jarayonining o'ziga hos jihatlari va mazkur masalalarning huquqiy tartibga solish jihatlari, jabrlanuvchi shaxsi, uning huquqlari va mavzuga doir boshqa masalalar tadqiq etilgan.

Tadqiqot ishida ilg'or xorijiy tajriba, ilmiy-nazariy qarashlar va tergov hamda sud amaliyoti o'rganilgan, buning natijasi o'laroq O'zbekiston Respublikasi, Jinoyat kodeksiga va boshqa qonun xamda qonunosti hujjatlarga tegishli o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: mayda bezorilik, bezorilik, jamiyatda o'rnatilgan yurish-turish qoidalari, qarshilik ko'rsatish, jinoyat ishi, moddiy zarar.

В данной статье исследуются квалификационные проблемы, с которыми сегодня сталкиваются при расследовании и предварительном расследовании преступлений, связанных с издевательствами, специфические аспекты процесса доказывания и аспекты правового регулирования этих вопросов, личность потерпевшего, его права и другие вопросы, касающиеся предмета.

В ходе исследовательской работы был изучен передовой зарубежный опыт, научно-теоретические воззрения и следственная и судебная практика, в результате чего были разработаны предложения и рекомендации по внесению соответствующих изменений и дополнений в Уголовной кодекс Республики Узбекистан и другие законодательные и подзаконные акты.

Ключевые слова: мелкое хулиганство, хулиганство, установленные в обществе правила поведения, сопротивление, уголовное дело, материальный ущерб.

This article examines the qualification problems faced today in the investigation and preliminary investigation of crimes related to bullying, specific aspects of the proof process and aspects of legal regulation of these issues, the identity of the victim, his rights and other issues related to the subject.

During the research work, advanced foreign experience, scientific and theoretical views and investigative and judicial practice were studied, as a result of which proposals and recommendations were developed for making appropriate amendments and additions to the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan and other legislative and subordinate acts.

Keywords: petty hooliganism, hooliganism, rules of behavior established in society, resistance, criminal case, material damage.

Jahonda jamoat xavfsizligi va jamoat tartibiga tajovuz qiluvchi jinoyatlarini tergov qilishni takomillashtirish, jumladan, tergovga qadar tekshiruv o'tkazish, dalillarni aniqlash va to'plashda zamonaviy texnologiyalar, isbotlashning yangi taktik usul va imkoniyatlaridan samarali foydalanish, bezorilik bilan bog'liq jinoyat ishlarini tergov qilish usullarini yanada rivojlantirish bo'yicha ilmiy-tadqiqotlarga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bu borada bezorilik jinoyatlarining kriminalistik tavsifini shakllantirish va takomillashtirish, jinoyat sodir etgan shaxslarning aybini isbotlash imkoniyatlarini kengaytirish, jabrlanuvchilarning huquq va erkinliklarini ta'minlash bilan bog'liq milliy qonunchilik hamda huquqni qo'llash amaliyotida uchrayotgan nazariy va amaliy muammolarning yechimini topish alohida ahamiyat kasb etmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoev ta'kidlaganlaridek: "…. ayni vaqtda hozirgi murakkab zamon tinch osoyishta hayotimizni asrash va mustahkamlash, xalqimizning kafolatlangan xavfsizligini

ta'minlash masalasini yanada dolzarb qilib qo'ymoqda"[1].

Darhaqiqat yurtboshimiz tomonidan mamlakatimizda sud-huquq sohasidagi islohotlarga alohida e'tibor qaratilayotganligi, jamoat xavfsizligini ta'minlash va jamoat tartibini saqlash masalalarini rivojlantirish zarurati ushbu islohotlarning alohida muxim qismini tashkil etmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022–2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-sonli Farmonida yettita ustuvor yo'nalishdan biri bo'lgan, mamlakatimizda adolat va qonun ustuvorligi tamoyillarini taraqqiyotning eng asosiy va zarur shartiga aylantirish yo'nalishida "Qonun ustuvorligi va konstitutsiyaviy qonuniylikni ta'minlash hamda inson qadrini ushbu jarayonning bosh mezoni sifatida belgilash" ko'rsatib o'tilgan[2]. Mazkur masalalar Yangi O'zbekistonning huquqiy davlat maqomini mustahkamlash, mamlakatimizdagi har bir shaxsning huquq va erkinliklari kafolati bo'lib xizmat qiladi.

Bezorilik jinoyatlarini tergov qilishda avvalo bezorilik qilmishini jinoiy-huquqiy kvalifikatsiya qilishni talab etadi va mazkur normaning tahlili mavzuni yoritishda birlamchi ahamiyat kasb etadi.

Bezorilik harakatlari o'zining ijtimoiy xavfliligi nuqtai nazaridan javobgarlikning ma'muriy va jinoiy turi bilan farqlanadi. Shu bois dastavval, O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksning 183-moddasida nazarda tutilgan mayda bezorilik huquqbuzarligini yoritish lozim bo'ladi. Normaga ko'ra, jamoat joylarida uyatli so'zlar bilan so'kinish, fuqarolarga haqoratomuz shilqimlik qilish hamda jamoat tartibini va fuqarolarning osoyishtaligini buzuvchi shu kabi boshqa xatti-harakatlarda ifodalangan jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan mensimaslik – mayda bezorilik huquqbuzariligi tarkibini tashkil qiladi[3].

O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 277-moddasi dipozitsiyasida bezorilik, ya'ni jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan mensimaslik, urish-do'pposlash, badanga yengil shikast yetkazish yoki o'zganing mulkiga shikast yetkazish yoxud nobud qilish ancha zarar yetkazish bilan bog'liq holda sodir etilsa deya belgilangan[4].

Yuqoridagi normalarning huquqiy tahlili mazkur qilmishlarni qay biri huquqbuzarlik va qay biri jinoiy qilmish ekanligi borasidagi aniq chegarani belgilashga xizmat qiladi. Bugungi kunda amaliyotchilarni bezorilik harakatlariga huquqiy baho berishda mavjud eng katta muammo sifatida mazkur aniq tahlilning mavjud emasligidir. Sababi mayda bezorilik huquqbuzarligi va bezorilik jinoyatlari o'zaro o'xshash harakatlarni nazarda tutadi hamda qilmishga huquqiy baho berishda mazkur o'hshashlik kvalifikatsion adashishlarni keltirib chiqaradi.

J.A.Djavkashevning fikriga ko'ra mayda bezorilikni to'g'ri huquqiy baholash uchun aynan normada keltirilgan harakatlarni qasddan sodir etilishini zaruriy shart deya baholab, unda uyatli so'zlar bilan so'kinish, fuqarolarga haqoratomuz shilqimlik qilish, jamoat tartibini buzuvchi xatti-harakatlar sodir etish, fuqarolarning osoyishtaligini buzuvchi xatti-harakatlar sodir etilishi kabi harakatlarni nazarda tutadi deydi, hamda mazkur harakatlarni barchasini bir vaqtda emas, balki ulardan birortasi sodir etilishi huquqbuzarlik deb topish uchun yetarli hisoblanadi[5].

A.A.Xudayberdiyev va Y.B.Iskandarovlar bezorilik jinoyatiga tavsif berib unda, jamiyatda yurish turish qoidalarini qasddan mensimaslik yo'li bilan sodir etiladigan bezorilikni jinoyat sifatida baholash uchun qilmishda quyidagi belgilardan biri mavjud bo'lishi shart: urish-do'pposlash bilan bog'liq xatti-harakatlar; badanga yengil shikast yetkazish; ancha zarar yetkazish bilan bog'liq holda o'zganing mulkiga shikast yetkazish; ancha zarar yetkazish bilan bog'liq holda o'zganing mulkini nobud qilish[6].

Yuqoridagi fikrlariga qo'shilish mumkin, sababi O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2002 yil 14 iyundagi "Bezorilikka oid ishlar bo'yicha sud amaliyoti haqida"gi 9-sonli qaroriga ko'ra, bezorilik qilmishini jinoyat sifatida baholash uchun yuqorida ko'rsatilganlarning (urish-do'pposlash;

badanga yengil shikast yetkazish; ancha zarar yetkazish bilan bog'liq holda o'zganing mulkiga shikast yetkazish; ancha zarar yetkazish bilan bog'liq holda o'zganing mulkini nobud qilish) barchasining bir vaqtda mavjud bo'lishi talab etilmaydi.

O'z navbatida jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan mensimaslik, urish-do'pposlash, yengil tan jarohati yetkazish yoki mulkka ancha miqdorda shikast yetkazish yoxud nobud qilish deganda nimani tushunish lozimligini bilib olishimiz zarur.

Jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan mensimaslik deganda, normativ-huquqiy hujjatlar, odob va axloq normalari, urf-odat, an'analar bilan belgilangan jamoat tartibini (odamlararo munosabatlar, yurish-turish qoidalari, shakllangan ijtimoiy turmush tarzini) qo'pol tarzda buzish tushuniladi.

Jamiyatda yurish-turish qoidalarini mensimaslik bilan bog'liq harakatlarning batafsil va qat'iy ro'yxatini berish mushkul bo'lib, bu ishning xususiyatidan kelib chiqib baholashni talab etadigan jarayon hisoblanadi.

Urish-do'pposlash deganda, aybdor tomonidan jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan buzib, shaxsning badaniga shikast yetkazmagan holda bir necha zarba berish tushuniladi.

Yuqoridagi kvalifikatsion turfa xillikni amaliyotdagi ulushi bilan bog'liq vaziyati borasidagi quyidagi statistik raqamlar asoslaydi.

Jumladan, O'zbekiston Respublikasi IIV huquqiy statistika va tezkor ma'lumotlar boshqarmasi tomonidan taqdim qilingan ma'lumotlarga ko'ra, 2021 yilda bezorilik fakti bo'yicha qo'zg'atilgan va hisobga qo'yilgan jinoyatlar soni jami 3 024 ta bo'lib, ushbu ko'rsatkich 2020 yilda 1 565 tani tashkil etgan va o'sish sur'ati 1 459 taga yoki 93,2 foizga oshib ketgan. Ushbu ko'rsatkich eng ko'p Toshkent shaxar (728 ta), Namangan viloyati (455 ta), Toshkent viloyati (395 ta) va Surxondaryo viloyati (383 ta)da qayd etilgan[7]. Bugungi kunda mazkur jinoyatlarning tahlili, 2021 yilda Respublika bo'yicha har 100 ming aholiga 8,8 tani tashkil etmoqda.

Yuqoridagi statistik ma'lumotlar, bezorilik jinoyatlarini ortib borayotganligi, yillar kesimida keskin ortganiga va aholi ulushiga nisbatan ko'rsatkichning yuqoriligicha qolayotganligini bildiradi.

Shuningdek, bezorilik jinoyatlarini fosh etilishi ko'rsatkichlari bo'yicha tahlillarga e'tibor qaratsak, jumladan, 2021 yilning 12 oyi davomida Respublika bo'yicha jami 48 ta bezorilik bo'yicha qo'zg'atilgan jinoyat ishlari bo'yicha ayblanuvchi tariqasida ishda jalb etilishi lozim bo'lgan shaxslar aniqlanmasdan qolgan. Eng ko'p fosh etilmagan bezorilik jinoyatlari ulushi Toshkent viloyatiga to'g'ri keladi 13 ta, keyingi o'rinda Toshkent shaxri 11 ta va Namangan viloyatida 7 tani tashkil etmoqda.

Mazkur tahlillar asosan bezorilik jinoyatlari qayd etilishi bo'yicha yetakchi bo'lgan mazkur viloyatlarda bezorilik jinoyatlarining fosh etilish darajasi ham tushib ketganligini ko'rsatadi.

Bezorilik jinoyatlarini tergov qilishda avvalo bezorilik harakatlari bevosita jamoat joylarida sodir etilishi bilan bog'liq bo'lganligi va qasd avvalo jamoat tartibi hamda jamiyatda o'rnatilgan yurish-turish qoidalari sanalganligi bois jamoat joyi va jamiyatda o'rnatilgan yurish turish qoidalariga qo'shimcha tushintirishlar berish maqsadga muvofiq. Mazkur tushuntirishlar huquqni qo'llovchilar orasida keng tarqalishi yoki Oliy sud Plenumi qarori sifatida mustahkamlanishi albatta bu borada ishlarni to'g'ri hal etilishiga xizmat qiladi deb o'ylaymiz.

Amaldagi qonunchilikka muvofiq, quyidagilar jamoat joylari hisoblanadi:

doimiy jamoat joylari – ko'chalar, maydonlar, xiyobonlar, sohillar, tegishli idoralar tomonidan kecha-yu kunduz faoliyat olib borishiga ruxsat berilgan dam olish maskanlari, jamoat transportlari;

davriy jamoat joylari – tegishli idoralar tomonidan kunlik va mavsumiy ish vaqti belgilab berilgan joylar, ya'ni plyajlar, usti ochiq va yopiq kinoteatrlar, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini terib olish uchun fuqarolarning uyushgan holda to'planadigan dala maydonlari, muzeylar, kutubxonalar, klublar, barcha turdagi davolanish muassasalari (ichki tartib-qoidalarga ko'ra tashrif vaqti belgilangan, ya'ni

bemorlarni ko'rishga kelganlarning kirishiga ruxsat berilgan vaqtlar), umumiy ovqatlanish va maishiy xizmat ko'rsatish joylari, choyxona, restoran, bar, kafelar kiradi (kirish-chiqish joylari alohida nazoratga olinganlari bundan mustasno);

bir martalik jamoat joylari – fuqarolarning uyushgan holda shahar tashqarisidagi ochiq maydonlarga, tog'larga va adirliklarga sayilga chiqish joylari;

ko'cha – sutkaning har qanday vaqtida barcha uchun ochiq bo'lgan joylar, ya'ni transport yoki piyodalar harakatlanadigan yo'laklar, ko'chalar, maydonlar, xiyobonlar, sohillar, ko'priklar, estakadalar, jamoat transportlari bekatlari, plyajlar, bozorlar, istirohat bog'lari (faoliyat olib borish vaqti chegaralanmagan bo'lsa), tor ko'chalar, boshi berk ko'chalar, umumiy hovlilar (xususiy hovlilar hamda eshiklari yopiladiganlari bundan mustasno) , ko'p qavatli uylarning pod'ezdlari (yopiladiganlardan tashqari), o'rmon park zonalari, karerlar, yalangliklar, ochiq suv havzalarining qirg'oqlari va bevosita suv havzalari.

Shu bilan birga amaliyotchilarga quyidagi joylar jamoat joylari hisoblanmasligini va mazkur joylarda sodir etilgan huquqbuzarliklarga huquqiy baho berishda e'tiborga olishlari lozimligini ta'kidlash lozim. Xususan:

– chet el elchixonalari, vakolatxonalari va qarorgohlariga tegishli yoki davlat tomonidan uzoq yillik shartnomaga asosan ijaraga berilgan erlar va uchastkalar hududlari;

– fuqarolarning xususiy xonadonlari va hovli joylari;

– fuqarolar tomonidan umumiy tartibda (sport, ko'ngilochar va boshqa) tadbirlar o'tkazishda foydalanish uchun jihozlanmagan erto'la va chordoqlar, qavatlararo o'tish joylari, tomlar, zinapoyalar, liftlar, umumiy foydalanishdagi xonadonlar va boshqa shu kabi joylar;

– ma'lum davrlarda faoliyat ko'rsatmaydigan mavsumiy dam olish joylari, ya'ni klublar, teatrlar, ko'rgazma zallari, muzeylar, kutubxonalar, restoranlar, kafelar, oshxonalar, stadionlar, magazin va boshqa do'konlar (ishlamagan vaqtlarda);

– ma'lum vaqtgacha, ya'ni yil, mavsum, hafta va kecha-kunduz davomida ish faoliyati to'xtatilgan (ta'mirlash ishlari olib borilayotganligi sababli) yoki fuqarolar uchun yopib qo'yilgan joylar: yotoqxona, pansionat, profilaktoriya, dam olish uylari, mehmonxonalar va boshqa shunga o'xshash joylar;

– qo'riqlanadigan ob'ektlar hududi (fuqarolarning erkin kiribchiqishi taqiqlangan joylar);

– yo'nalishdagi yo'lovchi poezdlarning ishlamayotgan tamburlari, kupelari, hojatxonalari va brigada a'zolari uchun ajratilgan maxsus xonalar, yo'lovchi poezdlari to'xtamaydigan temir yo'l bekatlari (vokzal maqomiga ega bo'lmaganlari)ning peronlari.

2021 yilda qayd etilgan bezorilik jinoyatlarining 1 856 tasi jamoat joylarida sodir etilgan bo'lib, shundan 767 tasi ko'cha, maydon va istirohat bog'larida sodir etilgan[7].

Yuqoridagi tahlillardan ma'lum bo'ladiki, huquqni qo'llovchi subyektlar tomonidan jamoat joyida sodir etilgan aksariyat tan jarohati yetkazish bilan bog'liq jinoyatlar bezorilik jinoyati sifatida kvalifikatsiya qilinmoqda. Bu esa o'z navbatida mazkur turdagi jinoyatlarni sonini ortib ketishiga olib kelmoqda.

M.X.Rustambayev bezorilik jinoyatlarini kvalifikatsiya qilishning eng muxim sharti sifatida jinoyatning subyektiv tomonida ekanligini bildirib, bunda qasd aynan jamiyatdan o'rnatilgan yurish-turish qoidalariga xurmatsiz munosabatda bo'lish ekanligini bildiradi[8].

Yuqoridagi fikrlar juda o'rinli ekanligini bildirib, yanada aniqroq tushunish maqsadida jamiyatda o'rnatilgan yurish-turish qoidalari sifatida aynan qanday me'zonlar tushunilishi borasida olimlarning fikrlari tahlil qilinadi.

M.X.Rustambayev "Jamiyatda yurish-turish qoidalarini mensimaslik deganda, qonunlarga, axloq-odob normalirag, jamiyatda mavjud bo'lgan urf-odat va an'analarga hurmatsizlik tushuniladi", – deb ta'kidlaydi[8].

J.A.Djavkashevning fikriga ko'ra, "....– normativ-huquqiy hujjatlar, odob va axloq normalari, urf-odat, an'analar bilan belgilangan jamoat tartibini (odamlararo munosabatlar, yurish-turish qoidalari, shakllangan ijtimoiy turmush tarzini) qo'pol tarzda buzish tushuniladi"[5].

O'z navbatida jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan mensimaslik, urish-do'pposlash, engil tan jarohati etkazish yoki mulkka ancha miqdorda shikast etkazish yoxud nobud qilish deganda nimani tushunish lozimligini bilib olishimiz zarur.

Jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan mensimaslik deganda, normativ-huquqiy hujjatlar, odob va axloq normalari, urf-odat, an'analar bilan belgilangan jamoat tartibini (odamlararo munosabatlar, yurish-turish qoidalari, shakllangan ijtimoiy turmush tarzini) qo'pol tarzda buzish tushuniladi.

A.A.Xudoyberdiyevning fikriga ko'ra, jamiyatda yurish-turish qoidalarini mensimaslik bilan bog'liq harakatlarning batafsil va qat'iy ro'yxatini berish mushkul bo'lib, bu ishning xususiyatidan kelib chiqib baholashni talab etadigan jarayon hisoblanadi[9].

Mazkur turdagi jinoyatlarni kvalifikasiya qilishda eng ko'p duch kelinayotgan xatolardan biri – bu amaliyotchilar nuqtai nazarida mayda bezorilik huquqbuzarligida ham shaxs urish-do'pposlash kabi harakatlarini sodir etishi mumkin degan tushunchaning mavjudligidir. Ya'ni, shaxs bezorilik harakatlarini sodir eta turib, jabrlanuvchining badaniga sud tibbiy nuqtai nazardan baxolanishi mumkin bo'lmagan tan jarohatini yetkazishi yoki sog'liqning qisqa muddatga yomonlashuviga yoki mehnat qobiliyatining uncha uzoq bo'lmagan muddatga yo'qolishiga olib kelmagan qasddan badanga yengil shikast yetkazgan hollarda qilmishni mayda bezorilik huquqbuzarligi sifatida baholash amaliyotda ko'plab uchraydi.

Bu borada qonunchilik aniq ta'rifni nazarda tutmaganligi sababli amaliyotchilar o'rtasidagi turli xildagi baxs-munozaralarga va subyektiv kvalifikatsiyalarga sabab bo'lmoqda.

Huquqni qo'llovchi amaliyotchilar o'rtasida o'tkazilgan so'rovnomalar davomida, bezorilik jinoyatining subyekti tomonidan jabrlanuvchiga yuqorida bayon etilgan og'irlikda yetkazilgan tan jarohati bilan bog'liq hollarda qilmishni mayda bezorilik sifatida kvalifikasiya qilinishi asosiy sababi sifatida isbotlash bilan bog'liq hollarda uchraydigan to'siqlar yoki jabrlanuvchi ayblanuvchi bilan o'rtalarida oldindan ixtilof bo'lganini bildirib o'zining ko'rsatmasidan qaytishi hollari sabab bo'layotganligini bildirishdi[10].

Bezorilik jinoyatlariga huquqiy baho berishda yana bir e'tibor berish lozim bo'lgan jihat mavjud. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 277-moddasi uchinchi qism "g" bandida bezorilik: jamoat tartibini saqlash vazifasini bajarib turgan hokimiyat vakili yoki jamoatchilik vakiliga yoxud bezorilik harakatlarining oldini olish chorasini ko'rgan boshqa fuqarolarga qarshilik ko'rsatib sodir etilgan bo'lsa uch yildan besh yilgacha ozodlikni cheklash yoxud uch yildan besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanishi nazarda tutilgan.

Amaliyotda bezorilik jinoyatlarini tergov qilish jarayonida holatga yuqoridagi band bilan huquqiy baho berish kelib chiqayotgan bir qator xatoliklar uchraydi.

Jumladan: Sirdaryo viloyati Yangiyer shaxar A.Jomiy MFY A.Jomiy ko'chasida joylashgan do'kondan A. ismli shaxs bir baklashka pivo olib do'kon egasiga pulini to'lamasdan do'konni tark etishga harakat qiladi va unga qarshilik qilgan B. ismli sotuvchiga hech bir sababsiz qo'llari bilan bir necha zarba beradi. Bu vaqtda do'konda bo'lgan V. ismli shaxs ularni ajratishga harakat qiladi, biroq A.ismli shaxs V. ismli shaxsga hech qanday tan jarohati yetkazmasdan B. ismli sotuvchiga yana bir necha zarba berib voqea joyidan yashirinadi. Shunday bo'lsada, Yangiyer shaxar IIB huzuridagi tergov guruhi tergovchisi mazkur holatni O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 277-moddasi uchinchi qism "g" bandi bilan malakalaydi[11].

"Bezorilikka oid ishlar bo'yicha sud amaliyoti haqida"gi O'zbekiston Respublikasi Oliy Sudi Plenumining Qarori 10-bandida Bezorilik harakatlari davomida aybdor jamoat tartibini saqlash vazifasini bajarib turgan hokimiyat yoki jamoatchilik vakiliga yoxud bezorilik harakatlarining oldini olish (to'xtatish) chorasini ko'rgan boshqa fuqarolarga faol qarshilik ko'rsatsa, shu jumladan, ularga nisbatan o'rtacha og'ir shikast etkazish darajasida zo'rlik ishlatsa, bunday qilmish Jinoyat kodeksi 277-moddasi 3-qismining «g» bandi bilan to'liq

qamrab olinadi va Jinoyat kodeksining boshqa moddalari bilan qo'shimcha kvalifikasiya qilishni talab etmaydi." deya belgilangan[12].

2021 yilda bezorilik fakti bilan qo'zg'atilgan jinoyat ishlarining 2 076 tasida mazkur jinoyatlarni sodir etgan shaxslar aniq bo'lgan va bu bo'yicha tergov va surishtiruv yakunlanib, tegishli sudlarga yuborilgan, biroq 2021 yilda jami 191 ta bezorilik jinoyatlari shaxsi noma'lum holatida surishtiruv va dastlabki tergovga kirishilgan bo'lib, shundan 48 tasi fosh etilmasdan qolgan va bu jami qayd etilgan jinoyatlarning 1.77 % ulushiga to'g'ri keladi.

2021 yilda qayd etilgan 3 024 ta bezorilik jinoyatlari bo'yicha jami 3 893 nafar shaxs javobgarlikka tortilgan[7].

M.X.Rustambayev bu borada "Hokimiyat vakiliga qarshilik ko'rsatish – qasddan urish, engil yoki og'ir tan jarohati, jismoniy og'riq etkazishda ifodalanadigan faol harakatlardir.

Jamoat tartibini qo'riqlash vazifasini bajaruvchi hokimiyat vakili yoki jamoatchilik yoxud bezorilik harakatiga qarshilik qilgan fuqaro badaniga o'rtacha shikast etkazishni keltirib chiqargan qarshilik ko'rsatish bilan bog'liq bo'lishi lozim." deb ta'kidlaydi[13].

Yuqoridagi fikrlarga qo'shilgan holda shuni e'tirof etish lozimki, amaliyotda jinoyatlarni malakalash bilan bog'liq uchrayotgan aksariyat xatoliklar aynan normada ishlatilgan mavxum so'zlar yoki turlicha talqin qilinishi mumkin bo'lgan jumlalarni qo'llanganligi bilan bog'liq degan fikrdamiz. Shu sababli bezorilik jinoyati nazarda tutilgan mazkur bandda "qarshilik qilish" degan jumlalarni "urib-do'pposlab" yoki "tan jarohati etkazib" degan jumlalar bilan almashtirishni maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Urish-do'pposlash deganda, aybdor tomonidan jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan buzib, shaxsning badaniga shikast yetkazmagan holda bir necha zarba berish tushuniladi.

Yuqorida nomi keltirilgan Oliy Sudi Plenumining 9-son Qaroriga muvofiq, mayda bezorilik harakatlari davom etib, aybdorning keyingi harakatlari shaxsni urish-do'pposlash, unga yengil tan jarohati yetkazish yoki mulkka ancha miqdorda shikast yetkazish yoxud nobud qilish bilan sodir etilgan bo'lsa, shaxs ma'muriy javobgarlikka tortilmasdan, faqat jinoiy javobgarlikka tortiladi, deb belgilab qo'yilgan[12].

Ya'ni, Oliy sud shaxs bezorilik harakatlarini sodir eta turib, jabrlanuvchining badaniga sud tibbiy nuqtai nazardan baxolanishi mumkin bo'lgan aynan qanday tan jarohatini etkazishi javobgarlikni keltirib chiqarishi borasida tushuntirish bermagan.

Bu esa o'z navbatida huquqni qo'llovchi amaliyotchilar o'rtasida turli xildagi tushunmovchiliklarga sabab bo'lmoqda. Bu borada o'tkazilgan so'rovnomalar davomida, respondentlarning ko'pchiligi (44%) bunday hollarda jabrlanuvchiga sog'liqning qisqa muddatga yomonlashuviga yoki mehnat qobiliyatining uncha uzoq bo'lmagan muddatga yo'qolishiga olib kelgan qasddan badanga yengil shikast etkazgan hollardagina bezorilik jinoyatini tarkibini berishini bildirgan bo'lsa, 29 % respondentlar bunda og'irlik darajasidan qat'iy nazar yetkazilgan tan jarohati bilan bog'liq hollarda qilmishni bezorilik sifatida kvalifikasiya qilinishi lozimligini bildirishdi[10].

Yuqoridagi so'rovnoma natijalaridan ham ma'lum bo'lmoqdaki, amaliyotchilar bu borada yakdil fikrga ega emas. Shu sababli, Sudlar mayda bezorilik hisoblangan ma'muriy huquqbuzarlikni bezorilik jinoyatidan farqlovchi Plenum qarori qayta qabul qilishi va bu borada barcha nazariya va amaliyotda mavjud muammolar bo'yicha tushuntirishlar berib o'tishlari maqsadga muvofiq. Qolaversa "Bezorilikka oid ishlar bo'yicha sud amaliyoti haqida"gi O'zbekiston Respublikasi Oliy Sudi Plenumining 9-son Qarori 2002 yil 14 iyundan buyon amalda ekanligi va o'tkan davr mobaynida mazkur holatlarga oid ijtimoiy munosabatlar o'zgarganligi hamda yangicha vaziyatlar bu borada ilmiy tadqiqotlarni olib borishni taqozo etishini unutmaslik lozim.

2021 yilda bezorilik jinoyatlarini sodir etgan shaxslarning tahlili shuni ko'rsatadiki, ushbu davr oralig'ida qayd etilgan jami 3 024 ta jinoyatlarda 173 nafar voyaga yetmagan shaxslar (2020 yilda – 87 nafar), 253 nafar muqaddam sudlangan shaxslar tomonidan (2020 yilda – 154 nafar),

202 nafar ayollar tomonidan (2020 yilda – 99 nafar), 674 tasi guruh tarkibida (2020 yilda – 341 nafar), 374 tasi spirtli ichimlik yoki giyoxvand modda ta'siri ostidagi shaxslar tomonidan (2020 yilda – 265 nafar) va 510 nafari ish va mashg'ulot turiga ega bo'lmagan shaxslar tomonidan (2020 yilda – 198 nafar) sodir etilgan.

Mayda bezorilikka oid yana bir necha muxim jixatni qayd etish lozim. O'zbekiston Respublikasida 2021 yilda sud xukmi bilan ma'muriy qamoq jazosi qo'llangan shaxslarning 25 795 nafari MJtKning 183-moddasiga asosan huquqbuzarliklarni sodir etganliklari uchun ma'muriy qamoqda ushlab turilgan bo'lib, mazkur ko'rsatkich boshqa huquqbuzarliklarga nisbatan bir necha barobar ko'pdir. Jumladan, ma'muriy qamoq qo'llangan boshqa huquqbuzarliklar ulushi – 8 851 nafari MJtKning 187-moddasiga asosan, 73 nafari MJtKning 1883-moddasiga asosan, 3 898 nafari MJtKning 131, 136-moddalariga asosan, 3 046 nafari MJtKning 194, 195-moddalariga asosan va 7 783 nafari boshqa huquqbuzarliklar tashkil etadi[14].

Mazkur jinoyatlarga oid statistika ma'lumotlari uning "tarqalganlik" darajasini ko'rsatadi. Masalan, 2015 yilda umumiy jinoyatchilikning 3,6 %; 2016 y. – 3,2 %; 2017 y. – 2,5 %; 2018 y. – 2,05 %; 2019 y. – 2,3 %ni tashkil etgan bo'lsa, 2020 yilning 6 oyida 2019 yilning shu davriga nisbatan 152,3 % o'sgan[16].

Mazkur statistik raqamlar mayda bezorilik huquqbuzarligi ma'muriy amaliyoti bezorilik jinoyatini profilaktikasida samarali xizmat qilayotganligini kuzatishimiz mumkin. Biroq shu bilan birga mazkur statistik raqamlar bilan ifoda etilayotgan ma'muriy amaliyotning tarkibida bezorilik jinoyati sifatida malakalanishi lozim bo'lgan jinoyatlar ham mavjud, deb o'ylaymiz. Mazkur holatlarga yo'l qo'yilganligini esa amaliyotchilar nuqtai nazaridan, isbotlash bilan bog'liq qiyinchiliklar va (yoki) jinoyatchilikni ayni turi ko'payishini oldini olish bilan sun'iy kurashish sabab bo'lmoqda.

Yuqoridagi tahlillarga xulosa o'laroq, huquqbuzarlik va jinoyat o'rtasidagi kvalifikasion chegarani aniq qayd etish va bu borada izlanishlarni davom ettirish muhim hisoblanadi. Chunki mamlakatimiz jinoiy-huquqiy sohada bir necha yillardan buyon ilg'or islohotlar yo'lidan bormoqda, bu esa bugungi kun talabi bo'lgan – inson qadrini ulug'lash va mazkur jarayonning bosh mezoni sifatida aynan inson qadrini belgilash kabi vazifalarni bajarishga xizmat qiladi.

◄ Иқтибослар/Сноски/References

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoevning 2016 yil 7 dekabrdagi O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasi
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022 — 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni. // https://lex.uz/docs/5841063. – T.: 2022 yil.
3. O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksi. https://lex.uz/acts/97664
4. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi https://lex.uz/docs/111453
5. Djavkashev J.A. Bezorlik jinoyati va uning o'ziga xos xususiyatlari. Central asian research journal for interdisciplinary studies (carjis). 2022 y. 540 b.
6. Xudayberdiev A.A., Iskandarov Yu.B. Jamoat joylarida sodir etiladigan bezorilik huquqbuzarliklarining kriminologik tavsifi. // https://doi.org/10.5281/zenodo.7432078
7. O'zbekiston Respublikasi IIV huquqiy statistika va tezkor-hisobot ma'lumotlar markazining 2017-2021 yillardagi jinoyatchilik dinamikasi bo'yicha ma'lumotnomasi. Kirish raqami № 2531.
8. M.X.Rustambayev O'zbekiston Respublikasi jinoyat-huquq kursi V tom Maxsus qism // Darslik. – T.,– 2018 B.207-209
9. Xudayberdiev Abdurashid Abdirasulovich Jamoat joylarida sodir etiladigan bezorilik huquqbuzarliklarining kriminologik tavsifi // Development of pedagogical technologies in modern sciences International scientific-online conference – T.,– 2022

10. Tadqiqot ishi doirasida amaliyotchilar o'rtasida o'tkazilgan so'rovnoma natijalari.
11. Jinoyat ishlari bo'yicha sud amaliyoti obzori. Jinoyatni kvalifikasiya qilish masalalari. 5-348-18- sonli ajrim https://sud.uz/ murojaat sanasi 25.12.2022 yil
12. O'zbekiston Respublikasi Oliy Sudi Plenumining Qarori Bezorilikka oid ishlar bo'yicha sud amaliyoti haqida 2002 yil 14 iyun, 9-son
13. Rustambaev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 2. Jazo haqida ta'limot. Darslik. 2-nashr, to'ldirilgan va qayta ishlangan. – T.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 272 bet
14. Ichki ishlar organlarining maxsus muassasalari faoliyatini tashkil etilishida 2021 yil davomida amalga oshirilgan ishlar va yo'l qo'yilgan kamchiliklar to'g'risida ma'lumotidan
15. Dilnoza Karaketova. Criminological characteristics of hooliganism and the personality of the hooligan Society and innovations Journal home page: https://inscience.uz/index.php/socinov/index O'zbekiston Respublikasi IIV Axborot-taxlil markazining ma'lumotlari.

Заппаров Арыстангани Расылханович,
Самостоятельный соискатель Университета Общественной безопасности Республики Узбекистан

ОСНОВЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШЕННЫХ ОРГАНИЗОВАННЫМИ ПРЕСТУПНЫМИ ГРУППАМИ

Одним из главных направлений политики любого государства является борьба с преступностью во всех ее проявлениях. Одна из тенденций современной преступности — стремление криминальных структур проникнуть и закрепиться в экономике и политике. Анализ ежегодных статистических данных МВД показывает, что на фоне общего снижения темпа роста преступности происходят незначительные изменения в ее структуре. Так, «организованными преступными группами или преступными сообществами совершено 9,3 тыс. тяжких и особо тяжких преступлений (32,6%), их удельный вес в общем числе расследуемых преступлений этой категории повысился с 6,6 % в январе — июне 2020 года до 7,2 % на январь — июнь 2021 года»[1].

Организованная преступность — сложная система организованных преступных формирований, осуществляющих широкомасштабную преступную деятельность и создающих для такой деятельности наиболее благоприятные условия, имеющая собственные структуры с управленческими и другими функциями по обслуживанию этих формирований и установлению внешних связей, в том числе с государственными структурами и институтами общества. В систему организованной преступности в той или иной степени вовлечена часть населения, в связи с чем она представляет собой альтернативное общество со своей теневой и полутеневой экономикой, негативными социальной и духовной сферами (криминальная субкультура), собственными подсистемами развития, воспроизводства, управления и безопасности. Организованная преступность — структурная часть нашего общества, динамично взаимодействующая со всеми его частями.

Выявление, раскрытие и расследование преступлений, совершенных организованными преступными формированиями, представляет собой сложную деятельность по преодолению информационных, тактико-психологических и иных существенных трудностей, возникающих по подавляющему большинству уголовных дел.

Параллельно применению правовых, организационных, иных средств противодействия активно проводились исследования организованной преступности как феномена. Всему миру известны работы таких ученых, как Д. Кресси, Х. Хесс, А. Блок, Ф. Айэнни, В. Тереза.

Примером стратегического противодействия организованной преступности продемонстрирован США в борьбе с итало-американской мафией. Особый акцент делался на системности в разрешении международной сети организованной преступности, т.е. на раскрытии маршрутов контрабанды, источников финансирования, установлении лидеров преступной организации, определении ее слабых мест с целью нанесения одновременного удара и разрушения всей системы. Также была осуществлена Совершенствование правовой базы борьбы с организованной преступностью.

В 1970 году в США был принят закон «О контроле организованной преступности», который несколько упрощал процедуру привлечения к уголовной ответственности членов организованных преступных формирований. С 1981 по 1985 год в отноше-

нии «крестных отцов» 17 из 24 семей итало-американской преступной организации были вынесены приговоры с таким видом наказания, как лишение свободы. Создание информационной базы на лиц, причастных к организованной преступности. В Канаде важным элементом противодействия организованной преступности является создание специального банка информации, где собираются сведения обо всех гражданах, в отношении которых имеются данные о причастности к организованной преступности, терроризму, торговле наркотиками[2].

В Германии тенденция использования сведений, полученных негласным путем, в уголовном процессе получила значительное развитие, и в УПК ФРГ были включены нормы, регулирующие применение секретных методов оперативно-розыскной деятельности. Впервые в кодексе регулируются вопросы агентурной работы, в частности использование в качестве секретных агентов официальных сотрудников полиции—нелегалов для внедрения в преступные организации. Секретным агентам изменяются подлинные данные о личности в соответствии с разработанной легендой, готовятся фиктивные документы. С санкции прокурора по делам о тяжких преступлениях им разрешается посещать и осматривать жилые и иные помещения[3].

В связи с этим особенно остра проблема эффективности взаимодействия следователей и органов дознания по уголовным делам о преступлениях, совершенных организованными преступными группами и сообществами, которая в первую очередь зависит от согласованности действий органов дознания и предварительного следствия.

Следователь, будучи руководителем и организатором расследования преступления, непосредственно отвечает за его раскрытие и судебную перспективу уголовного дела. Он должен в предусмотренной законом форме максимально использовать возможности оперативно-розыскных служб различных правоохранительных органов, которые в силу своих специфических, в том числе негласных, полномочий с использованием новейших достижений науки и техники обязаны оказывать ему содействие в расследовании преступления, обеспечивая информационную, тактическую, силовую и иную поддержку. Именно подобное взаимодействие следователя и оперативно-розыскных служб составляет функциональное ядро процесса работы по уголовным делам о преступлениях, совершенных организованными преступными формированиями.

Вопросам взаимодействия следователя с органами, осуществляющими оперативно-розыскную деятельность, а также с другими правоохранительными органами, в странах СНГ посвятили свои работы Л.П. Плеснева, Д.И. Астапкин, Е.С. Безруких, М.Ю. Бекетов, Е.А. Травкин, В.С. Зверев, А.А. Молибога, С.В. Слинько, Л.С. Каплан, Р.Г. Ушанов, Н.А. Аменицкая, А.В. Гордин, Т.А. Паутова, П.В. Гаврилин (Россия), С.Е. Еркенов, А. Оспанов (Казахстан), Н.Н. Гапанович, И.И. Мартинович (Беларусь), А.Г. Саркисян (Армения), А.М. Бандурка, П.В. Берназ, С.В. Бондарь, И.И. Татарин (Украина), А.А. Мухитдинов, Р.Х. Рахимов, Х.Дж. Хошимов (Таджикистан); в странах дальнего зарубежья – С.В. Боботов, Л.Ш. Амбасса, Л.В. Головко (Франция), М.Н. Соломон, Дж. Голь, С. Смит, Д. Фишер, В.М. Николайчик (США), Ф. Марианн, Х. Баллин (Нидерланды), Ж. Вадакумчер (Индия), Д. Марков, М. Ерданова, М. Ильчева (Болгария), А.К. Кавалиерис, Я.О.Залпетерис (Литва).

В Узбекистане научные исследования по вопросам организации взаимодействия правоохранительных органов, в частности, органов внутренних дел с другими субъектами правоохранительной деятельности проводились такими учеными, как Б.А.Миренский, Г.А. Абдумажидов, Ю.С.Пулатов, Д.М.Миразов, З.Х.Гулямов, М.А. Раджабова, З.Ф. Иногамжанова, Ф.М. Мухитдинов.

Вопросы соотношения уголовно-процессуальной и оперативно-розыскной деятельности в той или иной мере были рассмотрены Т.Р.Саитбаевым, А.А. Хамдамовым, С.Н. Гордеевым, Г.А.Алимовым;

Проблемы, связанные с взаимодействием следователя с оперативно-розыскными

подразделениями при розыске скрывшегося преступника исследовались А.А. Матчановым; вопросы осуществления прокурорского надзора за деятельностью органов предварительного следствия и дознания были рассмотрены в работах Б.Х. Пулатова.

Анализ мнений учёных позволил выявить следующее И.Ф. Герасимов рассматривает взаимодействие как «основанное на законе и общности задач в уголовном судопроизводстве правовое сочетание и эффективное использование полномочий, методов и форм деятельности, присущих каждому из указанных органов, направленное на раскрытие, расследование и предупреждение преступлений».

Л. Я. Драпкин определяет взаимодействие органов следствия, дознания, экспертных учреждений, специалистов, средств массовой информации и общественности в процессе раскрытия преступлений «как согласованную по задачам, времени, месту и исполнителям деятельность различных звеньев одной или нескольких организационных систем, не находящихся в отношении административного подчинения и обладающих в силу функциональной дифференциации и относительной автономии специфическими средствами и методами работы, взаимно дополняющими друг друга и обеспечивающими оптимальное достижение общей цели» .

В. Н. Карагодин под взаимодействием органов следствия и дознания понимает «такие способы и порядок связей между ними, которые обеспечивают информационную, тактическую, силовую и иную поддержку. Именно эта разновидность взаимодействия между следователями и оперативно-розыскными службами и обеспечивает согласованность их деятельности и правильное сочетание присущих каждому их этих органов полномочий, методов и средств работы».

Соглашаясь с этими определениями, считаем необходимым заострить внимание на тактических особенностях взаимодействия и координации при решении задач, которые стоят перед различными правоохранительными органами, не находящимися в административном подчинении по уголовным делам о преступлениях, совершенных организованными криминальными формированиями. Одна из таких особенностей — необходимость совместного преодоления трудностей поиска источников криминалистически значимой информации, обусловленных исключительными мерами конспирации, предпринимаемыми лидерами организованных преступных групп и сообществ.

Взаимодействие указанных органов позволяет успешно устранять конфликты и многочисленные ситуации тактического риска, постоянно возникающие при проведении следственных действий при производстве расследования по делам рассматриваемой категории. Полагаем, что взаимодействие следователя и органов дознания в процессе выявления, раскрытия и расследования преступлений, совершенных организованными криминальными формированиями, можно определить как специфическую деятельность основных субъектов противодействия организованной преступности в целях создания оптимальных условий и последующего осуществления полного, всестороннего и объективного процесса доказывания по уголовным делам, а также своевременного пресечения общественно опасной деятельности этих формированийб . В организационном отношении оптимальная форма взаимодействия органов предварительного следствия и органов дознания — следственные группы. Она обеспечивает благоприятные условия для функционирования и информационного сотрудничества правоохранительных органов.

Эффект расследования достигается именно благодаря согласованному планированию следственных действий и оперативно-разыскных мероприятий. При расследовании убийств, совершенных организованным группами, план определяет сферы и порядок взаимодействия всех заинтересованных служб, что повышает его результативность. Важно согласовать и своевременно откорректировать характер и направленность взаимодействия на первоначальном

этапе расследования, когда преступление можно раскрыть «по горячим следам». Непрерывность взаимодействия означает, что оно начинается с момента возникновения повода к возбуждению уголовного дела либо при наличии оснований к розыску скрывшегося преступника (или преступников), и в дальнейшем продолжительность и интенсивность взаимодействия детерминируются обстоятельствами и интересами объема доказывания по делу. Наиболее полно задачи взаимодействия следователя и органов дознания могут быть достигнуты и выполнены только тогда, когда такое взаимодействие строится в определенном, строго регламентированном порядке. Формы взаимодействия следователя с органами дознания могут быть как процессуальными, так и непроцессуальными. В некоторых источниках непроцессуальные формы взаимодействия называются как организационные или организационно-тактические.

Основные положения, на основе которых выстраивается взаимодействие органов предварительного следствия и дознания по делам организованных преступных групп и сообществ, расследуемым следственно-оперативными группами. Кроме этого, совместное выдвижение комплексных следственно-оперативных версий, которые представляют собой более перспективный метод преодоления проблемных ситуаций и раскрытия, как правило, весьма сложных преступлений, совершаемых организованными криминальными формированиями.

Также совместное планирование следственных и оперативно-розыскных мероприятий и составление согласованного (единого) следственно-оперативного плана. В случаях производства негласных оперативно-розыскных мероприятий составляется дополнительный план с соблюдением требований конфиденциальности.

Активное участие следователя в создании и формировании следственно-оперативной группы, подборе работников соответствующих оперативно-розыскных служб, руководстве следственно-оперативной группой, его процессуальная независимость в принятии решений, а также оптимальное маневрирование силами и средствами, находящимися в распоряжении руководителя следственно-оперативной группы, сосредоточение на решающих участках (направлениях) деятельности, необходимых резервах и их эффективное использование.

Представляется, что при расследовании рассматриваемых преступлений руководители правоохранительных органов и следственно-оперативных групп должны:

1) привлекать к работе по расследованию преступлений, совершенных организованной преступной группой (сообществом), наиболее опытных следователей и оперативных работников;

2) соблюдать условия конспирации, обращать особое внимание на пресечение «утечки» информации;

3) создавать еще на стадии доследственной проверки условия для тесного взаимодействия следователей и работников МВД, других правоохранительных органов для последующего сотрудничества в составе следственной группы;

4) обеспечивать безопасность участников расследования, свидетелей, потерпевших, создавать условия, исключающие неправомерное воздействие на них;

5) проводить оперативно-розыскные мероприятия и следственные действия, направленные на разобщение членов организованных преступных формирований;

6) максимально использовать возможности для раздельного содержания под стражей членов организованных преступных формирований, полностью исключающего общение участников ОПГ, находящихся на свободе и под стражей;

7) при ознакомлении защитников с материалами уголовного дела в соответствии с уголовно-процессуальным законом предупреждать их, в случае необходимости, об обязанности не разглашать данные предварительного расследования;

8) рационально планировать и тщательно готовиться к проведению каждого следственного действия по уголовным делам рассматриваемой категории с привлечени-

ем специалистов для получения консультаций;

9) использовать международный опыт, в частности опыт полицейских Италии, которые умело используют агентурную информацию, а также эффективную «тактику ударных групп» (США);

10) постоянно взаимодействовать с финансовыми и банковскими органами для получения важной информации о движении преступных доходов и об их легализации (отмывании).

Таким образом, проведенный анализ показывает, что противодействие организованной преступности может быть эффективным при грамотном использовании имеющихся сил и средств по всем стратегически важным направлениям деятельности человека в обществе и государстве.

◄ Иқтибослар/Сноски/References

1. Статистические данные Центра правовой статистики и информации Республики Казахстан.
2. Борьба администрации США с наркоманией // Борьба с преступностью за рубежом. 1993. № 6. С. 15.
3. Гуценко К.Ф., Головко Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. — М., 2001. С. 422.

Mirazova Shoxista Davron qizi,
O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti magistranti

KIBERJINOYATLARNI TERGOV QILISH METODIKASINING IJTIMOIY ZARURIYATI VA XUSUSIYATLARI

Maqolada milliy va xalqaro amaliy tajribani tahlil qilish asosida axborot texnologiyalari, Internet, onlayn to'lov tizimlaridan foydalangan holda sodir etilgan kiberjinoyatlarni tergov qilish metodikasining ijtimoiy zarurligi, ularni tergov qilishning xususiyatlari yoritilgan.

Kalit so'zlar: kiberjinoyat, kiberjinoyatlarni tergov qilish metodikasi, fishing, internet, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari

В статье на основе анализа отечественного и международного практического опыта рассмотрены вопросы социальной обусловленности методики расследования киберпреступлений, совершенных с использованием информационных технологий, сети Интернет, онлайн платежных систем, выявлены особенности расследования киберпреступлений.

Ключевые слова: киберпреступление, фишинг, методика расследования киберпреступлений интернет, информационно-коммуникационные технологии

Based on the analysis of domestic and international practical experience, the article examines the issues of social conditionality of the methodology of investigation of cybercrimes committed using information technologies, the Internet, online payment systems, and identifies the features of investigation of cybercrimes.

Keywords: cybercrime, phishing, methods of investigation of cybercrimes Internet, information and communication technologies

Бугунги кунда глобал ахборот майдонида кибер макон билан боғлиқ янгидан-янги таҳдидлар юзага келмоқда. Замонавий дунёда бутун инсоният учун ахборот соҳасидан келаётган хавфлар, хусусан турли кибер ҳужумлар хавфи ҳамон сақланиб қолмоқда. Ушбу салбий иллатларни олдини олиш ва уларга қарши курашиш бир қатор давлатлар сиёсатида стратегик вазифа сифатида катта аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, ахборот жамиятини ривожлантиришнинг зарурий шарти бу киберхавфсизликни таъминлашдир ва унга хавфсизликнинг техник ҳамда қонунчилик асосларини яратиш ва такомиллаштириш орқали эришиш мумкин. Замонавий шароитда, киберхавфсизлик масалалари алоҳида компьютер воситасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш даражасидан ҳар бир давлатнинг ахборот ва миллий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда давлатнинг ягона киберхавфсизлик тизимини яратиш даражасигача кўтарилиб борганлигига урғу бериш лозим.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳозирги даврда бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда 2020 - 2023 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қаторида жорий йилнинг 15 апрель куни қабул қилинган "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги қонунни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мазкур қонун мамлакатимизда киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солади, хусусан бу борадаги ягона давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини, телекоммуникация тизимлари ва алоқа тармоқларида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича тегишли нормалар ҳамда бу борадаги жавобгарликни белгилаб берилиши билан диққатга сазовордир.

Шу боис виртуал оламдаги ҳужумлар-

дан ҳимояланиш масаласи дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Сўнгги йилларда кибер жиноятлар салмоғи дунё миқёсида ошиб бормоқда. Тошкент ИИББ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бошқармаси вакиллари маълумотига асосан 2022 йилда Тошкентда ахборот технологиялари ёрдамида 4332 та ёки 2021 йилга (2281 та) нисбатан қарийб 2 баравар, 2020 йил билан (106 та) таққослаганда эса 40 баравар кўп кибержиноят содир этилган. Ўтган 2022 йилда содир этилган жиноятларни 2020 йил билан таққослайдиган бўлсак, 4226 та ёки 40 бараварга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Ачинарлиси, ахборот технологиялари ёрдамида ҳуқуқбузарлик ва жиноятга қўл урган шахслар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Республикамизда виртуал оламдаги қонунбузилишларнинг аксарияти 16-23 ёш оралиғидаги ўсмир-ёшлар томонидан содир қилинмоқда. Бундан кўриниб турибдики, киберхавфсизликни таъминлаш масаласи бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Кибержиноятлар биргина Ўзбекистонда эмас, балки дунёнинг барча давлатларида ҳам кўп учрайди. МДҲ давлатларини ёки бошқа ривожланган давлатларнинг пойтахтларида ҳам айнан ахборот технологиялари ёрдамида содир этилаётган жиноятлар сони йил сайин ортмоқда. Мисол учун 2022 йил давомида :

- Москвада (Россия, 12,6 млн аҳоли яшайди) ахборот технологиялари соҳасида 105 360 та кибержиноят қайд этилган (2021 йилда — 103 600 та, 2020 йилда — 102 060 та кибержиноят);
- Остонада (Қозоғистон, 1,3 млн аҳоли) бундай жиноятлар 4822 та аниқланган (2021 йилда — 4224 та, 2020 йилда — 5807 та);
- Минскда эса (Беларусь, 2 млн га яқин аҳоли) 4773 та кибержиноят содир бўлгани ҳақида аниқ маълумотлар бор. (2021 йилда — 4761 та, 2020 йилда-4 773 та);
- Сеулда (Жанубий Корея, 10,5 млн аҳоли) 2022 йил 60450 та кибержиноят аниқланган (2021 йилда — 56210 та, 2020 йилда — 60450 та).

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг айрим турларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- вирусли дастурий таъминотни тарқатиш;
- фойдаланувчининг махфий маълумотларини ўғирлаш;
- бошқа одамларнинг интеллектуал фаолият маҳсулотларини ўғирлаш;
- ижтимоий тармоқларда бошқаларнинг аккаунтларини бузиш;
- ёлғон маълумот тарқатиш, туҳмат қилиш;
- миллатлараро низо ёки динлараро адоватни қўзғатиш.
- банк пластик карталари (карта реквизитлари) билан ноқонуний операциялар;
- қимматли қоғозлар бозоридаги Интернет-фирибгарлик;
- Интернетдаги молиявий пирамидалар;
- мобиль алоқа билан боғлиқ жиноятлар;
- электрон тижорат соҳасидаги бошқа жиноятлар.

Бу турдаги жиноятларни сифатли тергов қилиш ахборот технологияларидан самарали фойдаланишга боғлиқ. Шунингдек кибержиноятларни тергов қилиш методикалари, замонавий техник ва дастурий таъминотлар, соҳа ходимларининг касбий билим ва амалий кўникмаларини оширишда хориж тажрибасининг аҳамияти муҳим ҳисобланади.

Терговчи рақамли далилларни баҳолашда унинг барча хусусиятларини ҳисобга олиши зарур. Процессуал қонунчиликка кўра, далиллар уларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончлилиги ва етарлилиги жиҳатидан баҳоланади. Улардан бирининг талабга жавоб бермаслиги, рақамли далилнинг мақбуллиги бузилишига сабаб бўлади [1, 28-б].

Сўнгги йилларда кибержиноятларни тергов қилишга оид қонунчилик базасини такомиллаштириш борасида ҳукуматимиз томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги Фармо-

ни билан тасдиқланган Давлат дастурида интернет тармоғида, шу жумладан ижтимоий тармоқларда содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш чораларини такомиллаштириш билан боғлиқ вазифалар белгиланиши соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди [2; 36- банд].

Мария-Ҳелен Мараснинг таъкидлашича, рақамли криминалистик амалиётда терговчилар фақатгина далилларни топиш, тиклаш ёки олиш билан чекланиб қолмасдан, тергов давомида қўлга киритилган маълумотларни судга тақдим этиши ва асослаб бериши ҳам лозим [3; 564-б]. Ҳақиқатан ҳам бу ўринда М. Мараснинг фикри ўринли. Ушбу жараён бир неча ижобий жиҳатларни, яъни далилларнинг мақбуллиги, ишончлилиги, яхлитлигини ҳамда бошқа коррупциявий элементлардан муҳофаза қилинишига оид масалаларни қамраб олади.

Рақамли далиллар – рақамли қурилма ва тармоқда сақланган ёки улар орқали узатилиши билан инсон омили ёхуд кибер жараён натижасида юзага келган иш учун аҳамиятли, қийматланган рақамлар йиғиндиси [4; 32-б]. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам рақамли далиллар билан ишлашнинг техник хусусиятлари, манбалари, механизми, уларни тўплаш, текшириш, сақлаш ва баҳолаш қонуниятлари ҳақида тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида" ги 2022 йил 28 ноябрдаги ПФ-257-сон 4-иловаси "Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси»"нинг 11 бандига мувофиқ "Рақамли терговни ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш марказини (Киберлаборатория) ташкил этиш, уни рақамли далилларни, шу жумладан «Darknet» тармоғида мустаҳкамлаш ва тадқиқ этиш функцияларини назарда тутувчи зарур замонавий компьютер, сервер ускуналари ва дастурий таъминот (электрон рақамли изларни топиш ва мустаҳкамлашнинг криминалистик-техник воситалари, мобил криминалистик мажмуалар ва ҳ.к.) билан жиҳозлаш" белгиланган бўлиб, ахборот технологиялари орқали содир этилаётган жиноятларни тергов қилиш методикасини шакллантиришга қаратилган қадам десак муболаға бўлмайди.

◄ Иқтибослар/Сноски/References

1. Хамидов Б.Х. Рақамли экспертиза натижаларини текшириш ва баҳолаш \\ Ўзбекистон суд экспертизаси, 2021. №1. -Б.28.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони \\ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон
3. 2022–2026 йилларда ЯЎзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури 36-банди.
4. Marie-Helen Maras. "Computer Forensics: Cybercriminals, Laws, and Evidence". 2nd Edition. USA. Jones & Bartlett Learning, LLC. 2015. – 564 p.
5. Sean E. Goodison, Robert C. Davis, and Brian A. Jackson. "Digital Evidence and U.S. Criminal Justice System". The National Institute of Justice, U.S. Department of Justice. 2014. – p. 31.

Курбонов Дилшоджон Махамадалиевич,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг мустақил изланувчиси

ИНГЛИЗ-САКСОН ОИЛАСИ ДАВЛАТЛАРИДА СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВ ЖАРАЁНИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Мақолада ривожланган хорижий мамлакатларида жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув жараёнларини амалга оширишда қонунийликка риоя этиш ҳолати таҳлил қилинган, уларнинг ижобий тажрибасидан мамлакатимизнинг жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда фойдаланиш хусусида фикрлар билдирилган.

Таянч иборалар: қонунийлик, судга қадар иш юритув, англо-саксон ҳуқуқ тизими, романо-герман ҳуқуқ тизими, Англия, АҚШ, жиноят ишлари бўйича иш юритуви

В статье проанализировано состояние соблюдения законности при осуществлении досудебного уголовного судопроизводства в развитых зарубежных странах, внесены предложения по использованию положительного опыта при совершенствовании национального уголовно-процессуального законодательства.

Ключевые слова: законность, досудебное производство, англосаксонская правовая система, романо-германская правовая система, Англия, США, уголовное судопроизводство

The article analyzes the state of compliance with the rule of law in the implementation of pre-trial criminal proceedings in developed foreign countries, and makes proposals on the use of positive experience in improving national criminal procedure legislation.

Keywords: legality, pre-trial proceedings, Anglo-Saxon legal system, Romano-German legal system, England, USA, criminal proceedings

Хорижий мамлакатларда жиноят ишларини юритишда қонунийликка риоя этиш талабларини ушбу мамлакатларнинг жиноят процессининг шакллари ҳамда замонавий ҳолати билан узвий равишда боғлиқликда ёритиш мақсадга мувофиқ. Ривожланган хориж мамлакатларидаги жиноят процессида суднинг ваколат доиралари, шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари, исботлаш жараёни, айбланувчи ва айбловчининг процессуал ҳолатининг шакл ва тоифалари турличадир. Айнан шу тоифаларга кўра жиноят процессининг қуйидаги шаклларини фарқлаш мумкин: айблов, қидирув (инквизацион), аралаш ва тортишув[1]. Ривожланган хориж давлатлари жиноят судлов ишларини юритишда процесснинг аралаш ва тортишув шакллари анча кенг оммалашган.

Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австрия, Янги Зеландия ва бошқа англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги давлатларда эса бугунги кунда жиноят процессининг тортишув шакли кенг тарқалган.

Ислоҳотларни назарий жиҳатдан таъминлаш борасида олиб борилган тайёрлов ишлари шундан гувоҳлик берадики, жиноий адлиянинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти йилдан йилга ўсиб борувчи катта моддий сарф-харажатларни талаб этади. Англиялик юристларнинг маълумотларига қараганда, битта оғир жиноят ишини юритишнинг таннархи 50 минг фунт стерлингни, айрим ишлар бўйича эса 250 минг фунт стерлингни ташкил этмоқда[2]. Шунинг учун, ҳатто процессуал кафолатларни қисқартириш йўли билан бўлса ҳам иқтисодий самара берувчи соддалаштирилган иш юритиш тартибига ўтиш борасида изланишлар олиб борилмоқда[3].

Назарий жиҳатдан олганда ривожланган ғарб мамлакатлари ҳуқуқшунослигида жиноятчилик устидан назорат қилиш док-

тринаси ҳукмронлик қилади. Ушбу концепция шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг жиноят-процессуал кафолатларини чеклашни назарда тутади, жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қонунийликни бузишга йўл қўйилишини оқлайди, аноним гувоҳларнинг кўрсатувларини, полиграфда олинган руҳий-физиологик тестларнинг натижаларини, яширин электрон кузатув маълумотларини далилий аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Демак, бу мамлакатларда қатъий тартибга солинган суд жараёнидан кўра полициянинг нопроцессуал ҳаракатларига кўпроқ эътибор берилади.

Жиноятчилик устидан назорат доктринасига оид кўплаб ҳолатлар жиноят-процессуал қонунчилик доирасида мустаҳкамланаётганлигига ҳам эътибор қаратиш зарур. Масалан, 1984 йилда АҚШда "Жиноятчилик устидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонун, шу йили Англияда "Полиция ва жиноят ишлари бўйича далиллар тўғрисида"ги қонун кучга киритилган. Жиноятчилик устидан назорат доктринаси ғоясини амалга оширувчи шунга ўхшаш қонунлар Европанинг кўплаб мамлакатларида қабул қилинган.

Шу билан бир қаторда ушбу мамлакатлардаги жиноят процессида умуминсоний қадриятларга амал қилинишига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, АҚШда ислоҳотлар доирасида камбағаллик ҳуқуқи такомиллаштирилиб, унга кўра моддий жиҳатдан ночор айбланувчилар адвокат хизматидан бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлган; Англияда суд маслаҳатчиларининг мулкий имтиёзлари бекор қилинган; Францияда ноқонуний ушлаб туришга қарши жиноий жавобгарлик чоралари кучайтирилган; Германияда одил судловни матбуот, босим гуруҳлари таъсиридан муҳофаза қилиш чоралари ишлаб чиқилганлигини қайд этиш керак.

Энди турли мамлакатлар қонунчилигидаги жиноят ишини қўзғатиш босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза этилиши масалаларига тўхталиб ўтамиз.

Англияда жиноят процесси континентал Европа мамлакатларидаги каби ишни судга қадар ва судда юритиш даврларига ажратилмайди. Фикримизча, бунга сабаб инглиз жамияти, давлатчилиги ва ҳуқуқи ривожининг ўзига хос хусусиятлари, бошқа давлатлардан фарқли равишда жиноят процессининг инквизация шакли ҳеч қачон тан олинмаганлигидир. Англия назарий моделига кўра жиноят процесси - тенг ҳуқуқли тарафлар ўртасидаги баҳс ҳисобланади. Шу билан бирга жиноят процессига бўлган бундай қараш тобора ўзгармоқда. Бутун жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан инглиз жамиятини ташвишга солган жиноятчиликнинг кескин ортиши жиноий-таъқиб органларидаги иш ҳажмининг кўпайишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида жиноят судлов ишларини юритувчи органлар фаолияти билан боғлиқ процессуал институтларнинг ҳуқуқий регламентациясини такомиллаштиришни, жиноят процесси доирасига жалб этилаётган шахслар ҳуқуқларининг юридик кафолатларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Шу сабабдан сўнгги XX аср охирларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш суръатлари жадаллашди. 1982 йилда қабул қилинган Жиноий-адлия, 1984 йилдаги Полиция ва жиноят ишлари бўйича далиллар, 1985 йилдаги Давлат айбловчилари, 1990 йилдаги Судлар ва ҳуқуқий хизмат кўрсатиш, 1994 йилдаги Жиноят одил судлови ва оммавий тартиб ҳамда Жиноят процесси ва иш юритиш тўғрисидаги қонунлар ушбу консерватив мамлакатдаги жиноят процессининг қиёфаси ва шаклини замон талабларига мувофиқлаштиришга хизмат қилди[4].

Юқорида таъкидлаганимиздек, Англиянинг жиноят процесси тортишув шаклида ташкил этилиб, қуйидаги дифференциацияга асосланади: айблов функцияси (суд ҳузурида жиноят ишини қўзғатиш, айблов далилларини тўплаш, судда айбловни қувватлаш); ҳимоя функцияси (оқловчи далиллар тўплаш, судда ҳимояни амалга ошириш); суд функцияси (тарафларнинг суд муҳокамаси қоидаларига риоя этишларини таъминлаш, айбдорлик масаласини ҳал этиш, жазо чорасини аниқлаш).

Замонавий инглиз процессидаги умум-

фуқаровий айблов концепциясига кўра ҳар қандай юридик ва жисмоний шахсларга жиноий таъқибни амалга ошириш ҳуқуқи берилган. Бундай шароитларда жабрланувчи ва жиноий таъқибни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар шахсан ўзлари ёки хусусий детективни жалб этиш ёхуд тегишли давлат органига мурожаат қилиш орқали дастлабки терговни олиб боришлари мумкин.

Ҳозирги кунда жиноят ишини қўзғатиш функцияси полициядан Бош атторней раҳбарлиги остидаги махсус тузилган Давлат айблов хизмати ва Бош атторнейга бўйсинувчи оммавий таъқиблар Директорига ўтказилмоқда. Ушбу хизматнинг штати 2440 кишини ташкил этади[5].

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида бир қатор процессуал мажбурлов чоралари, жумладан тинтув ва ҳибсга олиш қўлланишига йўл қўйилади. Ушбу ҳаракатларни суднинг санкциясини олмасдан ва ҳатто, жиноятнинг белгилари тўғрисидаги бирламчи маълумотларни текширмасдан ҳам амалга ошириш мумкин. Умумфуқаровий айблов доктринасига кўра, жиноят содир этиш ёки уни тайёрлашда гумон қилиш учун «ўринли тахминлар» мавжуд бўлганида, мансабдор шахслар билан бир қаторда хусусий шахслар ҳам шахсни ҳибсга олиш ҳуқуқига эгадирлар. Шундай қилиб, мазкур процессуал мажбурлов чораси фақат жиноят белгилари ва уни содир этган шахс аниқ бўлган кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда эмас, балки жиноятчининг шахси ҳамда умуман жиноий қилмишнинг содир этилганлиги факти шубҳа остига олинган ҳолларда ҳам қўлланилади.

Давлат айблов хизматига бундай кенг ваколатларнинг берилиши бугунги кунда турли суиистеъмолликларни келтириб чиқармоқда. Буюк Британия Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига қараганда, мамлакатда ҳар йили 50 мингдан зиёд ноқонуний ҳибсга олиш ҳоллари рўй беради[6].

Бундай суиистеъмолликларни бартараф этиш ва шахснинг ҳибсда сақланаётганлигининг қонунийлигини текшириш мақсадида Англияда «хабеас корпус» (habeas corpus) номи билан машҳур бўлган жараёндан фойдаланилади[7]. Унга кўра ҳибсга олинган шахс ёки унинг номидан иш кўрувчи ҳар қандай бошқа шахс ҳибсга олишнинг ноқонунийлиги юзасидан ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Бу ҳолатда ҳибсга олинган шахс суд ҳузурига келтирилади ва уни ҳибсга олинишининг қонунийлиги масаласи ҳимоячи иштирокида кўриб чиқилади.

АҚШ ўзининг анча ривожланган қонунчилиги (айниқса, АҚШ Конституцияси ва унинг ўн бешта тузатишлари) ва федератив тузуми билан инглиз ҳуқуқидан фарқланади. Муайян жиноят иши бўйича иш юритувининг аниқ бошланиш вақти, шунингдек, жиноят ишини қўзғатиш ким томонидан, қандай расмийлаштирилиши АҚШ жиноят-процессуал қонунчилиги ва бошқа ҳуқуқий манбаларда расман белгиланмаган. Шунинг учун амалиётда муайян иш бўйича иш юритувини, дастлабки терговни жиноят ҳақида хабар келиб тушган ва у қайд этилган (одатда, жуда мураккаб ва кўп тармоқли тизимга эга бўлган полиция органлари томонидан[8]) пайтдан бошланади, дейилиши оммалашган.

Тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят белгилари бўлган қилмиш ёки ҳодиса ҳақидаги ариза ва хабарлар (cleared crimes) тегишли текширув ва расмийлаштиришдан сўнг суд муҳокамасида далил сифатида фойдаланиладиган маълумотларни аниқлаш, қайд этиш, текшириш ва баҳолаш ҳаракатларини юритишга асос бўлади. Қайд этилган пайтдан бошлаб, жиноят белгиларига эга бўлган қилмиш ёки ходиса АҚШда «полицияга хабар қилинган жиноятлар» (crimes reported to the police) ёки «рўйхатга олинган жиноятлар» (reported crimes) деб номланувчи ҳолатлар қаторига киритилиб, улар ҳақидаги маълумотлар статистик ҳисоботларга киритилади. Бундай турдаги ҳаракатлар тезкор-қидирув фаолияти ва биз тергов ҳаракатлари деб аташга одатланган ҳаракатларнинг барчаси, шунингдек процессуал мажбурлов чоралари (мажбурий келтириш, ушлаб туриш, қамоққа олиш, тинтув, олиб қўйиш ва бошқалар) қўллашни ўз ичига олади. Судга қадар иш юритишда жиноий таъ-

қибни қўзғатиш, терговни тугатиш, тамомлаш ва бошқа қарорлар қабул қилинади.

Жиноий таъқибни қўзғатиш ваколати бу мамлакатда ҳам атторнейлик хизматига тегишли бўлиб, Федерал атторнетурага АҚШ Бош атторнейи раҳбарлик қилади. Америка атторнейлари кенг ваколатлари доирасида маълум шахсга нисбатан жиноий таъқиб қўзғатишнинг мақсадга мувофиқлигини шахсан ўзлари ҳал этадилар.

Атторнейлар ишларнинг келгусидаги юритилишига сезиларли таъсир ўтказадилар. Чунки АҚШнинг кўплаб штатларида ҳануз атторней меҳнатига ҳақ тўлашнинг архаик тизими сақланиб қолган, яъни гонорарнинг ҳажми судланган шахсларнинг сони, мусодара қилинган мулкнинг баҳоси ва шунга ўхшаш актларга қараб белгиланади[9]. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг бундай тизими терговни холисона ўтказилишига салбий кўрсатиши, баъзи ҳолларда эса жиддий суиистеъмолликларни келтириб чиқариши шубҳасиз.

АҚШда барча турдаги жиноятлар содир этишда айбланаётганлар билан ҳам айбга иқрорлик битими тузилиши мумкин[10].

АҚШ жиноят процессида ҳибсга олиш, тинтув ўтказиш ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун полиция агентларининг маълумотларидан асос сифатида фойдаланилиб, унда агентнинг шахси ва номини ошкор қилиш талаб этилмайди[11]. Чунончи, АҚШ Конституциясига киритилган тўртинчи тузатишда шундай дейилади: «...халқнинг шахс, турар жой, ҳужжатлар ва мулкнинг асосланмаган тинтув ва ҳибсга олишлардан ҳимояланиш ҳуқуқи бузилмаслиги лозим, тинтув ва ҳибсга олиш учун ордерларни қасамёд ёки тантанали ваъда билан тасдиқланган етарли асосларсиз берилишига йўл қўйилмайди». Юқоридаги амалиёт эса мазкур конституциявий принципга мутлақо зиддир.

АҚШ ва Англияда дастлабки тергов босқичи полиция (суддан ташқари тергов) тергови деб номланиб, у биздаги тезкор-қидирув фаолиятидан деярли фарқ қилмайди. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигидан энг тафовутли жиҳати шундаки, мазкур фаолиятни амалга ошириш учун жиноят ишини қўзғатиш акти ёки бошқа фактик асослар талаб этилмайди. Таъкидлаш жоизки, ҳар икки давлатда полиция жиноят процесси доираларидан ташқарида ҳаракатланади ёки жабрланувчига терговни амалга оширишда кўмаклашади ёхуд давлатнинг бузилган манфаатларини ифода этади.

Демак, Англия ва АҚШдаги жиноят ишларини юритишда шахсларнинг етарли асосларсиз ҳибсга олиниши ва уларга нисбатан бошқа мажбурлов чораларини қўллашга йўл қўйилиши, асос сифатида шахси ошкор этилмаган полиция агентларининг маълумотларидан фойдаланилиши салбий ҳолатлар бўлса, ушбу босқичда тортишув принципи намоён бўлиши, жабрланувчининг жиноий таъқиб этиш ҳуқуқига эга эканлиги, шахсларга ҳеч бир чекловларсиз судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилганлигини ижобий ҳолатлар деб ҳисоблаймиз.

◄ Иқтибослар/Сноски/References

1. Калиновский К.Б. Основные виды уголовного судопроизводства: Учебное пособие. – Санкт-Петербург, 2002. –Б.39-60.
2. Уголовный процесс.Учебник. / Под общ. ред. В.И.Радченко. –М: Юстицинформ, 2003. –Б. 624.
3. Гуценко К.Ф., Головко Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. –М.: Зерцало-М, 2001. –Б.14-29; Волколуп О. Формы судебного разбирательства в уголовном судопроизводстве // Уголовное право. -2003. -№ 1. -Б.64-65.
4. Уголовный процесс. Учебник для вузов / Под ред. А.С.Кобликова. –М.: Норма-Инфра-М, 2000. –Б. 320-337.
5. Давид Р., Жоффе-Спинози К. Основные правовые системы современности. / Пер. с фр. В.А. Туманова. –М.: Спарк, 1997. –Б.42-48.

6. Апарова Т. В. Суды и судебный процесс Великобритании. Англия, Уэльс, Шотландия. –М.: Юристь, 1996. –Б.27-31.

7. Ишанханова Г. Знакомство с правовой системой Великобритании. // Адвокат. -2001. -№3/4 (8/9). –Б. 49-51.

8. Саитбаев Т.Р. АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тузилиши ва уларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ўзаро ҳамкорлиги.// Ҳуқуқ – Право –Law. -2002. -№2. –Б.49-50.

9. Гуценко К.Ф. Основы уголовного процесса США. –М., 1993. –Б.54; Николайчик В.М. Статика преступности в США: Комментарий к «Единому отчету о преступности» за 1996 г. – М., 1998. -56 б.

10. Саломов Б. Айбга иқрорлик виждон масаласидир. // Адвокат. -2006. -№4-5. –Б. 9.

11. Масалан, шундай қоида Калифорния штати Далиллар кодексининг 104-2-моддасида мустаҳкамланган.

Нурматов Зоиржон Позилжонович
Самостоятельный соискатель Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

ХАРАКТЕРИСТИКА ОБСТОЯТЕЛЬСТВ, ЗАТРУДНЯЮЩИХ РАСКРЫТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПРОШЛЫХ ЛЕТ

В статье раскрывается характеристика обстоятельств, затрудняющих раскрытие преступлений прошлых лет, на основе которого вносятся предложения и рекомендации по совершенствованию законодательства и правоприменительной практики.

Ключевые слова: преступления прошлых лет, досудебное производство, соблюдение законов, приостановление и возобновление предварительного следствия.

The article reveals the characteristics of the circumstances that make it difficult to solve crimes of the past years, on the basis of which suggestions and recommendations are made to improve legislation and law enforcement practice.

Keywords: crimes of the past years, pre-trial proceedings, compliance with laws, suspension and resumption of preliminary investigation.

Maqolada o'tgan yillardagi jinoyatlarning ochilishini qiyinlashtiradigan holatlarning tavsifi ochib berilgan, uning asosida Qonunchilik va huquqni qo'llash amaliyotini takomillashtirish bo'yicha takliflar va tavsiyalar berilgan.

Tayanch iboralar: o'tgan yillardagi jinoyatlar, sudgacha bo'lgan ishlar, qonunlarga rioya qilish, dastlabki tergovni to'xtatib turish va qayta tiklash.

Реформы являются двигателем динамичного развития общества и государства. В основу проводимых судебно-правовых реформ заложены такие конституционные принципы, как верховенство закона, приоритет прав и свобод человека, равенство граждан перед законом, гуманизм, справедливость и презумпция невиновности.

В целях повышения эффективности проводимых реформ, создания условий для обеспечения всестороннего и динамичного развития государства и общества во всех сфер жизни Указом Президента Республики Узбекистан утверждена Стратегия развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы[1]. Стратегически важная программа развития нового Узбекистана - обеспечение верховенства закона и дальнейшего реформирования судебно-правовой системы определена в Стратегии как одно из приоритетных направлений. Одним из важнейших направлений этого важного документа является демократизация судебно-правовой системы, обеспечение ее подлинной независимости и укрепление гарантий надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан.

В комплексе мер борьбы с преступностью важное место занимает раскрытие преступлений, уголовные дела по которым приостановлены производством, или, как их ещё называют, преступления прошлых лет.

Согласно ст. 364 УПК Республики Узбекистан предварительное следствие по уголовному делу может быть приостановлено по четырем основаниям:

– в случае неустановления лица, подлежащего привлечению к участию в деле в качестве обвиняемого;

– когда местопребывание обвиняемого неизвестно, т. е. он скрылся от органов следствия;

– в случае выезда обвиняемого за пределы Республики Узбекистан, если невозможно обеспечить его явку в следствен-

ные органы;

– если он заболел тяжелой и длительной, но излечимой болезнью, исключающей возможность его участия в производстве по делу.

При наличии одного из этих оснований следователь выносит мотивированное постановление о приостановлении предварительного следствия. Как видно, во втором, третьем и четвертом случаях лицо, совершившее преступление, установлено, в первом же – оно остается неизвестным, а преступление – нераскрытым. Такие преступления переходят в разряд «старых», а по истечении отчетного периода года учитываются как преступления прошлых лет.

Приостановление предварительного следствия, в свою очередь, не означает, что работа по раскрытию преступления должна быть прекращена. Уголовно-процессуальное законодательство обязывает следователей и оперативных работников после приостановления производства принять необходимые меры к установлению лица, совершившего преступление.

Проблема раскрытия преступлений, уголовные дела по которым приостановлены из-за неустановления лица, совершившего преступление, является одной из актуальных в сфере борьбы с преступностью. Наличие большого числа нераскрытых преступлений даже после осуществления по ним предварительного следствия свидетельствует не только об определенной профессиональной беспомощности следователей и оперативных работников, но и о том, что не обеспечивается реализация такого принципа, как неотвратимость уголовной ответственности. Несвоевременное установление преступников зачастую приводит к тяжелейшим последствиям. Практика знает немало примеров, когда отдельные лида, совершив преступление, остаются неразоблаченными. Уверовав в свою безнаказанность, они совершают серию других, еще более дерзких и опасных преступных актов, используя при этом все более квалифицированные способы для осуществления своих преступных замыслов и сокрытия следов.

На раскрытие преступлений, уголовные дела по которым приостановлены, оказывают влияние объективные и субъективные факторы.

К объективным факторам относятся такие, как несвоевременное обнаружение органами внутренних дел самих фактов совершения отдельных преступлений, поскольку информация об этом поступила к ним довольно поздно, уничтожение, исчезновение доказательств в силу определенных природных (погодных) условий, при которых было совершено преступление, недостаточно высокий уровень оперативно-криминалистических знаний и т. п. Важное значение имеет и такое обстоятельство, как преступный опыт лиц, совершающих преступления, квалифицированность мер, предпринимаемых ими для сокрытия преступления, его следов и своего участия в нем.

Существуют различные субъективные факторы, которые оказывают влияние на раскрытие преступлений прошлых лет.

К недостаткам в организации и тактике работы на первоначальном этапе можно отнести:

15. Тюменев А.В. О проблеме насилия в праве //Проблемы укрепления законности и борьбы с преступностью на региональном уровне. Уголовное право, криминология, уголовно-исполнительное право на рубеже XX-XXI веков: Мат. междунаро. научно-практ. конф. Ч. 2 / Под ред. Л.А. Соловьева.- М.: ВНИИ России; Смоленск: Юрид. ин-т МВД России, Смоленский филиал, 1999.- С. 39.

16. Сабиров Р.Д. Уголовно-пра¬вовая борьба с насильственными групповыми посягательствами: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Свердловск: УГУ, 1981; Сердюк Л.В. Психическое насилие как предмет уголовно-правовой оценки: Ав¬тореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - М. Университет, 1979; Федяев С.В. К проблеме психологического обеспечения уголовных наказаний // Уголовное наказание: правовая идеология, законотворчество и пенитенциарная практика: Материалы междунар. науч. – прак. конф. – Вологда: Вологод. юрид. ин-т Минюста России, 2013. - С. 19.

17. Бойцов Н.И. Понятие насильственного преступления // Крими¬нологические и уголовно-правовые проблемы борьбы с насильст¬венной преступностью. - Л.: ЛВПУ МВД, 1988. - С.134-149; Гаухман Л.Д. Наси¬лие как средство совершения преступлений. - М.ВНИИ МВД, 1974. - С.30; Кост¬ров Г.К. Уголовно-правовое значение угрозы: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - М.: Изд-во Московского ун-та, 1970.

18. Тюменев А.В. Понятие насилие (к постановке проблемы) // Проблемы уголовной ответственности и наказания: Сб. науч. тр. – Рязань: Ин-т права и экономики Минюста России, 2000. - С. 68.

19. Пионтковский А.А. Учение о преступлении. Часть Общая. - М.: Юридическая литература, 1961; - С. 137; Панов Н.И. Способ совершения преступления и уголовная ответственность. – Харьков: ВЮИ, 1982. - С. 35.

Курбанов Шерзод Мураткобилович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси

РЕЦИДИВ ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Туркистонда жиноят ҳуқуқи фани доирасида рецидив жиноят тушунчаси ўрганилмаган. Бу ҳудуд Россия томонидан босиб олингандан сўнг, унинг баъзи қисмларида Россия жиноят иш юритуви қўлланилган. Шу билан бирга, Россияда жиноят ҳуқуқи фани доирасида жиноятларнинг рецидиви концепцияси 1917 йил инқилобдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам ишлаб чиқилган[1]. Рецидив жиноят содир этиш хавфи ортиши ва рецидивистларни янада қаттиқроқ жазолаш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмалар РСФСРнинг 1919 йилдаги Жиноят қонуни бўйича раҳбарлик тамойилларида, РСФСРнинг 1922 йилдаги ЖКда, СССРнинг 1924 йилги Жиноят қонунчилиги асосий тамойилларида келтирилган[2], улар Ўзбекистон жиноий судловига ҳам тегишли эди. Бироқ, келажакда рецидивга етарлича эътибор берила бошлади. Шахсга сиғиниш шароитида рецидив жиноятларга қарши курашиш муаммолари амалда кўриб чиқилмаган. Ўша пайтда рецидив жиноятларга қарши қатъий ва реал курашни олиб бориш ўрнига мамлакатимизда жиноятнинг ушбу тури мавжуд эмаслиги ҳақидаги умумий гаплар билан алмаштириш тенденцияси мавжуд эди. Ушбу ёндашувни асослаб, баъзи тадқиқотчилар «илгари содир этилган жиноят учун формал судланганлик ёки бунинг учун жазони ўтаган пайтдан бошлаб ижтимоий хавф юқорироқ эканлигини белгилаш - бу субъектнинг ижтимоий хавфлилигини формал баҳолаш йўлига киришни англатади, бу эса Совет жиноят қонуни тамойилларига зид"[3], деб таъкидлаган эдилар.

Мамлакатимизда янги минг йилликнинг бошланиши шароитида кўплаб жиноят-ҳуқуқий институтлар ва алоҳида тушунчалар қайта кўриб чиқилмоқда, жиноят қонунчилиги сезиларли даражада ўзгармоқда, хусусан, рецидив жиноят қонунчилик таърифи ўзгармоқда.

30-йилларда Жиноят ҳуқуқининг асосий тамойилларидан рецидивист тушунчаси чиқариб ташланган эди. Бироқ юқоридагилар ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишга эътибор берилмаганлигини англатмайди. Масалан, 1926 йилдаги ЎзССР ЖКда илгари қасддан одам ўлдириш ёки баданга шикаст етказишда айбланган ва суд томонидан тайинланган ижтимоий ҳимоя чорасини ўтаган шахс томонидан қасддан одам ўлдириш учун жиноий жавобгарлик кучайтирилиши назарда тутилган эди (186-модда «г» банди). Шу ЖКга кўра, пора олиш учун муқаддам судланганликнинг мавжудлиги (149-модданинг «б» банди) жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топилган.

Рецидив жиноят ва унинг турлари концепцияси масаласи кўп йиллар давомида ҳуқуқ назариясида ишлаб чиқилмоқда, аммо ҳуқуқшунос тадқиқотчилар ўртасида бу тушунчани баҳолаш ва талқин қилишда ягона фикр мавжуд эмас. Такрорий жиноят содир этган шахсни рецидивист деб таснифлаш ва кўриб чиқилаётган ҳодисани рецидив деб айтиш имконини берадиган белгиларни танлаш бўйича аниқ таклифлар, сезиларли тафовутларга эга бўлиб, улар маълум даражада объектив хусусиятга эга, чунки «рецидив жиноятлар» тушунчаси турли фанлар вакиллари томонидан қўлланилади: жиноят ҳуқуқи, криминология, жиноят-ижроия ҳуқуқи. Шунга кўра, ҳуқуқий, криминологик, пенитенциар рецидивлар фарқланади.

Бундан ташқари, жиноят-ҳуқуқий рецидивни тан оладиган олимлар орасида ушбу ҳодисанинг муҳим белгилари бўйича якдиллик мавжуд эмас. Олимлар бир овоздан жиноий рецидив жиноят, шахс аввалги жинояти учун судланганидан кейин, лекин суд-

ланганлик муддати ўтиш муддати (агар судланганлик олиб ташланмаган бўлса) ичида такроран жиноят содир этган тақдирдагина содир бўлишини бир овоздан кўрсатиб, айни чоғда жиноятлар такрорланиши билан боғлиқ бўлган турли ҳолатларни баҳолашда турлича фикр юритишади[4].

Диссертация тадқиқотида «рецидивист» атамаси биз томонидан фақат криминологик жиҳатдан қўлланилади.

Шу билан бирга, ҳатто бир фан доирасида ҳам, рецидив таърифидаги фарқлар жуда жиддий. Шунинг учун рецидив жиноятларни тавсифлаш учун жиноят қонунида белгиланган ва турли муаллифлар томонидан таклиф қилинган белгиларни батафсил кўриб чиқиш керак. Айнан шу таҳлил биз қўйган муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Демак, ҳуқуқий рецидив тушунчасидан бошлаймиз.

Масалан, П.Ф. Гришанин рецидив ва рецидивистларни тавсифловчи ҳуқуқий белгилар сифатида қуйидагиларни ажратади: 1) айбдорнинг икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиши; 2) айбдор шахс такроран жиноят содир этгунга қадар ўтмишда содир этган жинояти учун судланганлиги; 3) айбдорнинг судлангандан олдин ва кейин содир этган жиноятлари қасддан содир этилганлиги.

Айрим назариётчилар - рецидив жиноят тадқиқотчилари, агар маҳкум ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг дарҳол такроран жиноят содир этган бўлса, унда кўрсатилган нуқтаи назарга кўра, у рецидивист деб эътироф этилмайди, аммо колонияда ўн кундан сўнг содир этган жинояти уни рецидивистга айлантиради деб ҳисоблашади[5].

Бунга қўшилиш қийин. Бизга В.И. Поповнинг шундай деб ёзган позицияси тўғрирок кўринади: «...муддатли жазонинг самарасизлигини суд томонидан белгиланган бутун муддат тугагунига қадар аниқлаб бўлмайди. Такрор содир этилган жиноятни рецидив жиноят деб топиш шарти сифатида жазони тўлиқ ўташ талаби эса, қонун ва рецидив жиноятчиликка қарши курашиш амалиётига зиддир"[6]. Шундай қилиб, жазони ўташ факти (яъни, маҳкумга нисбатан пенитенциар таъсири) эмас, балки унинг қилмишига давлат органи (суд) томонидан салбий баҳо бериш факти ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак.

Айтиш жоизки, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги ЖКга қадар Ўзбекистон ССРнинг аввалги кодексларида (1926 йилги Ўзбекистон ССР ЖКдан бошлаб) фақат ўта хавфли рецидивист ҳақида сўз борган эди. Шу билан бирга, ушбу даврда Ўзбекистон қонун чиқарувчиси (Ўзбекистон ССР ЖКнинг 231-моддасида) жиноят суд юритувининг ушбу шахси бўйича бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритди[7].

1995 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддаси 1-қисмида рецидив жиноятларга қонуний таъриф берилган: "Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади"[8].

Профессор М.Х. Рустамбаев қайд этишича: "Бу умумий ёки оддий рецидив жиноят бўлиб, икки белгига асосланади: қасддан янги жиноят содир этиш ва илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганликнинг мавжудлиги.

Айтиш керакки, бу белгилар рецидивнинг барча уч турига бир хилда тегишли. ЖКнинг 34-моддасида тасвирланган: оддий, хавфли ва ўта хавфли рецидивга"[9].

Қонунчилик талқинидан аввалбошдан рецидивнинг иккита асосий белгисини ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, бу шахс томонидан турли вақтларда икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиши; иккинчидан, аввал содир этган жинояти учун судланган бўлиши шарт. Бунда, шахс аввалги ҳукм бўйича жазони ўтагани ёки йўқлиги муҳим эмас. Жазони ўтаганлик факти фақат рецидивист озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган тақдирда жазони ижро этиш учун муассаса турини танлашда ҳисобга олинади.

Баъзи олимлар жиноятларнинг такрорланишининг юқоридаги белгиларидан бири - илгари содир этилган жиноятларнинг ва янги содир этилган жиноятлардаги қасд белгиси ҳақида баҳслашадилар[10]. Дарҳақиқат, қонун жиноят тушунчасини белгилаб, унинг

остида нафақат қасддан, балки эҳтиётсизлик натижасида содир этилган қилмишни тан олади. Демак, қонунга кўра, жамият қасддан содир этилган жиноят каби, эҳтиётсизликдан содир этилган қилмишдан жиноий ҳимояга муҳтожлиги кам эмас. Шунга асосланиб, Т. М. Кафаров рецидив жиноятда жиноятнинг албатта қасддан бўлиши тўғрисидаги тезис «эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятларга етарлича баҳо бермасликдан келиб чиқади» деб ҳисоблаган эди[10]. Аксинча, Ю.И. Шутовнинг таъкидлашича, «... рецидив – бу нафақат ҳуқуқий, балки социологик тушунча бўлиб, субъектнинг ортиб бораётган хавфини ифодалайди, шунинг учун рецидивни тан олиш учун фақат ўн саккиз ёшга тўлган шахс томонидан қасддан содир этилган жиноятларни эътиборга олиш керак, чунки айнан шу жиҳат, биринчи навбатда, хавфнинг ортишидан далолат беради"[11]. Худди шундай фикрни Ю.М. Ткачевский ҳам беради[12].

Бизнинг фикримизча, шахс ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ижтимоий хавфи ортиб бориши мумкин, чунки шахс эртароқ ёшида ҳам ўз ҳаракатлари ноқонунийлигини ва улар билан боғлиқ жиноий-ҳуқуқий оқибатларни англай олади. Бундан ташқари, таъбир жоиз бўлса, ҳаддан ортиқ имтиёзлар вояга етмаганлар жинояти даражасини ошириши мумкин. Биз томонидан 2016-2022 йилларда ўтказилган статистик тадқиқотнинг баъзи рақамларини келтириб ўтамиз. Рецидивистлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, 32% биринчи жиноятни роппа-роса 18 ёшида содир этган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 6-қисмида " Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди". Фаолияти ҳаёт ва соғлиққа қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган оғир рецидив жиноятлар содир этадиган шахсларга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган респондентлар ўртасида ўтказилган сўров, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 6-қисмида кўрсатилган ёшни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 17-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ёшга мослаштирилиш керак деб ҳисоблашимизга асос бўлди, яъни рецидив жиноятларда, 16 ёшга етмаганида содир этилган жиноятлар учун судланганликни ҳисобга олиш мумкин эмас.

Шунингдек, рецидив жиноятнинг муҳим ҳуқуқий белгиси - илгари содир этилган жиноят учун судланганлик мавжудлиги. Мажбурий юридик белги сифатида судланганлик инқилобдан аввалги рус юристлари томонидан ҳам тан олинган. Жумладан, Н.Д. Сергиевский 1910 йилда ёзган эди: «Рецидив – бу бир шахс томонидан биринчи марта судланганидан ва жазо олганидан сўнг иккинчи, учинчи ва кейинги марта жиноий қилмиш содир этишидир"[13]. Судланганлик жиноят-ҳуқуқий тушунчаси сифатида шахснинг жиноят содир этишда айбдор деб топилиши ва муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келган жазонинг у ёки бу турига ҳукм қилинишини билдиради.

М.А.Ефимов ва В.А.Шкурко[14] рецидив жиноят-ҳуқуқий ҳодиса сифатида, суд томонидан биринчи марта айбдор шахсга озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки жарима жазоси тайинланганидан қатъий назар, юзага келади, деб ҳисоблаган. Барча ҳолларда, сўз аллақачон жиноят қонуни таъсирига дучор бўлган, лекин яна жиноят содир этган шахс ҳақида боради, яъни у аллақачон давлат томонидан жазоланган, демак бу ҳолатдан сабоқ олиши керак эди. Эҳтимол, биринчи шундай таъсир натижасида у ғайриижтимоий муносабатдан абадий қутулиб, бошқа ҳеч қачон жиноят содир этмаслиги мумкин. Фақат бир неча марта кетма-кет жиноят содир этганликда айбдор бўлганлиги учун унга олдиндан ишончсизлик билдириш ва уни рецидивист деб ҳисоблаш адолатдан бўлмайди. Масалан, Б.С.Утевский рецидивни "айбдор шахс томонидан илгари судланганлиги ва жазони ўтаганлиги ёки ўтамаганлигидан қатъий назар, такроран жиноят содир этиши..." деб кўрган[15]. Бироқ, амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддаси 1-қисмида бе-

восита муқаддам судланганлик зарурлиги тўғрисида айтилган.

Демак, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасига мувофиқ рецидив жиноят белгиларини санаб ўтамиз.

Биринчи белги – олдинги ва кейинги жиноятларда қасднинг айб шакли, яъни рецидив жиноятлар эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятлар, ёхуд эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятларнинг қасддан содир этилган жиноятлар мажмуи сифатида шаклланмаслиги керак.

Иккинчи белги – илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганлик бўлиб, у маълумки, жиноятчининг судланганлиги ва унга нисбатан жазо тайинланлигининг маҳсулидир.

Учинчи белги – жиноятчининг олдинги ва кейинги жиноятларни содир этган пайтдаги ёши (Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддаси 6-қисми).

Ўзбекистон Республикасининг ЖК ҳамда 1991 йилдаги СССР ва республикаларнинг жиноят қонунчилиги асослари (СССР Олий Кенгашининг 1991 йил 2 июндаги 2281-1-сон қарори билан қабул қилинган) қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, 1991 йилги СССР ва Иттифоқ республикаларининг жиноят қонунчилигининг асослари рецидив жиноят тушунчаси билан бир қаторда, ўта хавфли рецидивист тушунчасини ва унинг асосий белгиларидан бири сифатида айбнинг қасд шаклини эътироф этиши шубҳасиз, олдинга ташланган қадам эди. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи: рецидивистларни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифлаш ғоясини тўлиқ амалга оширмади, чунки кўплаб олимларнинг хавфли рецидивни ажратиб кўрсатиш ҳақидаги таклифини эътиборсиз қолдирди; жиноятчини ўта хавфли рецидивист деб топиш ва суднинг мажбурияти бўлмаган, ихтиёрий ҳуқуқ бўлган асосни, шунингдек, шахсни ўта хавфли рецидивист деб тан олишда шахснинг ижтимоий хавфлилиги, содир этилган жиноятларнинг мотивлари, жиноий ниятларни амалга ошириш даражаси, жиноят содир этишда иштирок этиш даражаси ва хусусияти ва бошқа муҳим ҳолатларни ҳисобга олиш зарурлиги кўрсатишни четда қолдирган.

Шундай қилиб, СССР ва республикаларнинг 1991 йилдаги жиноий қонунчилигининг асослари, назария ва суд амалиёти томонидан ишлаб чиқилган ва СССР Олий суди Пленумининг 1963 йил 3 июлдаги «Шахсларни ўта хавфли рецидивист деб топиш бўйича суд амалиёти тўғрисида» ги 8-сонли, Пленумнинг 1970 йил 18 мартдаги 3-сонли қарори билан ўзгартиришлар киритилган қарорида шакллантирилиб, кейинчалик 1969 йил 11 июлдаги « СССР ва иттифоқ республикаларининг жиноят қонунчилиги асосларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонунида ўз аксини топган ғояни шунчаки эътиборсиз қолдирган[16]. Замонавий қонунчилик талқинида ушбу камчиликлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 2, 3-қисмларида мос равишда бартараф қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан қуйидаги қоидалар рецидив жиноятга нисбатан ғоятда муҳим ҳисобланади. Аввалги жиноят қонунчилигидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКда "ўта хавфли рецидивист" тушунчаси мавжуд эмас, фақат жиноятлар "рецидиви", "хавфли рецидиви" ва "ўта хавфли рецидиви" тушунчалари қўлланилган. Демак, Ўзбекистон Республикаси ЖКда аввалги ЖКнинг ўта хавфли шахс тўғрисидаги нормаси мавжуд эмас, худди шу каби унинг Махсус қисмида, Ўзбекистон ССР 1959 йилги ЖКнинг 231-моддасида (ўта хавфли рецидивист) назарда тутилгани каби, жиноятчи шахсининг алоҳида сифатлари учун жавобгарликни кучайтирувчи бирорта ҳам норма мавжуд эмас[17].

Ўзбекистон Республикаси ЖКда рецидив жиноятнинг турлари – хавфли ва ўта хавфли рецидив қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш назарда тутилмаган, шунингдек, қонун чиқарувчи томонидан ҳар қандай турдаги, шу жумладан, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, судланганликни тугаллаш ва олиб ташлаш масаласини ҳал қилиш, жиноятчи

шахсининг алоҳида фазилатларига боғлиқ эмас, балки, асосан, содир этилган жиноятлар хавфлилиги билан боғлиқ, унда, албатта шахсий хусусиятлар ҳам намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасида рецидивнинг асосий белгилари ва унинг турлари айтилади. Рецидив жиноят тушунчаси моҳиятини аниқроқ англаб етиш учун унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКда ифодаланган турдош тушунча жиноятлар мажмуи билан нисбатини аниқлаш зарур. Жиноят ҳуқуқи адабиётида ушбу тушунчалар билан ифодаланган ҳодисани одатда бир неча жиноятлар деб аталади.

Жиноятлар мажмуи ва рецидив ўртасидаги ўхшашлик шундан иборатки, ушбу ҳолатларнинг ҳар бирида бир шахс томонидан бир вақтнинг ўзида бир нечта жиноятлар содир этилиши ҳақида айтилади (жиноятларнинг идеал мажмуи бундан мустасно – Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси 2-қисми). Бошқа белгиларда жиноятлар мажмуи ва рецидив сезиларли даражада фарқланади, бунда жиноятлар мажмуи ва рецидив ўртасидаги фарқ янада аниқроқ кўринади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддасидан кўриниб турибдики, жиноятлар мажмуии учун "қуйидаги белгилар хосдир: шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиш; ЖКнинг Махсус қисмининг алоҳида моддалари бўйича квалификация қилинадиган жиноятларни содир этиш, яъни бир турдаги ёки алоҳида турдаги жиноятларни содир этиш; шахс содир этилган жиноятларнинг бирортаси учун судланмаган, яъни уларнинг барчаси камида биттасига ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилган"[18].

Жиноят ҳуқуқи назариясида бир неча жиноятларнинг бундай тури, одатда, жиноятларнинг реал мажмуи деб аталади[19]. Жиноят мажмуи рецидивдан фарқ қилади, биринчидан, рецидивни фақат турли вақтларда қасддан содир этилган жиноятларгина ташкил қилиши мумкин, жиноятлар мажмуи эса уларнинг ҳар қандай кетма-кетлигида ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик жиноятлари билан шаклланиши мумкин. Иккинчидан, рецидивнинг муҳим белгиси кейинги жиноят содир этиш вақтида олдинги жиноят учун судланганлик ҳолатининг мавжудлигидир. Жиноятлар мажмуи эса, аксинча, икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этишни назарда тутади, бунда шахс уларнинг ҳеч бири учун судланмаган бўлиши шарт. Жиноятлар мажмуи фақат битта жиноий-ҳуқуқий оқибатга эга – Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасида белгиланган жиноятчига ҳукм чиқаришнинг махсус тартиби.

Бир неча жиноятлар масаласини кўриб чиқар эканмиз, жиноятларни такроран содир этишни эслатиб ўтиш зарур. У содир этилган жиноий қилмишнинг квалификациясига сезиларли даражада таъсир қилади.

Жиноят қонунчилигида жиноятлар такроран содир этиш деганда «шахс томонидан турли вақтларда: ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддаси, агар бир хил таркибли жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутган бўлса; ЖК Махсус қисми моддасининг айнан бир қисми, агар ушбу модда турли таркибли жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган, икки ёки ундан ортиқ қасддан жиноят содир этиш тушунилади (масалан, ЖКнинг 228, 248, 273-моддалари).

Жиноят қонунида махсус белгиланган айрим ҳолларда, шунингдек, шахс томонидан ЖК Махсус қисми турли моддаларида (масалан, 118, 119, 211, 212-моддаларнинг иккинчи қисмлари, 213-модданинг учинчи қисми, 276-модданинг иккинчи қисми) назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ қасддан такроран жиноят содир этиш деб тан олинади" [20].

Шунингдек, "шахс белгиланган тартибда жиноий жавобгарликдан (ЖКнинг 64-68-моддалари) ёки жазодан (ЖКнинг 69-76-моддалари) озод қилинган бўлса, жиноятлар мажмуи ва такроран содир этиш мавжуд бўлмайди" деган қоидани ҳам таъкидлаш зарур" [21].

Назария ва қонунчилик учун анъанавий бўлган, рецидив жиноят учун жазога сазоворлик кучайтириш ғояси, уни олдини олишнинг радикал воситаси сифатида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖКда

ҳам ўзгармас бўлибгина қолмай, балки янада ривожланланган. Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасининг 2-қисмида рецидив жиноят учун мумкин бўлган энг юқори жазолар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 572-моддасида (Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш) айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак[22].

Рецидив жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий аҳамияти ҳақида гапирганда, шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси «н» бандига мувофиқ, у жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Демак, қонун чиқарувчининг таъкидлашича, ҳуқуқни қўлловчи жазо тайинлашда «Жиноят биринчи марта содир этилганми ёки айбдорнинг ҳаракатларида рецидив жиноят аломатлари борми?» деган саволни кўриб чиқиши керак. Бу жазони индивидуаллаштириш тамойилини амалга оширишнинг асосий нуқталаридан биридир. Ҳуқуқий хусусиятига кўра рецидив жиноят жазони оғирлаштирувчи ҳолат эканлиги асослилига шубҳа йўқ. Ушбу белгининг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси «н» бандида мавжудлиги шубҳасиздир.

Суд томонидан рецидив жиноятларни квалификация қилиш Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилган рецидив жиноятларга оид қуйидаги ҳуқуқий оқибатларга олиб келади: жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат деб топилади (Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддаси 1-қисми «н» банди); айбдорга нисбатан оғирроқ жазо қўллаш билан боғлиқ жазо тайинлашнинг алоҳида тартиби (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси); айбдор томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташнинг алоҳида қоидаларини назарда тутади (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми "в", "д" бандлари, 8-қисм "в" банди, 9-қисм "а" банди); Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига биноан суд жазони кучайтириши шарт.

Шу муносабат билан профессор М.Х. Рустамбаев таъкидлашича: "Умумий қисм нормаларида рецидив жиноятлар: ЖКнинг 56-моддаси 1-қисми "н" банди асосида жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жазо тайинлашда ҳисобга олиниши; ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлашнинг махсус тартибини тақозо этиши мумкин; жазони ижро этиш муддатлари ўташни тўхтатиб туриш учун асос бўлади (ЖКнинг 69-моддаси 2-қисми); ЖКнинг 72-моддасининг 7-қисмида назарда тутилган шартлар мавжуд бўлганда, шартли ҳукмни қўллашга тўсқинлик қилади; айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш учун тўсиқ бўлади (71-модданинг 1-қисми); жазони ўташдан шартли равишда озод қилишни қўллашда (ЖКнинг 73-моддаси) ва жазони енгилроқ жазо билан алмаштиришда (ЖКнинг 74-моддаси) жазони ҳақиқатда ўташ муддатини ошириш учун асос бўлади[23].

Шу билан бирга, ушбу муҳим масалани ҳал қилишда суднинг формал ёндашувини истисно қиладиган иккита жуда муҳим изоҳлар мавжуд.

Биринчи изоҳ рецидивда илгари содир этилган жиноятлар сони, характери ва ижтимоий хавфлилик даражаси, аввалги жазонинг тузатувчи таъсири етарли бўлмаганлигига сабабчи ҳолатлар ҳисобга олинади. Худди шу нарса янгидан содир этилган жиноятлар хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига ҳам тааллуқли (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси 1-қисми). Демак, унинг юқори чегараси ушбу шахс томонидан содир этилган жиноят учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисми моддасининг санкцияси билан белгиланади.

Иккинчи изоҳ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддаси 1-қисмида тузилган: суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам

камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин. Бу ерда кўп ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жазони максимал даражада индивидуаллаштириш ғоясини аниқ кўриш мумкин, шунда у рецидив факти учун қасосга айланмайди.

Рецидивнинг криминологик тушунчаси жиноят-ҳуқуқийдан кескин фарқ қилади. Бу ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методидаги фарқлар билан боғлиқ. Жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш назарияси ва амалиёти учун қуйидагиларни аниқлаш муҳим: а) шахсни жиноят содир этишга нима туртки бўлганлиги; б) жамият ва давлатнинг ушбу ҳаракатга муносабати адекват ва адолатли бўлганми; в) жазонинг самарали бўлганлиги; г) жазони ўтаб бўлгандан кейин қайта ижтимоийлаштириш тизими самарали эканлиги; д) шахс нима учун яна жиноят содир этганлиги; е) бундай ҳолат такрорланмаслиги учун қандай чоралар кўриш керак.

Криминологияда рецидивнинг бир нечта таърифлари мавжуд. Жумладан, А.Ф. Зелинский «рецидив – бу жиноятчи хусусияти ва судланганлиги мавжудлигидан қатъи назар, илгари судланган ёки ҳар қандай жиноят учун жамоатчилик таъсирига учраган шахс томонидан янги жиноят содир этиш» деб ҳисоблаган[24]. Шундай қилиб, у криминологик рецидивнинг қуйидаги белгиларини ажратади: шахс томонидан ушбу жиноят учун жавобгарлик туридан қатъи назар, жиноят содир этиши; айни шу шахс томонидан янги табиатдаги жиноят содир этиши; илгари судланганлиги ёки судланмаганлиги аҳамияти йўқ.

А.М. Ниедре криминологик рецидивни торроқ тушунади, унинг фикрича, у жиноят-ҳуқуқий рецидивни ҳам, жиноятларнинг реал мажмуини ҳам, шунингдек, шахснинг аввалги жинояти учун судланганлиги ўганидан кейин иккинчи марта жиноят содир этиши ҳолатларни ҳам ўз ичига олади, лекин бунда жиноятлар ўртасидаги боғлиқлик «жиноий интилишларнинг қатъийлигидан» далолат бериши шарт. Бунда, у бундай боғлиқликнинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш мумкин бўлган мезонларни айтмайди, «жиноий интилишлар қатъийлиги» нимани англатишини тушунтирмайди[25].

А.И.Урмонас криминологик рецидивнинг қуйидаги ҳуқуқий белгиларини айтади: биринчи (олдинги) жиноятни содир этиш факти, биринчи (олдинги) жиноят учун айблов ҳукмининг мавжудлиги, иккинчи (ёки кейинги) жиноятни содир этиш факти[26]. Сўнгги ўн йилликлардаги ўқув адабиётлари таҳлили ҳам криминологик рецидивни тушунишда бир хиллик йўқлигини кўрсатади.

Масалан, "Криминология. Умумий қисм" (1996) дарслиги миллий муаллифлари рецидивга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасида келтирилган ҳамда рус олимларининг юқорида қайд этилган ишларида тушунча билан ўхшаш шарҳ берадилар[27]. М.Усмоналиев, Й.Каракетов "Криминология" (2001) дарслигида илгари содир этилган қилмиши учун судланганликдан кейин, судланганлик олиб ташланмаган ёки ўтмаган бўлса, такроран жиноят содир этишни рецидивнинг муҳим белгилари сифатида қайд этган. Шахснинг илгари содир этган жинояти учун жазони ўтаганлиги ҳисобга олинмайди. Демак, муаллифлар криминологик рецидив тушунчасини жиноий ҳуқуқдаги "легал" рецидив тушунчасига теглаштиради[28]. Э.Х. Норбўтаев «Криминология» дарслигининг X бобида (2004) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасига мувофиқ рецидивист тушунчасини келтириб, криминологик рецидив тушунчаси "бир шахс томонидан унинг олдинги жиноий хатти-ҳаракати содир этилганидан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муносабат билдирганидан сўнг, кейинги жиноятларни содир этишнинг барча фактларини, шахс ушбу қилмишлари учун судланганми ёки йўқми, судланганлик олиб ташланганми, ўтганми ёки йўқми, қатъи назар, қамраб олади" деб ҳисоблайди[29]. Унинг ўзи рус тилида чоп этилган «Криминология» дарслигининг X бобида (2006), аввалги «Криминология» дарслигида (2004) кўрсатилган худди шу қоидаларни кўрсатиб ўтади[30].

Шунга ўхшаш тушунчалар Ўзбекистонда нашр этилган криминология бўйича бошқа дарсликларда ҳам берилган.

Н.Ф.Кузнецова рецидив остида «фактик» рецидив, судланганлиги мавжудлиги, олиб ташланиши ёки ўтганидан қатъи назар, барча ҳақиқатда такрорланган жиноятларни қамраб оладига рецидивни тушунади[31]. А.И.Долгованинг фикрича, криминологияда, агар илгари содир этилган жиноятлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига маълум бўлса ва муносабат билдириш объектига айланган бўлса, илгари жиноят содир этган шахслар томонидан содир этилган барча жиноятлар рецидив деб тушунилади[32]. Шундай қилиб, муаллиф криминологик рецидивнинг мавжудлигини учта омил билан боғлайди: жиноий фаолиятнинг ягона эмаслиги; улар ҳавида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билиши; қонунга асосланган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг муносабати мавжудлиги.

Демак, агар ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан жиноят факти тўғрисидаги хабарга ҳеч қандай муносабат билдирилмаган бўлса ёки коррупция, билимсизлик ёки бошқа сабабларга кўра бу фактлар эътиборсиз қолдирилган бўлса, рецидив бўлмайди. Бизнинг фикримизча, криминологик рецидив муаммосига бундай ёндашув нотўғри, чунки рецидив – бу ҳуқуқни қўлловчининг субъектив баҳоларига боғлиқ бўлмаган объектив мавжуд категориядир.

Фикримизча, рецидив жиноятга энг тўлиқ таърифни И.М.Гальперин берган: "Криминологик рецидив биринчи ва кейинги жиноятларни содир этганлиги учун судланганлигидан, жазони ўтаганидан, жиноятларни содир этиш даври ўртасида ўтган вақтдан, ва бошқа фактик ва юридик хусусиятга эга ҳолатлардан қатъи назар такроран ёки бир неча жиноятларни содир этишдан иборат" [33].

Шундай қилиб, криминологик рецидив деганда, бизнинг фикримизча, «жиноий жавобгарлик ёшига этган шахс томонидан содир этилган ҳар қандай такрорий жиноий фаолият» тушунилиши керак.

Криминологик рецидивнинг таърифини бергандан сўнг, рецидив жиноятчилик тушунчасига мурожаат қиламиз.

Афсуски, рецидив жиноятчиликнинг ҳуқуқий таърифи йўқ, бу нафақат назариётчилар, балки амалиётчилар томонидан ҳам қайд этилган; Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш бўйича Давлат дастури ва "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида (2014) ҳам бундай таъриф йўқ.

Мантиқий мулоҳаза юритиш орқали хулоса қилишимиз мумкинки, рецидив жиноятчилик деганда, жиноий қилмиш айбининг шаклидан, судланганлик муддати ўтгани ёки олиб ташланганидан қатъи назар, илгари жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилган шахслар томонидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муайян вақт давомида содир этилган барча жиноий ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

Рецидив мажмуи турли хил ва кўп қиррали ҳодисадир. У фақат ўзига хос қонунлар ва муносабатлар билан тавсифланади.

Криминологияда рецидивнинг қуйидаги турлари ажратилади:

1. Ижтимоий хавфлилик хусусиятига кўра: а) оддий; б) хавфли; в) ўта хавфли.

2. Жиноий фаолият мазмунига кўра: а) умумий; б) махсус.

3. Рецидивист шахсининг хусусиятларига кўра: а) аёллар рецидиви; б) вояга етмаганлар рецидиви.

4. Шахсни жазони ўташдан озод қилиш ва янги жиноят содир этиш ўртасидаги вақт оралиғига қараб:

а) вақт бўйича узоқ бўлмаган рецидив - озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган пайтдан бошлаб 3 йилгача;

б) вақт бўйича узоқ бўлган - озод қилинган пайтдан бошлаб 3 йилдан сўнг.

5. Бир шахс томонидан содир этилган жиноий қилмишлар сонига кўра:

а) такрорий рецидив; б) бир қанча рецидив жиноятлар.

Жиноят ҳуқуқининг предметига қуйидагилар киради:

жиноятни ўрганиш (тушунчаси ва белгилари);

жиноят таркибини ўрганиш (объект, объектив томон, субъект, субъектив томон);

жазони ўрганиш (мақсадлари, турлари, тайинлаш қоидалари); жиноят таркибларининг белгиларини ўрганиш.

Предметдан кўриниб турибдики, жиноят ҳуқуқининг мақсади жиноий қилмишларни тўғри квалификация қилиш, адолатли ва мутаносиб жазо тайинлаш учун фан предмети элементларининг асосий белгиларини аниқлашдан иборат.

Криминология фанининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ушбу юридик фаннинг методологияси ва вазифаларининг ўзига хослигини тақозо этади.

Бундан криминологиянинг ўзига хос хусусияти ва мақсадлари – жиноятчиликнинг айрим турларини келтириб чиқарадиган сабаблар ва шарт-шароитларни зарарсизлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, айрим олимларнинг жиноят ҳуқуқи ва криминология томонидан рецидив жиноятни ягона тушуниш зарурати ҳақидаги баёнотлари илмий асосланган негизга эга эмас.

Криминологияни мустақил фан сифатида эътироф этиш криминологиянинг методологик муаммоларини ишлаб чиқишда асосий йўналишларидан бири сифатида тадқиқот предмети ва мақсадларига адекват бўлган ўзининг концептуал аппаратини шакллантиришни тақозо этади. Бизнинг фикримизча, шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб содир этиладиган рецидив жиноятчиликнинг қонуний таърифи, уни касбий ва уюшган жиноятчиликдан аниқ ажратиб кўрсатиш зарурияти мавжуд. Бу жамият ва давлатчилик хавфсизлигига ҳақиқий таҳдиддир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг "Рецидив жиноятчиликни олдини олиш тўғрисида"ги қонунини ишлаб чиқиш зарур кўринади. Унинг асосий қоидалари қуйидаги бўлимлар бўлиши мумкин: рецидив жиноятчилик тушунчаси; рецидив жиноятчилик хусусиятлари; жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича республика чора-тадбирлари; (вилоят, туман, шаҳар, маҳалла) миқёсида ҳал этиладиган рецидив жиноятчиликка қарши курашиш масалалари; рецидив жиноятчиликни олдини олиш субъектлари.

Рецидив жиноят тушунчасини ҳуқуқий шакллантириш ва тушуниш аниқланган муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги биринчи ва жуда муҳим қадамдир.

Кейинчалик, рецидив жиноятлар учун жиноий жавобгарликни ошириш шартларини кўриб чиқамиз.

◄ Иқтибослар/Сноски/References

1. Таганцев Н.С. Повторение преступлений. - СПб.: Университет, 1867. - С. 234; Сергиевский Н.Д. Наказание в русском праве 17 века. - СПб.: Университет, 1987. - С. 211.
2. Познышев С.В. Учебник уголовного права. Общая часть. - М.: МГУ, 1923. - С. 185.
3. Энциклопедия государства и права. Т. 3. - М.: МГУ, 1930. - С. 540.
4. Шаргородский М.Д. Наказание по советскому уголовному праву. - М.: Гсюриздат, 1958; - С. 41; Яковлев А.М. Борьба с рецидивной преступностью. - М.: Юридическая литература, 1964. - С. 10.
5. Шаргородский М.Д. Кўрсат. асарда. - С. 43; Яковлев А.М. Кўрсат. асарда. - С. 8-9; и др.
6. Попов В.И. Возникновение и развитие понятия рецидива преступлений по русскому дореволюционному уголовному праву // Труды Киевской ВШ МВД СССР. Вып. 5. - Киев. 1971. - С. 149.
7. Закон УзССР от 30 мая 1961 г. //Ведомости Верховного Совета Уз ССР, 1961 г., №16; Указами Президиума Верховного Совета УзССР от: 28 июня, 1961 г., №19; 29 января 1970 г.; 28 мая 1973 г,; 27 сентября 1974 г.; 30 июня 1980 г.; 1 октября 1982 г.; 1 марта 1988 г. - Ведомости Верховного Совета Уз ССР, 1961 г. 16, ст.2; 1970 г., №4, ст. 24; 1973 г., №16, ст. 219; 1974 г., №27, ст. 324; и др.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 05.05.2008 йилдаги 13-сон Қарори 16,17 бандлари // https://lex.uz/docs/1600001.

9. Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Том 1. Общая часть: Учение о преступлении. Учебник для ВУЗов. 2-издание, дополненное и переработанное. – Т.: Военно-технический институт Национальной гвардии Республики Узбекистан, 2018. – С. 399.
10. Кафаров Т.М. Проблема рецидива в советском уголовном праве. – Баку: БГУ, 1972. - С. 26.
11. Шутов Ю.И. Рецидивная преступность и меры борьбы с ней по советскому уголовному праву: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - М.: Университет, 1971- С.16-17.
12. Ткачевский Ю.М. Освобождение от отбывания наказания. - М.: Юридическая литература, 1970. - С. 37–44.
13. Сергиевский Н.Д. Русское уголовное право: Пособие к лекции. - СПб., 1911. - С. 217.
14. Ефимов М.А., Шкурко В.А. Рецидивная преступность и ее предупреждение. - Минск, 1977. - С. 119.
15. Утевский Б.С. Преступность и рецидив // Современная преступность (преступление, пол, репрессия, рецидив). - М.: МГУ, 1927.- С. 32.
16. Ведомости Верховного Суда СССР. – Москва, 1969. - № 29. - С. 249.
17. Уголовный кодекс Узбекской ССР. – Т.: Издательство «Узбекистан», 1977. – С.22-25.
18. Рустамбаев М.Х. Кўрсат. асарда. – С. 391.
19. Рустамбаев М.Х. Кўрсат. асарда. – С. 392; Уголовное право. Общая часть. Учебник. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2005. – С. 000; Уголовное право России. Общая часть: Учебник / Отв. ред. докт. юрид. наук Б. В. Здравомыслов. - М.: Юрист, 1996. - С. 293.
20. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 05.05.2008 йилдаги 13-сон Қарори 2 банди // https://lex.uz/docs/1600001.
21. Ўша жойда. 3 банд
22. 572- модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февраль ЎРҚ-675-сон қонуни билан киритилган // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон.
23. Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть. /М.Х. Рустамбаев. - Т.: ИПТД «O,qituvchi». 2004. – С. 307.
24. Зелинский Д.Ф. Рецидив преступлений (структура, связи, прогнозирование): Автореф. ... дисс. ... докт. юрид. наук. - М.: МВШМ МВД, 1978.
25. Ниедре А.М. Рецидив как криминологическое понятие. – Киев: КГУ, 1967. - С. 34.
26. Урмонас А.И. О понятии рецидива преступлений // Сборник научных работ. – Вильнюс: ВГУ, 1975. Вып. 5. - С. 171–177.
27. Зарипов З.С, Исмоилов И. Криминология. Умумий қиҚаранг. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – С. 124.
28. Усмоналиев М., Каракетов Й. Криминология: Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2001. - С. 167-168.
29. Криминология: Дарслик /З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ.; проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. - Б. 203-204.
30. Криминология: Учебник /З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов и др. Под ред. доктора юрид. наук, проф. З.С. Зарипова. – Т.: Академия МВД Республикаси Узбекистан, 2006. – С401-402. 204.
31. Кузнецова Н.Ф. Криминология: Учебное пособие. - М.: Юридическая литература, 1966. - С. 90.
32. Долгова А. И. Криминология. - М.: Криминологическая Ассоциация, 1997. - С. 727.
33. Гальперин И.М. Об уголовной ответственности рецидивистов в свете некоторых криминологических показателей эффективности борьбы с рецидивной преступностью // Эффективность уголовно-правовых мер борьбы с преступностью / Под ред. Б. С. Никифорова. - М., 1968. – С. 58.

Садирдин Бойдедаев,
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ДЕТЕРМИНАНТАЛАРИ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Мақолада муаллиф жамиятда коррупция жиноятчилигини келиб чиқишинг детерминанталарини криминологик тавсифини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилади. Айни дамда, коррупция жиноятчилигининг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳадаги сабаблари ва шартлари ҳақида сўз юритади. Бундан ташқари, мақолада тадқиқотчи ва олимларнинг коррупция ходисаси детерминанталарига оид айрим фикр ва мулоҳазалари кўриб чиқилган. Коррупцияга қарши курашиш учун тизимли чоралар кўриш юзасидан қонунчиликка киритилаётган ўзгаришлар хусусида фикр юритилиб, тегишли хулоса ва таклиялар берилган.

Калит сўзлар. Коррупция, коррупцияга қарши қонунчилик, коррупциявий қилмиш сабаблари, шарт-шароитлари, коррупция детерминанталари.

В статье автором с научной, теоретической и практической точек зрения представлен анализ криминологической характеристики детерминант возникновения коррупционной преступности в обществе. В частности, рассмотрены причины и условия совершения коррупционных преступлений в социальной, экономической и правовой сферах. Кроме того, в статье рассмотрены некоторые мнения и комментарии исследователей и ученых относительно детерминант феномена коррупции. Обсуждены вносимые в законодательство в целях принятия системных мер по борьбе с коррупцией изменения, представлены соответствующие выводы и выводы.

Ключевые слова. Коррупция, антикоррупционное законодательство, причины, условия, детерминанты коррупции.

In the article, the author presents an analysis of the criminological characteristics of the determinants of the emergence of corruption crime in society from a scientific, theoretical and practical point of view. In particular, the reasons and conditions for committing corruption crimes in the social, economic and legal spheres are considered. In addition, the article considers some opinions and comments of researchers and scientists regarding the determinants of the phenomenon of corruption. The changes introduced into the legislation in order to take systemic measures to combat corruption were discussed, and the relevant conclusions and conclusions were presented.

Keywords. Corruption, anti-corruption legislation, causes, conditions, determinants of corruption.

Ҳар қандай ижтимоий-салбий ҳодисани ёки жиноятчиликни, шу жумладан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашда мазкур иллатни вужудга келтирувчи сабаблар ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқлаш муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки айнан ушбу ижтимоий-салбий ҳодисани вужудга келтирувчи сабаблар ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни ўрганиш ва аниқлаш орқа¬лигина коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш имконияти вужудга келади. Коррупция ва уни вужудга келтирувчи муаммолар ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд [1]. Бир томондан, бу муаммолар коррупцияни кучайтиради, уларни ечиш эса коррупция даражасини пасайтиришга кўмаклашиши мумкин, бошқа томондан, коррупция кенг тарқалгани ўтиш даври муаммоларини кескинлаштиради, уларни ечишга халақит беради. Бундан хулоса шуки, биринчидан, коррупцияни фақат уни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларни ечиш йўли билан камайтириш ва чеклаш мумкин; иккинчидан, бу муаммоларни ечишга коррупцияга қарши барча йўналишларда қатъий ва муросасиз кураш олиб бориш кўмаклашади.

Коррупция - илдизлари давлат хизматини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига хос психологиясига бориб тақаладиган ижтимоий ҳодисадир. Бу коррупцияга қарши аввало, маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари кўриш зарурлигини белгилаб беради. Коррупцияга йўл очадиган омиллар сирасига ҳокимият органлари тизимининг мураккаблиги, буйруқбозлик таомиллари¬нинг кўплиги, давлат ҳокимияти органлари аппаратининг фаолияти устидан ташқи ва ички назоратнинг йўқлиги каби ҳолатларни киритиш мумкин. Ташкилий тушунмовчиликларни фуқароларнинг коррупцион хулқ-атворини рағбатлантиришдан фарқлаш баъзан жуда қийин кечади. Тақиқлар, рухсат бериш таомиллари сонининг ҳаддан ташқари кўплиги, давлат ҳокимияти органлари фаолиятига жалб қилинган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизми ва ҳуқуқий асосларининг йўқлиги ҳам коррупцияга йўл очади. Зотан, тарихий тажриба ва ҳозирги амалиёт, шу жумладан баъзи янги мустақил давлатлар амалиёти коррупция ва жиноятчилик хавфсизликка қанчалик таҳдид солишини аниқ тасаввур этиш имконини беради.

Бизнингча криминологиянинг асосий қоидаларига таяниб, коррупцияни вужудга келтирувчи муаммоларни шартли равишда умумий ва хусусийга ажратиш мумкин.

Нафақат Ўзбекистонда, балки марказлашган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошдан кечираётган аксарият мамлакатларга хос бўлган муаммолар умумий муаммолар қаторига киради. Мана, уларнинг айримлари:

1. Демократик сиёсий анъаналар ҳали чуқур илдиз отмагани.

2. Фуқаролик жамиятининг заифлиги, жамият ҳокимиятдан ажралиб қолгани. Демократик жамият ўз муаммоларини фақат фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ечишга қодир. Модернизация жараёнининг дастлабки босқичларига хос бўлган фуқаролар ижтимоий-иқтисодий аҳволининг ёмонлашуви жамият ҳокимиятдан узоқлашишига, ҳокимиятнинг эса ажралиб қолишига олиб келади. Ваҳоланки, жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракатларисиз қуйи даражадаги коррупцияни ҳам, юқори даражадаги коррупцияни ҳам енгиш мумкин эмас.

3. Ҳокимият институтларининг самарали эмаслиги. Тоталитар режимлар жуда катта давлат аппаратини вужудга келти¬ради. Бу ерда аввало ижро этувчи ҳокимият назарда тутилмоқда. Бюрократик тузилмалар жуда чидамли бўлиб, ҳар қандай бўҳронларга бардош беради, бунда ислоҳотлар қанча фаол амалга оширилса, бюрократик аппарат ўзини сақлаб қолишга шунча кўп куч-ғайрат сарфлайди. Пировардида ҳаёт шитоб билан ўзгаради, бюрократик институтлар ва, бинобарин, бошқарув тизими бу ўзгаришлардан орқада қолади. Бу ўринда Қ.Р. Абдурасулова "Қонунга мувофиқ, давлатнинг равнақи ва фаровонлигини таъминлашдек оғир юк бюрократиянинг елкасига тушиши, бюрократия фуқаронинг маънавият ва хулқ-атворига катта таъсир кўрсатиши аниқланган" деганида, мутлақо ҳақ эди [2]. Е.О.Алауханов ҳамда Д.Е.Турсынбаев ҳам бу борада ўхшаш фикр билдиради [3].

4. Қонунчилик лозим даражада ривожланмагани ва унинг номукаммаллиги. Ислоҳотлар жараёнида иқтисодиётнинг туб негизлари ва иқтисодий амалиётнинг янгиланиши уларни қонун йўли билан таъминлашга қараганда анча илдамроқ кечади. Айни шу ҳол ўтиш даврининг белгиларидан бири ҳисобланади ва коррупцияга қулай замин яратади.

Қонунчилик лозим даражада ривожланмагани қонунлар сифатининг пастлигида, ҳуқуқ тизимининг номукаммаллигида, қонун ижодкорлиги тартиб-таомилларининг ноаниқлигида намоён бўлади.

5. Иқтисодий таназзул ва сиёсий беқарорлик. Аҳолининг қашшоқлашуви, давлат ўз хизматчиларига муносиб маошни таъминлашга қодир эмаслиги аҳолини ҳам, давлат хизмати ходимларини ҳам қуйи даражада коррупциянинг авж олишига олиб келувчи қонунбузарликларга қўл уришига туртки беради. Бу шўро давридан қолган "сен – менга, мен – сенга" деган зарарли қо-

ида билан қувватланади.

Давлатдаги сиёсий беқарорлик турли даражадаги, айниқса олий мартабали амалдорлар ўртасида эртанги кунга ишончсизлик ҳисси кучайишига сабаб бўлади. Бундай шароитларда ўзини ўзи сақлаш учун бирон-бир кафолатларга эга бўлмаган амалдорлар коррупция домига осонроқ илинади. Коррупциянинг хусусий муаммолари илдизлари билан шўро даврига бориб тақаладиган муаммоларнинг давоми ҳисобланади. Уларнинг айримлари ўтиш даври шароитлари таъсирида кескинлашган:

1. Суд тизими самарадорлик даражасининг пастлиги.

2. Аҳоли ҳуқуқий онгининг ривожланмагани.

3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг вакиллари фақат "давлат манфаатлари" ва "жамоат мулки"ни муҳофаза қилишга одатлангани.

4. Амалдорлар қонунга эмас, балки йўриқномалар ва бошлиққа бўйсунишга одатлангани.

Жиноятчилик, шу жумладан коррупция муаммосига доир махсус криминологик адабиётлар таҳлили коррупцияни ўзининг табиий маҳсули сифатида белгиловчи сабаблар ва шарт-шароитлар (омиллар)нинг айрим гуруҳларини қайд этиш имконини беради. Ижтимоий ҳаёт мазмуни ёки соҳаларига кўра бундай омиллар қаторига ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, тарбиявий, мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа сабаблар ва шарт-шароитлар киради [3].

Коррупцияни белгиловчи ҳуқуқий омиллар қаторига акса¬рият мутахассислар айрим фаолият соҳалари ҳуқуқий жиҳатдан лозим даражада тартибга солинмаганини ва амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд камчиликларни киритадилар. Уларнинг орасида қуйидаги камчиликлар айниқса кўп қайд этилади:

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг хизмат ваколатлари лозим даражада тартибга солинмагани;

- коррупциянинг муайян кўринишлари учун жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари лозим даражада самарали эмаслиги;

- коррупцияга, шу жумладан сиёсий тусдаги коррупцияга қарши курашга қаратилган комплекс ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги;

- муайян сиёсат субъектлари – давлат ҳокимияти вакиллари ва бу лавозимларга номзодларга жиноий таъқибдан иммунитет ҳуқуқи берилганлиги, зеро жавобгарликдан ҳар қандай тарзда озод қилиш мавжуд хулқ-атвор нормалари бузилишига сабаб бўлади ва коррупция жиноятчилигига қарши курашнинг мақсади – ҳар бир жиноят учун ва ҳар қандай шахсга, унинг сиёсий мақомидан қатъи назар, жиноят қонуни қўлланилишининг муқаррарлигига зиддир.

Дарҳақиқат, бу борада қонунчилигимиз маълум ўзгаришларга муҳтож. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлдаги Қонун билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилди [4]. Конвенциянинг 15-моддасида «Миллий оммавий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш» деб номланган норма мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир иштирокчи давлат ўз жиноят қонунчилигида оммавий мансабдор шахсга шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида, бирон ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш учун жавобгарлик белгилаши лозимлиги қайд этилган. Ўзбекистан Республикаси жиноят қонунида эса, фақат порани тақдим қилиш тўғридан-тўғри жиноят сифатида баҳоланган [5].

Шунингдек, амалдаги Жиноят кодексининг 210-моддасида мансабдор шахсининг моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бунда, мансабдор шахснинг фақат ўзи учунгина моддий манфаат олиши 210-модда диспозицияси билан қамраб олинганлигини кўришимиз мумкин.

Ваҳоланки, коррупцияга доир халқаро ҳужжатларда муайян ҳаракатларни "шахсий манфаатлар" билан бир қаторда "ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб" бажариш ҳам назарда тутилган [6].

Коррупцияни белгиловчи ташкилий-бошқарув омиллари гуруҳи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- вакант олий давлат лавозимларини банд этишга танловлар сони кўп эмаслиги, профессионал хизматчилар ва сиёсий белгига кўра тайинланадиган амалдорлар тизимининг мавжудлиги;

- сиёсат субъектлари устидан самарали молиявий ва ўзга назорат мавжуд эмаслиги;

- давлат хизматининг беқарорлиги;

- давлат ҳокимияти органларида тегишли лавозимни банд этиш учун сайлов ёки танлов ўтказиш жараёнида молиявий назоратни амалга оширувчи махсус мустақил хизматлар мавжуд эмаслиги;

- коррупцияга қарши курашда давлат органлари фаолия¬тининг самарали эмаслиги;

- давлат ҳокимияти органларининг вакиллари ва бу лавозимларга номзодларнинг фаолияти ва сиёсий муносабатлар соҳаси устидан давлат ва жамият томонидан ижтимоий назорат шакллари мавжуд эмаслиги.

Ўзбекистонда мансабдорлик жиноятлари борасидаги, афсуски, салбий натижалар, назаримизда, кўп жиҳатдан сўнгги йиллар ичида давлат аппарати ва давлат муассасалари ходимлари ишидаги жиддий камчиликлар ва лоқайдлик, билимсизлик ва тор идоравий манфаатларни ҳимоялаш каби муаммолар билан ҳам изоҳланиши мумкин. Жумладан, Давлатимиз раҳбари ҳам 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақида қуйидагиларни қайд этиб ўтган эди: "...давлат бошқаруви идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш талаб қилинади, ... вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш ҳаддан ташқари марказлашган, вазифалари аниқ ва тўлиқ белгиланмагани сабабли фаолиятларида бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжуд. Кўпчилик вазир ўринбосарлари, ўрта бўғин раҳбарлари масалани ҳал қилиш учун ташаббус кўрсата олмайди. Бунинг сабаби нимада? Уларнинг ё билими, малакаси йўқ, ё қатъияти етмайди, ёки коррупцияга берилган.... ходимлар сонини ва иш жараёнларини оптималлаштириш чоралари кўрилмаяпти" [7].

РФ Фанлар Академияси аъзоси Р.С. Гринберг қайд этганидек, "ҳаётимизни бюрократлаштириш ва бюрократик зулм юз бермоқда. Ачинарлиси, ёшлар муваффақиятга эришмоқчи бўлиш учун, энг яхшиси – бу давлат ишига кириш, амалдор бўлиш шарт, деган ақидага эга. Бу даҳшатли, аммо афсуски, чин маънодаги ҳақиқатдир" [8]. Бундай шароитда бюрократия ва амалдорлар давлат ва хўжалик юритувчи субъектларда аста-секин ҳукмрон синфга ва ҳокимиятнинг ижтимоий таянчига, "бошқариладиган демократия" концепциясини амалга ошириш воситасига айланиб боради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, коррупциявий ҳулқ-атворга мойиллигини белгилайдиган муҳим омиллар сифатида шахснинг ижтимоий-демографик хусусиятлари ва иқтисодий аҳволи ҳисобланади [6]. Иқтисодий вазият мақтагулик даражада эмаслиги, камбағал ва ночор тоифадаги аҳоли ичидан юзага чиқишни фуқаролар давлат ишига киришда кўришади. Бугунги кунда аксарият фуқаролар давлат хизматига киришни исташади, олийгоҳлар битирувчилари турли йўллар билан давлат аппаратига киришга интилишади, бу эса давлат механизми эҳтиёжларидан ортиқ бўлиб, натижада ходимлар ҳаддан ташқари кўпайишига ва бошқарувнинг сифати ёмонлашишига олиб келади. Афсуски, катта ҳаёт бўсағасида турган ёш мутахассислар ишни асосан давлат аппаратида, давлат муассасаларида ёки давлат корпорацияларида, ҳокимликларда, шунингдек прокуратура, божхона, солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи бошқа коррупциоген муҳит юқори бўлган органларда ишлашни исташади.

Дарҳақиқат, давлат хизматига киришда номзодлар кўпинча давлатга фойда бериш эмас, оддийгина инсоний ва эгоистик истаклар устунлик қилади: юқори иш ҳақи, ижтимоий кафолатлар, нуфуз, барқарорлик, яхшигина пенсия, шаҳарда қолиб ишлаш,

энг асосийси эса, айрим нопок йўллар билан тезда бойлик орттириш истаги. Халқ хўжалигига фойда келтириш, олис ҳудудларни ривожлантириш, соҳа ва тармоқларда ўзини кўрсатиш, муқаддас Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш – бу ҳақида, қоида тариқасида, бир оғиз сўз айтилмайди. Афсуски, жамиятда шахснинг ижтимоийлашуви, оилада бойлик орттиришга урғу беришга оид тарбия қайғули оқибатлари шундай бўлмоқда.

Шундай қилиб, узоқ тарих давомида жамиятимиз менталитетига хос бўлган коррупциявий ҳулқ-атвор унсурлари замонавий либерал иқтисодиёт ва фуқаролик жамиятида давлат ва ижтимоий тараққиётга жиддий ҳавф туғдирмоқда. Коррупция ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига кириб, давлат ва жамият, айниқса ёш авлод онгида ҳавфли ақидалар, қарашлар сингишига сабабчи бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида ижтимоий гуруҳлар, жамият институтлари ўртасида зиддиятлар пайдо бўлиб, коррупция ҳодисалари ортиши, нопок бойлик орттириш, иқтисодий ҳалол рақобат йўққа чиқиши, жамиятда адолатсизлик, қонун ва ҳуқуқ институтларига ишончсизлик, нопок орттирилган бойлик ортидан аҳлоқсизлик ва маънавий бузуқлик юзага келади. Асосийси, жамиятда кескин қарама-қаршилик кайфиятлари урчиб, охир-оқибат жиддий ижтимоий портлашлар ва фожиалар содир бўлиши эҳтимоли ошиб кетади. Бу ўз навбатида, давлат имиджига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар тормозланишига олиб келади. Коррупцияни белгиловчи мафкуравий ва тарбиявий омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- коррупцияга қарши қисқа муддатли кампанияларнинг ўтказилиши, зеро улар аксарият ҳолларда сиёсий мақсадларни кўзлаб ўтказилади ва бу мақсадларга эришиш усулларидан бири ҳисобланади, чунки ўз олдига қўйилган сиёсий мақсадларга (тегишли лавозимни эгаллаш ёки уни ўзида сақлаб қолиш) эришган шахслар шундан кейин кўпинча мазкур ижтимоий ҳодисага қарши курашнинг самарадорлигини ошириш хусусида берган ваъдаларини унутадилар;

- фуқаролик жамияти сиёсий маданиятининг шаклланмаганлиги. Бу аввало сайлов жараёнида акс этади: сайловчиларнинг бир қисми ўз овозларини оз миқдордаги пул суммалари ёки моддий қимматликлар эвазига берадилар;

- таълим тизимида ёш авлодни коррупцияга қарши руҳда тарбиялаш мавжуд эмаслиги ёки яхши йўлга қўйилмагани;

- оммавий ахборот воситалари аҳолини коррупцияга қарши руҳда тарбиялаш борасида лозим даражада иш олиб бормаётгани.

Коррупциянинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: давлат мулкини хусусийлаштириш ҳамма жойда коррупциянинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади; бюджет маблағларини тақсимлаш соҳаси – коррупционерлар учун яна бир қулай замин; эксклюзив ҳуқуқлар бериш (имтиёзлар, шу жумладан экспорт ва импорт, солиқлар бўйича имтиёзлар бериш, лицензиялаш ва ш.к.) ҳам коррупцияга кенг йўл очади; амалдорларнинг тижорат банклари билан ҳамкорлиги; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва иқтисодий жиноятчиликнинг бирикиши ва коррупцияга қарши курашга жиддий тўсқинлик қилувчи муҳитни яратиши.

Қуйи даражадаги коррупция учун шарт-шароитлар. Қуйи даражадаги коррупция ундан пора олувчигина эмас, балки пора берувчи ҳам фойда кўриши билан ажралиб туради. Пора муайян маиший муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашади, шунингдек у айрим майда қонунбузарликлар, кўрсатмаларни бузиш имконияти учун тўланадиган ҳақ бўлиб хизмат қилади.

Қуйи даражадаги коррупция оддий фуқаро давлатга муро¬жаат этиш зарурияти билан тўқнаш келувчи ёки аксинча, давлат фуқарони ташвишга солиш лозим деб ҳисобловчи барча соҳалар¬га кириб боради. Булар: турар жой-коммунал хўжалик соҳаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, аввало ички ишлар органлари, солиқ ва бож йиғимлари, ҳарбий хизматга чақирув ва ҳ.к.

Коррупциянинг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари. Жамиятдаги криминал-

лашув жараёнлари кишилар руҳиятига салбий таъсир кўрсатади, уларнинг ҳуқуқий онги бузилишига сабаб бўлади. У бир-бирини истисно этувчи икки жиҳат – ҳуқуққа ижобий ва салбий муносабатларнинг чатишуви билан тавсифланади. Айни бир субъектлар онгида бундай тенденцияларнинг мавжудлиги аҳолининг турли гуруҳлари қадриятларга муносабатда тўғри мўлжалларни йўқотганидан далолат беради. Ҳуқуқий нигилизм – ҳуқуққа салбий муносабат, унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилиш имкониятига ишончсизлик кучайиб боради.

Жамиятда мавжуд бўлган маънавий-психологик муҳит ҳокимият органларидаги коррупция даражасига, ҳеч шубҳасиз, жиддий таъсир кўрсатади. Аксарият амалдорлар ўзларини коррупцион қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ўртасида йўл танлашга мажбур этадиган ҳолатларга эртами, кечми – албатта дуч келадилар. Бундай ҳолатларга фуқаролар билан бевосита алоқада иш олиб борувчи қуйи ва ўрта бўғин амалдорлари айниқса кўп дуч келадилар (турли лицензиялар, рухсатномалар, маълумотномалар беришда ва ш.к.). Бундай ҳолатларнинг пайдо бўлиши юқорида зикр этилган коррупцияни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларга ҳам, ижтимоий-психологик омилларга ҳам боғлиқдир. Уларнинг табиатини тушуниш коррупцияга қарши курашиш учун нима қилиш кераклигини аниқлашни осонлаштиради. Индивидуал даражада коррупционерларга хос бўлган қуйидаги белгиларни қайд этиш мумкин: гапга усталик ва тили аччиқлик; зимдан иш кўришга мойиллик; пулга ўчлик ва давлат манфаатларини (ва ўзга манфаатларни) пулга сотишга тайёрлик; ўз ҳаловатини сақлашга интилиш (бунга эришиш учун юқори турувчи мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш); эртани ўйламасдан яшаш; юқори мартабали шахслар билан дўстона алоқаларга эгалик ва бундай алоқаларни ўрнатишга, уларнинг ҳомийлигидан фойдаланишга ҳаракат қилиш [3].

Коррупция домига илинган шахслар орасида хизматни ўташ билан боғлиқ зарар учун ўзига хос "товон" олиш мотиви айниқса кенг тарқалган. Умуман олганда, коррупцияга хос бўлган белгилар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: субъектлар жамиятда юксак мартаба ва мавқега эга эканлиги; мақсадларга эришишнинг пухта ўйланган интеллектуал усуллари ва воситалари; жамиятга етказиладиган улкан моддий ва маънавий зарар; ўта яширинлик ва ўзаро келишувга асосланганлик. Дарҳақиқат, коррупциянинг умумбашарий сабабларидан бири – бу жамиятдаги менталитет бўлиб, у аввалбошдан коррупцияни идрок этиш моделини (бағрикенг / муросасиз) ва жамият турини тақозо этади – анъанавий жамият ёки фуқаролик жамияти.

Ғарбий Европа маданиятида коррупция ноқонуний хизматларни ўтказишга асосланган мансабдорнинг «ўзини сотиши» ҳисобланади. Ғарб жамияти бундай ҳаракатларга ўта салбий муносабат билдиради. Европалик сиёсатчи ёки амалдор учун коррупцияга алоқадорликда гумон қилишнинг ўзи ҳам амалда хизматдаги умри адо бўлганини англатади. Жамият айрим иллат ва заифликларга тоқат қилади, аммо коррупцияга эмас. Франция ва Англияда аниқланган коррупция фактлари барча даражадаги амалдорларнинг ўтмишдаги хизматларига қарамай, дарҳол истеъфога чиқишига сабаб бўлишига кўплаб мисоллар мавжуд. Ғарб жамиятининг коррупцияга салбий муносабатда бўлишининг сабаби "бозор менталитети" бўлиб, унда бир томондан, ҳар ким ўзгаларга рақобатчи бўлса, иккинчи томондан эса – ҳар ким ҳамма учун шароитлар тенглиги ақидасига қатъий амал қилишга мажбур. Шароитлар тенглиги тамойилини бузиш энг оғир гуноҳлардан бири ҳисобланади. Қолаверса, Ғарб жамиятида бозор муносабатлари бузилишига нисбатан муросасиз менталитет узоқ вақтлардан бери ва жуда қатъий тарзда шаклланган. Қайд этиш жоизки, Ғарб жамиятида бозор менталитетини тарбиялаш воситалари ва усуллари инсонпарварликдан йироқ эди.

Жумладан, ўрта асрлардаги Чехия қонунчилигида пиво ишлаб чиқарувчиларга ҳафтасига ўн иккита бочка пиво тайёрлаш-

га рухсат берилган. Ушбу чеклов адолатли рақобатни таъминлар эди. Истеъмолчи ким мазали пиво тайёрлаганини ўзи аниқлар эди. Агар пиво ишлаб чиқарувчилардан бири ўн учинчи бочкада пивони пиширган бўлса, бошқа пиво ишлаб чиқарувчилар уни шу бочканинг ўзида чўктиришган [10]. Бундай анъаналарнинг юзлаб йиллар давомида амал қилиши натижасида қонунга бўйсунувчи Ғарб шахсияти шаклланган.

Шу боисдан ҳам Ғарб жамияти таълим тизимида талабаларнинг ўз курсдошларидан бири фириб қўллаганлиги профессор-ўқитувчиларга айтиб бериши одатий ҳол ҳисобланади, чунки бу курсдош барча учун имконият тенглиги "бозор" тамойилини бузмоқда. Фириб ва ҳийлагарлик ҳақида хабар берганлар курсдошларининг норақобатчи хатти-ҳаракатларига нисбатан муросасизликни намойиш этади. Шу сабабдан ҳам, коррупционерни ҳар ким ўзининг шахсий душмани деб биладиган Ғарб жамиятидаги муҳитда коррупция улкан миқёсда эмас. Олий мансабдор шахслар даражасидаги коррупция кўпинча яширин бўлади, масалан, солиқ имтиёзлари эвазига банк директорлар кенгашига кириш, мемуарлар учун миллион долларлик гонорар ва хок.

Шарқда коррупция тушунчасига нисбатан қарашлар Ғарбдагидан анча, қарийб диаметрал равишда қарама-қарши. Шарқ давлатлари маданиятида коррупция анъанавий жамиятга узвий сингиб кетган ва ўзининг норматив тартибга солиниши билан ажралиб туради. Анъанавий жамиятда коррупция ижтимоий норма ҳисобланади, аммо у ўзининг амалий шакл ва кўринишларида чекланган. Ким ва қанча «олиши кераклиги» урф-одатлар билан белгиланади, шунинг учун «даражасидан кўпроқ олиш»га уриниш атрофдагиларнинг кескин танқидига учрайди [11].

Анъанавий жамиятда коррупциянинг негизи – бу уруғ-аймоқ (кланлар) муносабатлари. Бундай клан негизидаги жамиятда "ўз"ига тегишли амалдорнинг порахўр хатти-ҳаракатлари оқланади: "У ўзи учун эмас, балки катта оиласи, кекса ота-онаси, аёли ва болаларини қўллаб-қувватлайди". Қолаверса, коррупцияни ижтимоий норма сифатида қабул қилиш хаттоки репрессиядан ҳам кучлироқ бўлиб чиқади. Масалан, ХХРда порахўрликни олдини олиш мақсадида порахўр амалдорларни нафақат қатл қилишади, балки мумиялаб, ўрнига келган янги амалдорларни тарбиялаш учун хизмат хоналарига ўрнатиб қўйишади [12]. Бироқ, бу Хитой амалдорларини тўхтатмаётганлиги – рад этиб бўлмас факт.

Юқоридаги фикрларга қарамай, жамият ривожига хавф солувчи коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш ер юзидаги барча давлатларда ҳамиша ва ҳамма замонда давом этган. Чиндан ҳам, жамиятда устувор соҳа – таълим тизимида таҳсил оладиган ўсмирлар, ёшлар онгида муромсасизлик ҳиссини уйғотиш муаммосини ҳал этиш лозим. «Жамиятда порахўрлик иллатини енгиб бўлмайди», – деган фикр ёшлар онгида шаклланиб қолгани – бу энг катта камчилигимиздир [13].

Хусусан, ёшлар ўртасида ўтказилган сўровда респондентларнинг 39 фоизи пора беришни коррупция деб ҳисобламасликларини билдиришган. Бу ҳақда 4 август куни Сенатнинг ялпи мажлисида Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий маъруза билан чиқиш қилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги маълум қилди. Сўровда жами 16189 нафар респондентлар қатнашган [14].

Бизнингча, ёшларда ахлоқий иммунитетнинг йўқолишига асосан қуйидаги омиллар туртки беради: юқорида зикр этилган беқарорлик ҳисси; ходимнинг малакаси ва ишнинг масъулият даражасига мос келмайдиган оз маош (Жаҳон банки томонидан ўтказилган тадқиқот коррупциянинг асосий сабаби амалдорлар маошининг озлиги эканлигини кўрсатди [15]); хизмат пиллапоялари бўйлаб кўтарилишда адолатсизлик; бошлиқларнинг дағаллиги ёки нокомпетентлиги; коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари мавжуд эмаслиги ёки уларнинг номукаммаллиги; "йирик" коррупционерларнинг жазосизлиги. Мутахассислар ўтиш даврларида коррупцион қарорлар баъзан амалдор томонидан янги тизимга қарши ўзига хос "диверсия" - қўпо-

рувчилик сифатида қаралишини қайд этадилар. Бунда оддий порахўр ўзини "жиноий тузум"га қарши курашчи сифатида тасаввур қилади [3].

Мансабдор шахс коррупцион қарор қабул қилганидан кейингина эмас, балки "чегаравий" хусусиятга эга бўлган ҳаракатлардан аста-секин жиноий ҳаракатларга ўтиш натижасида ҳам коррупциячига айланиши мумкин. Бошқарувнинг, қарорлар қабул қилишнинг изчил технологиялари қатъий йўлга қўйилмагани, ваколатлар доираси ва соҳалари аниқ эмаслиги, шунингдек давлат хизмати ходимининг Касб одоби кодекси йўқлиги амал¬дорлар коррупция домига илинишини айниқса осонлаштиради.

Ўтиш даври анъаналар ва маданий андозаларнинг чатишуви, капиталнинг айрим шакллари ўзга шаклларга деярли монеликсиз ўтиши билан тавсифланади. Бунинг натижасида мансабдор шахслар ўз хизматига бозорнинг давоми сифатида қарайдилар, демократияни эса нормал бозорни коррупция хизматлари бозорига айлантириш эркинлиги сифатида талқин қиладилар.

Коррупция жиноятларининг яна бир сабаби бу мазкур жиноятларда латентлик даражасининг юқорилигидир. Криминологларнинг қайд этишича, мисол учун бир йилда содир қилинадиган барча порахўрлик жиноятларини 100 % деб ҳисобласак, улардан атиги 0,1-2 % гина очилади холос [16].

Тадқиқотчи М.М. Поляков бу борада коррупциянинг асосий ўзига хос жиҳатини ажратади, яъни бу ҳодисага кўплаб манфаатдор шахслар аралашгани туфайли, у кўп ҳолларда латентлигини сақлаб қолишини тўғри таъкидлайди [17]. Худди шу жиҳатига О.В. Дамаскин ҳам алоҳида урғу бериб, коррупция жиноятларига юқори даражадаги латентлик хос эканлигини таъкидлайди [18].

Коррупцияга йўл очадиган омиллардан бири – бу ҳокимият органлари тизимининг мураккаблиги, буйруқбозлик таомилларининг кўплиги, давлат ҳокимияти органлари аппаратининг фаолияти устидан ташқи ва ички назоратнинг йўқлигидир. Ташкилий тушунмовчиликларни фуқароларнинг коррупцион хулқ-атворини рағбатлантиришдан фарқлаш баъзан жуда қийин кечади. Тақиқлар, рухсат бериш таомиллари сонининг ҳаддан ташқари кўплиги, давлат ҳокимияти органлари фаолиятига жалб қилинган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизми ва ҳуқуқий асосларининг йўқлиги ҳам коррупцияга йўл очади. Шундай қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчи – коррупцияни фақат уни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларни ечиш йўли билан камайтириш ва чеклаш мумкин; иккинчи – бу муаммоларни ечишга коррупцияга қарши барча йўналишларда қатъий кураш олиб бориш кўмаклашади. Коррупцияни вужудга келтирувчи муаммолар қаторига Ўзбекистон Республикасигагина эмас, балки модернизация жараёнларини бошдан кечираётган, аввало марказлашган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган аксарият мамлакатларга хос бўлган муаммолар киради. Биринчидан, коррупция сабабларининг турли талқинлари бир-бирига зид келади, иккинчидан, уларнинг бирортасини ҳам камчиликлардан холи деб айтиш мушкул. Бизнингча, бу борада В.В. Лунеев фикри тўғрироқ, бозор иқтисодиёти, эркин савдо ва демократия шароитида коррупция Жиноят кодексида белгиланган оддий порахўрлик ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг примитив турлари билан чекланмайди. У бугунги кунда лоббичилик, "ёқимтойлар"ни кўтариш, протекционизм каби кенг урф бўлган коррупциявий амалиётларни жиноий деб белгилашга интилиб [19], коррупцияни давлат хизматчиларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини баҳолаш мезони асосида таснифлашни таклиф қилади. Тадқиқотчи Ш.Р. Қобиловнинг фикрича, давлатнинг рухсат бериш функцияларининг ҳаддан ташқари кенг доирада сақланиб қолиши ҳам коррупциянинг илдизларидан бири ҳисобланади [20].

А.А. Аманов коррупциявий ҳаракатларга иқтисодий субъектларнинг молиявий ва хўжалик фаолиятига давлатнинг, айниқса, маҳаллий давлат органларининг аралашуви ҳолатларини ҳам киритади [21].

Тадқиқотчилар Н.И.Ҳалилова, Н.С. Жабборов турли ҳуқуқий адабиётларда берилган таърифлардан келиб чиқиб, коррупция таркибига жамият манфаатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув тартибига қарши қаратилган, кишиларнинг сиёсий тизимларига нисбатан ишончини сусайтирадиган давлат хизматчиларининг хизмат мавқеини суистеъмол қилиш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларни киритишади [22].

Амалиётда коррупция таснифи давлат вазифаларини амалга оширувчи шахслар томонидан турли ҳуқуқий нормаларни (конституциявий, маъмурий, жиноят) бузилиши билан боғланади. Бу тамойилга асосланиб, коррупциявий қилмишлар доирасини сезиларли даражада кенгайтириш мумкин. Жумладан, юридик адабиётда замонавий жамиятга хос бўлган ва коррупцияга олиб келадиган қуйидаги урф бўлган (типик) қонун бузилишлар ажратилади:

давлат хизматида ва нодавлат тижорат ташкилотларда лавозимларнинг бевосита ёки яширилган ҳолда бир вақтнинг ўзида бажариши ҳолатлари;

давлат хизматчилари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларига бевосита ёки яширин ҳақ эвазига бевосита ёки билвосита хизматлар кўрсатиш;

тижорат ташкилотларига улар бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган муайян имтиёзлар, фойда ва преференциялар бериш;

давлат хизматчилари томонидан тижорат (нотижорат) ташкилотлари мақсадларида шахсий ёки идоравий таъсири ҳамда норасмий алоқалардан фойдаланиш;

давлат хизматчиси томонидан ҳали расман эълон қилинмаган, аммо хизмат вазифаларига кўра хабардор бўлган маълумотлардан фойдаланиш;

давлат хизматидан кетганидан сўнг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда нодавлат соҳада шахсий ишга жойлашиш;

мансабдор шахслар томонидан келгусида нодавлат соҳада ишга жойлашишни кўзлаган ҳолда ёки бевосита ваъдалашган ҳолда қарор қабул қилиш;

собиқ давлат хизматчилари томонидан ўзининг собиқ идораси фаолияти тўғрисидаги "ички" маълумотларидан, илгари ўрнатилган норасмий алоқалардан ўзининг янги иш корхонаси имтиёз олиш учун фойдаланиш;

мансабдор шахслар ишлаётган давлат корхоналари мол-мулкидан фойдаланган ҳолда тижорат тузилмаларини ташкил этиш, ушбу тузилмалар раҳбариятида иштирок этиш, улар учун имтиёзли ҳолат яратиб бериш, давлат ва маҳаллий мулкни хусусийлаштириш жараёнида ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, ушбу объектларни сотиб (эгаллаб) олиш, улар акциядорлик жамиятига айлантирилса – акциялар назорат пакетига эгалик қилиш;

давлат (жамият) эҳтиёжлари учун мўлжалланган молия ва кредит маблағларни қонунга хилоф равишда (тамагирлик ниятида) тижорий ташкилотларга ўтказиш [23].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг "Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш" номли биринчи бўлимида 10-мақсадни белгилашда Давлат хизматида коррупция омилларини бартараф этиш, кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифаси қўйилган. Бундан ташқари, "Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш" номли олтинчи бўлимнинг 84-мақсади: коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш,

коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш,

жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш каби учта асосий вазифани белгилашга бағишланган [24].

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш чораларини янада такомиллаштириш, уларни мунтазам равишда янгилаш ва қайта ишлаш борасида ишлар йўлга қўйил-

ган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тузилди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари ташкил этилди [25].

Бундан ташқари, нисбатан жуда қисқа вақт ичида коррупцияга қарши курашиш, турли соҳаларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва коррупциядан ҳоли, "ҳалоллик" вакцинасини жорий этиш, бундай ҳулқ-атворга муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган ўндан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишни тақозо этмоқда. Ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этиш зарурати туғилмоқда [25].

Маълумки, мамлакатда коррупция даражасини аниқлаш турли нуфузли жаҳон молия ташкилотлари (Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва бошқалар) учун ўзига хос восита бўлиб, унинг ёрдамида давлат ҳокимиятида транспарентлик, қонун устуворлиги, бозор иқтисодиёти, фуқаролик жамияти ривожланиши, суд мустақиллиги ва бошқа муҳим масалалар қай даражада таъминланганлиги аниқланади. Айни шу зарурат бугун коррупцияни қандай ўлчаш ва кузатиб боришга доир янгидан янги тузилмалар ва ташкилотларни келтириб чиқармоқда. Айни дамда, коррупцияни амалда ўлчашда ҳам катта қийинчиликлар мавжуд. Булар, энг аввало коррупция тушунчасига оид ягона ва аниқ бир таъриф йўқлигидир. Гарчи халқаро ташкилотлар унинг умумий таърифини яратишга ҳаракат қилишаётган бўлса-да, турли мамлакатлар қонунчилигида коррупцияга оид хатти-ҳаракатлар бир-биридан анча фарқ қилади. Бундан ташқари, коррупцияни бевосита юзага келтирувчи айрим омилларнинг тарқалиши нуқтаи назаридан, универсал (барча мамлакатларда амал қилувчи) ва локал (алоҳида мамлакатларда амал қилувчи) омиллар мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш зарур [26].

Коррупция миқёсини ўлчашда дуч келиш мумкин бўлган кейинги мураккаблик – бу коррупцияни ўлчашда қайси мезонларга (асослар) таяниш ва айнан нималарни ўлчаш аниқ ва якуний келишиб олинмаганлиги. Чунки хатто коррупция ҳолатлари сонига кўра олинган аниқ ўлчов-натижалар ҳам амалда малакатда (соҳада, тармоқда) манзарани кўрсатишда бефойда бўлиши мумкин. Статистик маълумотлар (коррупция билан боғлиқ жиноятларга алоқадор айбдорлар сони ва бошқалар) аниқ бўлиши мумкин, аммо коррупция латентлиги юқори, аксарият ҳолатлар аниқланмай, жазосиз қолиб кетади.

Қолаверса, барча коррупциявий ҳолатлар бир-бирига тенг эмас – кичик коррупциявий ҳолат (майда порахўрлик)ни давлат тендерларидаги йирик ҳажмдаги мансабдорлик жиноятлардан фарқи бор. Ваҳоланки, бундай фарқлар жиноятлар статистикасидан ўрин олмайди.

Коррупция даражасини ўлчашга қаратилган индекслар сони кейинги йилларда ортиб бормоқда. Кўп мурожаат қилинаётган мазкур индекслар Transparency International (Халқаро шаффофлик) ташкилотининг коррупция индекси, Жаҳон банкининг глобал бошқарув кўрсаткичлари, янги турдаги ўлчаш ва баҳолаш воситалари саналмиш Халқаро шаффофлик ташкилоти барометри (GCB) ва Global Integrity ташкилотининг глобал яхлитлик индексидир [27]. Шунингдек, PricewaterhouseCoopers шаффофлик индекси ҳам ўзига хос нуфузга эга. Бугунги кунда, Transparency International томонидан 1995 йилдан бери коррупцияни ўлчаш учун фойдаланиладиган индекс – CPI (Perception Corruption Index)дан фойдаланади. CPI ёрдамида коррупциянинг миқдорий ўлчови ўтказилади ва унинг мамлакатлар ўртасида-

ги тақсимоти кўриб чиқилади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида Transparency International халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган "Коррупцияни қабул қилиш индекси" да мамлакатимиз 180 та давлат орасида 2019 йилда 153-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йилда 146-ўринни эгаллаб, 7 поғонага кўтарилди [28]. Таққослаш учун, 2020 йилда қўшни мамлакатлар – Қозоғистон 94-, Қирғизистон 124-, Тожикистон 149-, Туркманистон ва Афғонистон эса 165-ўриндан жой олган. 2021 йил учун Коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон 2020 йилга нисбатан 6 поғонага юқорилаб, 180 давлат ичида 140-ўринни эгаллади [29].

Айтиш жоизки, коррупция ҳодисаси тарқалганлик даражаси коррупция билан боғлиқ асосан икки хил қараш кенг тарқалган: айрим инсонлар коррупцияни ғилдиракнинг мойи деб билишади ва улар коррупцияни қийинроқ кечадиган жараённи тезлаштириш ва осонлаштириш воситаси сифатида қабул қилишади. Баъзилар эса коррупцияни ғилдиракка илашиб қолган лой деб билишади. Лой ҳажми ортгани сари, табиийки, ғилдиракнинг айланиши ҳам қийинлашади [27].

Ўзбекистонда, айтиш мумкинки, ҳанузгача биринчи қараш анча кенг тарқалган, бу борада дунё миқёсида, афсуски, юқори ўринларни эгаллаб туриши, мамлакатда бозор иқтисодиёти ҳанузгача етарли даражада ошкора ва транспарент қоидаларга эга эмаслиги, ислоҳотлар иқтисодиётнинг реал секторида ўз самарасини ҳозирча бера олмаётгани, давлат амалда юқорида даражада коррупциоген муҳит ва қонун эмас, "таниш-билишчилик", непотизм ҳукм суриши, суд тизими мустақиллиги етарлича таъминланмаслиги туфайли, ҳорижий бизнес вакиллари, инвесторлар томонидан ислоҳотларга ишонч билдириш қийин кечмоқда. Ваҳоланки, замонавий рақобатли дунёда айнан инвестициялар иқтисодиётни модернизация қилиш ва аҳоли турмуш шароитларини яхшилашнинг муҳим омилидир. Коррупцияни вужудга келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни лозим даражада ўрганиш йўли билангина уни камайтириш ва чеклаш бўйича муайян чора-тадбирларни белгилаш ва ишлаб чиқиш мумкин. Коррупция ва уни вужудга келтирувчи муаммолар ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд. Бир томондан, бу муаммолар коррупцияни кучайтиради, уларни ечиш эса коррупция даражасини пасайтиришга кўмаклашиши мумкин, бошқа томондан, коррупция кенг тарқалгани ўтиш даври муаммоларини кескинлаштиради, уларни ечишга халақит беради. Бундан хулоса шуки, биринчидан, коррупцияни фақат уни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларни ечиш йўли билан камайтириш ва чеклаш мумкин; иккинчидан, бу муаммоларни ечишга коррупцияга қарши барча йўналишларда қатъий ва муросасиз кураш олиб бориш кўмаклашади.

◄ Иқтибослар/Сноски/References

1. Криминология: Учебник / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: Жеті жарғы, 2005. – С. 56.

2. Абдурасулова Қ.Р. Коррупцияга қарши кураш: бу борада чет эл қонунларида нималар белгиланган ? // Ҳаёт ва қонун. - №3. - 2003. (90). – Б. 17.

3. Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: Учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: КазАТК, 2008. – С. 180.

4. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 йил, 28 сон, 260-модда.

5. Б.Хидоятов. Айрим хорижий давлатларда порахўрлик учун жиноий жавобгарлик масалалари. Узбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси №3 (35) 2018/ https://uzjournals. edu. uz/proacademy

6. Шамсутдинов Б. С. Коррупциявий жиноятларга оид амалдаги қонунчилик муаммолари ва

уларни бартараф этиш истиқболлари // https://www.researchgate.net/publication/345435827
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 // https://president.uz/uz/lists/view/4057
8.https://profile.ru/article/putin-i-ego-armiya-za-poslednie-12-let-chislo-chinovnikov-v-rossii-vyros-lo-do-6-mln-chelovek
9. Г.Нурмухамедова. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикаси механизмларини такомиллаштириш: усуллари ва йўналишлари // // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2021), Б. 189-201
10. Государственная антикоррупционная политика. Учебник – 2017 г. - Инфра-М. – С.15.
11. Демьянов Е.Л. Социологический аспект изучения феномена коррупции. https://rusmirzp.wordpress.com
12. Ванновская О.В. Обоснование концепции коррупционного поведения госслужащих // Вестн. Моск. гос. обл. ун-та. Серия 12. Психология. Социология. Педагогика. 2009. № 3. С. 54-62.
13. М.Даминов. Коррупция – таъмагирликнинг юқори нуқтаси // https://uza.uz/uz/posts/korrupciya-tamagirlikning-yuqori-nuqtasi
14. https://www.gazeta.uz/uz/2022/08/05/corruption/
15. Отчет Всемирного банка о мировом развитии / Под общ. ред. Д.Тушунова. Пер. с англ. Н. Сухова. – М.: Прайм-Тасс, 1997. – С. 18.
16. Криминология. Учебник. Отв.редактор: М.Х.Рустамбаев. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – С.233.
17. Поляков М.М. Административно-правовые способы предупреждения коррупционных правонарушений: Автореф. дис. ... к.ю.н. М., 2009. С. 12.
18. Дамаскин О.В. Коррупция: состояние, причины, противодействие: Монография. М.: Триумфальная арка, 2009. С. 16.
19. Лунеев, В. В. Коррупция: политические, экономические, организационные и правовые проблемы / В. В. Лунеев // Государство и право. – 2000. – № 4. – С. 99–107.
20. Қобилов Ш.Р. Коррупцияга қарши кураш: иқтисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари: Монография. – Т., Б. 26–22-б.
21. Аманов А.А. Коррупцияни юзага келтирувчи шарт-шароитлар ва омиллар // Коррупцияга қарши курашиш – жамият ва давлат хавфсизлигининг гарови: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 26 ноябрь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 287.
22. Н.И.Ҳалилова, Н.С. Жабборов. Коррупциянинг кушанда сифатидаги мазмун-моҳияти, типологияси ва шакллари //SCIENTIFIC PROGRESS VOLUME 2 | ISSUE 7 | 2021 – Б.1272-1276
23. Лунеев, В. В. Коррупция: учтенная и фактическая / В. В. Лунеев // Государство и право. – 1996. – № 8. – С. 81
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 06/20/6013/1002-сон
26. Қ.Абдурасулова. Коррупция жиноятчилигини умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // Available at: https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2
27. Отабек Тиллаев. Ғилдиракдаги мой ва лой: коррупция даражасини қандай ўлчаш мумкин? // https://kun.uz/news/2021/09/18/gildirakdagi-moy-va-loy-korrupsiya-darajasini-qanday-olchash-mumkin?
28. https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/uzb
29. https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/25/corruption-index-2021/#!

Исамидин Исмаилов
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори юридик фанлар доктори, профессор

Отабек Сайдулла ўғли Нарзуллаев
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тезкор-қидирув департаменти катта тезкор вакили Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мақолада жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига оид халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги таҳлил этилган. Жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид халқаро ҳужжатларни терроризмга ва экстремизмга, коррупцияга, уюшган жиноятчиликка, наркотик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига, одам савдосига қарши кураш соҳаларидаги, шунингдек темир йўл, ҳаво ва автомобил транспорти ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳаларида хавфсизликни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий актларга ажратган ҳолда таснифланган. Жамоат хавфсизлигини назарий-ҳуқуқий таъминлаш соҳадаги ижтимоий муносабатларни мазмун-моҳияти, уларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар фаолиятининг йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш таклиф этилган.

Калит сўзлар: жамоат хавфсизлиги, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартиби, жамоат тартибини сақлаш, митинг, йиғилиш, намойиш.

В статье анализируются международные нормативно-правовые акты, относящиеся к сфере обеспечения общественной безопасности, и национальное законодательство Республики Узбекистан. Классифицированы международные документы по общественной безопасности как нормативные акты по безопасности в сферах борьбы с терроризмом и экстремизмом, коррупцией, организованной преступностью, незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ, торговлей людьми, а также в сферах железнодорожного, воздушного и автомобильного транспорта и безопасности дорожного движения. Теоретико-правовое обеспечение общественной безопасности предлагается изучать общественные отношения в данной области исходя из содержания и характера общественных отношений, регулирующих их нормативных правовых актов и направлений деятельности субъектов, обеспечивающих общественную безопасность.

Ключевые слова: общественная безопасность, общественный порядок, митинг, собрание, демонстрация.

The article analyzes international regulatory legal acts related to the field of ensuring public safety and national legislation of the Republic of Uzbekistan. Classified international documents on public safety into regulatory acts on security in the areas of combating terrorism and extremism, corruption, organized crime, illegal circulation of drugs and Psychotropic Substances, Trafficking, as well as in the areas of rail, air and Road Transport and road safety. Theoretical and legal provision of public safety it is proposed to study social relations in the field based on the content and nature of the social relations, regulatory legal acts regulating them and the directions of the activities of the subjects providing public safety.

Keywords: public safety, public safety, public order, public order, rally, meeting, demonstration.

КИРИШ. Маълумки, инсоният тараққиётининг барча даврларида шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш давлатлар сиёсатининг устувор йўналишларидан бири

бўлиб келган. Бироқ ҳар бир давлат бу сиёсатни ўзининг тузилиши, шакли ва қонунчилик тизимига кўра турлича амалга оширган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг: "Жамият табақа ва тоифалардан иборат, давлатни улар билан бамаслаҳат биргаликда бошқармоқ, улар ҳар бири ўз мавқеи, касбига кўра, давлат эса улар ўртасида тинчликни сақловчи, таъминловчи, ижтимоий тенгсизликни камайтирувчи куч бўлмоғи керак", деган таълимотига содиқ ҳолда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай кўринишдаги таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш давлатнинг, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг энг асосий вазифаси бўлиб келмоқда.

Айниқса, дунёда юзага келган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси ҳамда ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги давлатнинг бу соҳада ваколотли органлари олдига ўз вақтида уларнинг барвақт олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Демократик жамиятда жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда Конституция, қонунлар, давлат ҳокимияти органларининг мазкур соҳани ҳуқуқий таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, жамоат хавфсизлигига таҳдид ҳолати жамиятда ижтимоий, сиёсий, миллий, диний муносабатларни тартибга солишда муаммоларнинг адолатли ҳал қилинмаслиги, оммавий тадбирларни ўтказишда, темир йўл, ҳаво, автомобил транспортидан фойдаланишда, йўл ҳаракатини ташкил этишда, қурилиш, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ишларни олиб боришда хавфсизлик талаблари ва қоидаларига риоя этмаслик ёки уларни бузиш оқибатида, шунингдек ёнғиндан хавфли материаллар, иншоот ва қурилмалардан фойдаланишда, қурол, ўқ-дори, портловчи материаллар ва бошқа хавфли предмет ҳамда моддалар билан муомала қилиш талаблари бузилганда вужудга келади.

Жамоат хавфсизлигини назарий-ҳуқуқий таъминлаш асоси қонунчилик ҳисобланиб, мазкур соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир қатор мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Аввало уларни ҳалқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ажратишимиз мумкин.

Жамоат хавфсизлиги соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг мазмун-моҳиятининг ранг-барангилиги ва мураккаблигини уларни тартибга солиш бўйича халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, инсон ҳуқуқларига оид бўлган халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳар бир иштирокчи давлат зиммасига ўз ҳудудларида инсон, шу жумладан аёллар ва болаларни ҳар қандай кўринишдаги ижтимоий, мафкуравий, маънавий, криминоген, техноген, табиий ва бошқа таҳдид ҳамда тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мажбуриятларини юклайди. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси [34], Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт [22], Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция [13]; БМТнинг аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси [12]; Бола ҳуқуқлари тўғридаги конвенция [14] ва б.

Бугунги кунда глобал миқёсида жамоат хавфсизлигига таҳдид ва тажовузларнинг кучайиб ва кенгайиб, уларнинг ижтимоий хавфи ортиб ҳамда уларга қарши курашиш, шунингдек профилактикасининг долзарблиги ошиб бораётганлиги нуқтаи назаридан, жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид халқаро ҳужжатларни асосан: а) терроризмга ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги; б) коррупцияга қарши кураш соҳасидаги; в) уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги; г) наркотик ва психотроп моддалар-

нинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасидаги; д) одам савдосига қарши кураш соҳасидаги; е) темир йўл, ҳаво ва автомобил транспорти ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги; ё) киберхавфсизлик ва бошқа соҳаларда хавфсизликни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий актларга ажратган ҳолда таснифлашимиз мумкин.

Терроризм ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳужжатлар: Терроризмни бартараф этиш тўғрисида Европа конвенцияси [19]; Халқаро терроризмни бартараф этиш бўйича чоралар тўғрисидаги декларация [17]; Бомбали терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро конвенция [21]; Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро конвенция [32]; Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларнинг терроризмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаси [43]; Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича Шанхай конвенцияси [84]; Ядровий терроризм актларига қарши курашиш бўйича халқаро конвенция [20]; Европа иттифоқининг терроризмнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенцияси [15]; Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо-давлатлари ҳудудига террорчилик, айирмачилик ва экстремистик фаолиятга алоқадор шахсларнинг кириб келиш йўлларини ёпиш ва аниқлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишув [46]; Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги шартномаси [42]; Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши конвенцияси [44].

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳужжатлар: Коррупция учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида Европа Иттифоқи Конвенцияси [1]; Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида Европа Иттифоқи Конвенцияси [16]; Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коррупцияга қарши Конвенцияси [35].

Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳужжатлар: Ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллашга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция [6]; Европа Иттифоқининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенция [8]; Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши БМТ Конвенцияси [33]; Одам, айниқса аёл ва болалар савдосининг олдини олиш ва бартараф этиш тўғрисидаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши БМТ Конвенцияси қўшимча баённома [28].

Наркотик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳужжатлар: Гиёҳвандлик воситалар тўғрисидаги ягона Конвенция [30]; Психотроп моддалар тўғрисидаги Конвенция [10]; Гиёҳвандликларнинг ноқонуний айланишига ва гиёҳванд воситалари суистеъмол қилишга қарши курашиш тўғрисидаги Декларация [18]; Бирлашган миллатлар ташкилотининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция [36].

Одам савдосига қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар: Қуллик тўғрисида Конвенция [31]; Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан фохишаликни эксплуатация қилишга қарши курашиш тўғрисидаги БМТ Конвенцияси [3]; Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга болалар савдоси, болалар фохишалиги ва болалар порнографияси тааллуқли факультатив баённома [27]; Болалар меҳнатининг энг оғир шакллари тўғрисидаги Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияси [40].

Темир йўл, ҳаво ва автомобил транспорти ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасига оид норматив-ҳуқуқий актлар: Халқаро фуқаро авиация тўғрисидаги конвенция [7]; Ҳаво кемаси бортида содир этиладиган жиноят ва бошқа бир қатор қилмишлар тўғрисидаги конвенция [9]; Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенция [38]; Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши қаратиган ноқонуний ҳаракатларга қарши курашиш тўғрисидаги конвенция [4]; Денгиз кемалари хавфсизлигига қарши қаратиган ноқонуний ҳаракатларга қарши курашиш тўғрисидаги конвенция [5]; Йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги конвенция [11].

Жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари талабларидан келиб чиққан ҳолда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва жиноят кодексларида, алоҳида қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган. Бундай қоидалар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, кодекслари, Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларида ҳам ўз аксини топган.

Хусусан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар, жумладан: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси [82], Жиноят кодекси [81], "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги [58], "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги [70], "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги [54], "Наркотик моддалар ва психотроп воситалар тўғрисида"ги [68], "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги [76], "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги [69], "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги [71], "Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида"ги [64], "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги [53], "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги [59], "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги [61], "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги [79], "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги [57], "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги [65, 66], "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги [73, 74], "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги [77, 78], "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги [80], "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги [60], "Миллий гвардия тўғрисида"ги [67], "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги [75], "Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги [63], "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги [55, 56], "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги [62], қонунлари қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда. 2021 йилда қабул қилинган Жамоат хавфсизлиги концепцияси эса Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги сиёсатини белгилаб берди.

МУҲОКАМА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни "Халқ манфаатларига хизмат қилиш" тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Мамлакатимизни 2017 – 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди [48].

Хусусан, Ўзбекистон 2020 йилда саёҳат қилиш учун хавфсиз давлатлар рейтингида 46-ўринни, Осиё мамлакатлари орасида Сингапур, Япония, Қатар, Жанубий Корея, Баҳрайн, Уммон, БААдан кейин 8-ўринни эгаллади [2].

Бундан ташқари, Ҳаракатлар Стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит тизими шакллантирилди. Унинг таркибида 2017 йил август ойида Миллий гвардия мамлакат

қуролли кучларнинг мустақил қўшин тури сифатида ташкил этилди. "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди, шунингдек 2018 йил 1 июлдан уларнинг ички ишлар органлари билан ҳамкорликда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашдаги фаолияти босқичма-босқич йўлга қўйилди[23, Б. 14].

Қолаверса, ўтган давр мобайнида республикамизда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали тизимини жорий этиш, Тошкент шаҳрида ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорлиги асосида амалга оширилаётган "Хавфсиз пойтахт" концепциясининг ижобий тажрибасини оммалаштириш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда [50].

Жамоат хавфсизлигини таъминлашни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш орқали мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилмоқда. Хусусан, замон талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қуролли Кучларнинг кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети этиб қайта ташкил этилди [49].

Таъкидлаш жоизки, маҳаллада жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилига асосланган ҳар бир маҳалла ("маҳаллабай"), оила ("оилабай") ва шахс ("фуқаробай") билан ишлаш тизими яратилди. Ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллалар криминоген ҳолатига қараб тоифаларга ("яшил", "сариқ", "қизил") ажратилиб, жиноятчилик ўчоқларини йўқ қилиш учун зарур куч ва воситалар жалб қилинмоқда [25, Б. 71-72].

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида улар фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмларини, айниқса таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилмоқда[24].

Жамоат хавфсизлигини таъминлашни самарали амалга ошириш мақсадида миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми бўлган ва жамоат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини ўз ичига олган Ўзбекистон Республикасининг Жамоат хавфсизлиги концепцияси тасдиқланди. 2021 йил 29 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонда "халқ манфаатларига хизмат қилиш" тамойили асосида ушбу йўналишдаги ислоҳотлар янада давом эттирилиши белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги концепцияси миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири бўлган жамоат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини белгилаб берди [26, Б. 3].

Мазкур концепцияда илк бор жамоат хавфсизлигига оид асосий тушунчалар, хусусан "жамоат хавфсизлиги" ҳамда "жамоат хавфсизлигини таъминлаш" тушунчаларига ҳуқуқий жиҳатдан қуйидагича таърифлар берилди:

жамоат хавфсизлиги – жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш – давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб борилади-ган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва

бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим [51].

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектлари, шунингдек бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектлар этиб белгиланди [51].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тараққиёт стратегиясига мувофиқ жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектлари тизимидаги Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги 23.12.2022 йилдан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги негизида "Оила ва хотин-қизлар қўмитаси" ҳамда "Маҳалла ва тадбиркорлик агентлиги", шунингдек Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги эса Рақамли технологиялар вазирлиги сифатида,қайта ташкил этилди [52].

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясига мувофиқ эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишда ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш бевосита Миллий гвардия бўлинмалари томонидан амалга оширилиши, шунингдек уларга жамоат тартибини сақлаш соҳасида содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилиши белгиланди [23, Б. 14].

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги томонидан жамоат жойларида, шу жумладан йўлларда, транспорт ва туризм инфратузилмаси объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган барча куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштириши ҳамда ташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши белгиланди [51].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан қабул қилинган "Тараққиёт стратегияси" "Ҳаракатлар стратегияси"нинг мантиқий давоми бўлиб хизмат қилди. Унда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш асосий мақсадлардан бири этиб белгиланди [48].

Шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлашни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун Тараққиёт стратегиясида 16-мақсад "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш" ҳамда 17-мақсад "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш" этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Жамоат хавфсизлиги концепциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси зиммасига жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш, шунингдек белгиланган ҳудуд ҳамда объектларда хизматни ўташ давомида аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўриш учун қонунда белгиланган айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузишга ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга, суд ваколатига тегишлиларини эса уларга юбориш юзасидан ваколатлар берилди [45, 72].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, мустақиллик йиллари-

да, айниқса Ҳаракатлар ва Тараққиёт стратегияларига мувофиқ жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашга оид қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари бевосита жамиятда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга ва сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Аммо, олиб борилаётган тадқиқотлар давомида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида амалга оширилаётган улкан ислоҳотларга қарамасдан жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда бир қатор бўшлиқлар мавжудлиги маълум бўлмоқда.

Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган митинг, йиғилиш ва намойишларни ўтказилишида жамоат хавфсизлиги таъминлаш механизмини тартибга солувчи, хусусан, ушбу тадбирлар жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ваколатлари белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Яъни, митинг, йиғилиш ва намойишларни ўтказиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида назарда тутилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 201-моддасида ҳамда Жиноят кодексининг 217-моддаси йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлсада, мазкур тадбирларни уюштириш ва ўтказиш, тадбир субъектларининг ҳаракатлари норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган.

Шу ўринда, Вазирлар Маҳкамасининг "Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган "Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари"нинг 2-бандига кўра, ушбу Қоидалар йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ўтказишга татбиқ этилмаслиги белгиланган [47].

Бу эса, ўз навбатида, митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини самарали ташкил этилишида ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси 2019 йил 12 сентябрь куни биринчи маротаба (ID 3875) ҳамда ўзгартириш ва қўшимчалар билан 2020 йил 18 август куни иккинчи маротаба (ID 21021) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали "regulation.gov.uz" сайтида халқ муҳокамасига қўйилган бўлсада, қабул қилинмасдан қолмоқда.

Бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан бугунги кунда Ўзбекистон қонунчилигида йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланганлиги, аммо тартибнинг ўзи қайд этилмаганлиги, яъни митинг, йиғилиш, намойиш ҳамда кўча юришларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тизимли равишда тартибга солинмаганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қарори эса, йиғилиш, митинг, кўча юришлари ёки намойишлар уюштиришга тааллуқли эмаслиги бўйича ўз эътирозларини билдириб ўтган.

Мазкур ҳуқуқий бўшлиқ ҳанузгача, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида кўрсатилган қоидаларни тўлиқ рўёбга чиқаришга имкон бермасдан келаётганлиги, давлат дастури асосида Ички ишлар вазирлиги томонидан "Митинг, йиғилиш ва намойишлар тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлсада, ҳуқуқий экспертизадан қайтарилганлиги ва бугунги кунгача қабул қилинмасдан қолаётганлиги, лекин ушбу қонуннинг қабул қилиниши долзарб аҳамиятга эгалиги таъкидланган [41, 83].

Ўзбекистонда митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги эса турли ҳисоботларда ва инсон ҳуқуқлари бўйича дунё рейтингларида қуйи даражадаги кўрсаткичларни намоён этмоқда.

Жумладан, 2021 йилда Freedom House

ташкилотининг "Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари даражаси бўйича дунё давлатлари рейтинги"да Ўзбекистон 209 та давлатдан 189-ўринни эгаллаган ва мамлакатда "инсон ҳуқуқлари мустақил эмас" деб топилган [29].

World Justice Project ташкилоти қонун устуворлиги индекси бўйича ўтказилган тадқиқотлари натижасига кўра, Ўзбекистон йиғилишлар ташкил этиш эркинлигининг кафолатланганлиги рейтингида 2021 йилда 139 та давлат ичида 127-ўринни, 2022 йилда 140 та давлат ичида 131-ўринни эгаллаган [39].

Шунингдек, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти қошидаги Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Референдумни кузатиш бўйича чекланган миссиясининг 2023 йил 30 апрелдаги Дастлабки натижалар ва хулосалар тўғрисидаги баёнотида, асосий ҳуқуқлар ҳисобланган оммавий йиғилишлар, уюшмалар ва сўз эркинлигининг амалга оширилиши қонун билан ҳаддан ташқари чекланганлигича қолаётганлиги қайд этилган [37].

Россия сиёсатшунослар жамияти ижрочи директори, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети сиёсатшунослик факультети профессори Игорь Кузнецов умумий муҳокамага киритилган "Митинг, йиғилиш ва намойишлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасига изоҳ берар экан, Ўзбекистонда намойиш ва йиғилишларни қонуний йўл билан тартибга солиш зарурати аллақачон пишиб етилганлигини таъкидлаган [83].

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мамлакатимизда митинг, йиғилиш ва намойишларни уюштириш, уларни ўтказишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш механизмини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги ПФ-27-сон фармони билан тасдиқланган "2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси"нинг 13-бандида оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тартибга солувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва қабул қилилиши белгиланган.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, хусусан унинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясинига оид нормалари, шунингдек шу жумладан 38-моддасига мувофиқ фуқароларга ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқини таъминлаб бериш ҳамда мазкур тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлашнинг бир қатор ўзига хос жиҳатларга эга эканлигини инобатга олиб, алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши эса, албатта, жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган яна бир муҳим қадам ҳисобланиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, шунингдек мазкур тадбирларни ўтказиш давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини тартибга солишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ ҳолда жамиятда жамоат тартиби ва хавфсизлигига таҳдид қилувчи омилларнинг кўпайиб ва кучайиб бориши мазкур соҳада фаолият олиб борувчи мутасадди ташкилотлар, хусусан, ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўйинмалари фаолиятини такомиллаштиришда янгича ёндашувни талаб қилмоқда.

Шундай экан, олиб борилган тақдиқотлар ва таҳлиллар натижасида бир қатор фикрлар илгари сурилмоқда.

биринчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлардан келиб чиқиб, жамоат хавфсизлигини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда қуйидагиларни тизимли комплекс тадқиқ этишни тақозо этмоқда:

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фао-

лиятни ташкил этишга оид таълимотлар ва уларнинг бугунги ҳолатини;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятни ташкил этишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ҳамда уларни қўллаш амалиётини;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этишнинг ташкилий-тактик таъминлашдаги муаммоларни;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятни ташкил этишга таъсир қилувчи ички ҳамда ташқи омилларни;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш субъектлари тизими ва уларнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда ваколотларини;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг объектлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятни ташкил этишни ахборот билан таъминлашдаги муаммоларни;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятни кадрлар билан ва моддий-техник таъминлаш тизимидаги муаммоларни;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этишни мувофиқлаштириш соҳасидаги муаммоларни;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини рақамлаштириш соҳасидаги муаммоларни;

оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида, шунингдек алоҳида шароитларда куч ва воситаларни бошқаришдаги муаммоларни.

иккинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлашда очиқлик ва шаффофликни, жамоатчилик назоратини таъминлашни самарали таъминлаш, шунингдек бу соҳада давлат, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари масъулиятини аниқ белгилаш, фуқаролар иштирокининг янги замонавий ва миллий қадриятларга асосланган механизмларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш эҳтиёжи юқори;

учинчидан, жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни янада такомиллаштириш ҳамда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларга барҳам бериш мақсадида митинг, йиғилиш ва намойишларни ўтказишни тартибга солувчи, шунингдек мазкур тадбирлар вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазифалари ва мажбуриятларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш зарурати мавжудлиги алоҳида таъкидланади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳадаги муносабатлар жамиятда яшашнинг умумэътироф этилган қоидалари, ахлоқ нормалари, одатлар ва бошқа қадриятлар ёки мезонлар билан ҳам тартибга солинади. Улар фуқаролар зиммасига жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳасидаги ахлоқий ва умуминсоний мажбуриятларини бажариш вазифасини юклайди ҳамда ғайриижтимоий ҳаракатларнинг олдини олишда муҳим воситалар бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий маданият юқори бўлган жамиятнинг ахлоқи унинг аъзоларини Конституция ва қонунчилик ҳужжатларига тўлиқ, аниқ ва оғишмай риоя этиш, ўзгаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини, жамиятда умумэътироф этилган яшаш қоидаларини ҳурмат қилиш, ҳар қандай ғайриижтимоий қилмишларга нисбатан муросасизлик, ўз инсоний ва фуқаролик мажбуриятларини виждонан бажариш, жамият олдидаги масъулиятини ҳис этиш руҳида тарбиялайди.

Азал-азалдан бизнинг мамлакатимизда ахлоқ нормаларида жамоат тартиби ва хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш талаблари, шунингдек уларни бузувчиларга нисбатан эса жамоатчилик таъсири чоралари белгиланган. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ижтимоий хавфли қилмишлари, уларнинг сабаб ва шароитлари кенг жамоатчиликлик иштирокида маҳаллаларда, муассаса ва ташкилотларда, меҳнат жамоаларида муҳокама қилиниши ўзининг ижобий натижаларини бериб келган. Мамлакатдаги жамоат тартиби ва хавфсизлиги таъминланганлигининг аҳволи, унинг самарали ташкил этилаётганлиги кўп жиҳатдан ахлоқ нормалари ва жамиятдаги яшаш қоидаларига риоя этилишига, фуқа-

ролар ахлоқий тарбиясининг самарадорлигига боғлиқдир.

Жамият ҳар томонлама тараққий этиб, унинг аъзоларининг ҳаёти фаровонлашиб, ҳуқуқий билими, онги ва маданияти ошиб борса, барча шахсларнинг жамоат тартиби ва хавфсизлиги талабларига риоя этишлари, ҳар қандай ғайриижтимоий ҳодисаларга нисбатан муросасизлиги ижобий томонга ўзгариб боради. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари нормаларга қатъий риоя этиш зарурати халқ, давлат ва жамият манфаатлари билан боғлиқ. Зеро, улар халқнинг иродасини акс эттиради, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва такомиллашувига фаол кўмаклашади, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилади.

Шундай экан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш мақсадида фуқароларнинг ижтимоий фаоллик тури ҳисобланган митинг, йиғилиш ва намойиш каби тадбирларни қонуний тартибда ўтказишлари ва бу тадбирлар вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатларини белгилаш қонунчиликда мавжуд айрим бўлшиқларни бартараф этишга хизмат қилади, деган фикрдамиз.

Бунинг натижасида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида амалга оширилган ислоҳотлар негизида яратилган миллий тизим жамоат тартиби ва хавфсизлигини янада самарали таъминлашга хизмат қилади.

◄ Иқтибослар/Сноски/References

1. Civil Law Convention on Corruption, 4 November 1999.
2. Classement 2020 des pays les plus sûrs [Ranking of the safest countries 2020] // URL: https://insurly.fr/indice-risque-pays
3. Convention for the Suppression of the Traffic in Persons and of the Exploitation of the Prostitution of Others, 2 December 1949.
4. Convention for the suppression of unlawful acts against the safety of civil aviation, 23 September 1971.
5. Convention for the Suppression of Unlawful Acts Against the Safety of Maritime Navigation, 10 March 1988.
6. Convention for the Suppression of Unlawful Seizure of Aircraft [Hijacking Convention], 16 December 1970.
7. Convention on International Civil Aviation, 7 December 1944.
8. Convention on Laundering, Search, Seizure and Confiscation of the Proceeds from Crime, 8 November 1990.
9. Convention on Offences And Certain Other Acts Committed on Board Aircraft, 14 September 1963.
10. Convention on Psychotropic Substances, 21 February 1971.
11. Convention on Road Signs and Signals, 8 November 1968.
12. Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination against Women, 18 December 1979.
13. Convention on the Political Rights of Women, 20 December 1952.
14. Convention on the Rights of the Child, 20 November 1989.
15. Council of Europe Convention on the Prevention of Terrorism, 16 may 2005.
16. Criminal Law Convention on Corruption, 27 January 1999.
17. Declaration on Measures to Eliminate International Terrorism, 9 December 1994.
18. Declaration on the Control of Drug Trafficking and Drug Abuse, 14 December 1984. 19. European Convention on the Suppression of Terrorism, 27 January 1977.
20. International Convention for the Suppression of Acts of Nuclear Terrorism, 13 April 2005.
21. International Convention for the Suppression of Terrorist Bombings, 15 December 1997.
22. International Covenant on Civil and Political Rights, 16 December 1966.
23. Isamiddin I. Prospects for the development of the public security system in Uzbekistan //Journal of

Law Research. – 2022. – T. 7. – C. 12-20.

24. Ismailov I., Suvankulov M. Goal: To Transform the Law Enforcement Agencies into a Popular System //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – T. 8. – №. 10. – C. 165-169.

25. Ismailov I. Mahalla Law Enforcement Point (The Lowest Stage of Public Security System) //International Journal of Social Science Research and Review. – 2022. – T. 5. – №. 4. – C. 71-76.

26. Ismailov I., Kolmakov I. K. Perspective Directions of Public Policy in the Field of Public Security in the New Uzbekistan //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – T. 9. – №. 3. – C. 1-6.

27. Optional Protocol to the Convention on the Rights of the Child on the sale of children, child prostitution and child pornography, 25 May 2000.

28. Protocol to Prevent, Suppress and Punish Trafficking in Persons Especially Women and Children, supplementing the United Nations Convention against Transnational Organized Crime, 15 November 2000.

29. Rating of the countries of the world in terms of political and civil freedoms // URL: https://www.gtmarket.ru/ratings/freedom-in-the-world

30. Single Convention on Narcotic Drugs, Headquarters from 24 January to 25 March 1961.

31. Slavery Convention, 25 September 1926.

32. The International Convention for the Suppression of the Financing of Terrorism, 9 December 1999.

33. The United Nations Convention against Transnational Organized Crime, 15 November 2000.

34. The Universal Declaration of Human Rights, 10 December 1948.

35. United Nations Convention against Corruption, 31 October 2003.

36. United Nations Convention against Illicit Traffic in Narcotic Drugs and Psychotropic Substances, from 25 November to 20 December 1988.

37. Uzbekistan Referendum April 30, 2023: Statement of Preliminary Results and Conclusions // URL: https://www.osce.org/ru/odihr/elections/uzbekistan/542553

38. Vienna Convention on Road Traffic, 8 November 1968.

39. WJP Rule of Law Index // URL: https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/country/2021/Uzbekistan/Fundamental%20Rights/

40. Worst Forms of Child Labour Convention, 17 June 1999.

41. Адлия вазири Ўзбекистонда митинглар ўтказиш СССР қонунлари билан тартибга солиниши ҳақидаги маълумотларни рад этди [The minister of justice denied information that the holding of rallies in Uzbekistan is regulated by the laws of the USSR] // URL: https://www.daryo.uz/k/2021/02/15/adliya-vaziri-ozbekistonda-mitinglar-otkazish-sssr-qonunlari-bilan-tartibga-solinishi-haqidagi-malumotlarni-rad-etdi

42. Договор государств-участников СНГ "О противодействии легализации (отмыванию) преступных доходов и финансированию терроризма" от 05 октября 2007 года [Treaty of the CIS member states "on combating the legalization (laundering) of crime proceeds and the financing of terrorism", 15 October 2007].

43. Договор о сотрудничестве государств-участников СНГ в борьбе с терроризмом, от 4 июня 1999 года [Agreement on Cooperation of the CIS Member States in the Fight against Terrorism, 4 June 1999].

44. Конвенция Шанхайской организации сотрудничества против терроризма, от 16 июня 2009 года [Convention of the Shanghai Cooperation Organization against terrorism, 16 June 2009].

45. Миллий гвардия ходимларига қўшимча ваколатлар берилди [National Guard personnel were given additional powers] // URL: https://lex.uz/acts/6464211?ONDATE=13.05.2023%2000#6464967

46. О сотрудничестве в области выявления и перекрытия каналов проникновения на территории государств - членов Шанхайской организации сотрудничества лиц, причастных к террористической, сепаратистской и экстремистской деятельности, от 15 июня 2006 года [The agreement on cooperation in the field of identification and overlapping of channels of penetration in the territory of state members of the Shanghai Cooperation Organization of persons involved in terrorist, separatist and extremist activities, 15 June 2006].

47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июль кунидаги "Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 205-сон Қарори [Resolution No. 205 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "on measures to further improve the procedure for organizing and holding mass events", 29 July 2014] // URL: https://lex.uz/docs/2438871

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони, 28 январь 2022 йил [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-60 "on the development strategy of new Uzbekistan for 2022 – 2026", 28 January 2022]

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5077-сонли Қарори, 15 апрель 2021 йил [Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PQ-5077 "on measures to further improve the system of training professional personnel in the field of Public Security", 15 April 2021].

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида"ги ПҚ-4343-сон Қарори, 29 май 2018 йил [Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PQ-4343 "on the introduction of a qualitatively new system of management of forces and means of internal affairs bodies in the field of prevention of offenses and fight against crime in the Tashkent region", 29 may 2018].

51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-27-сон Фармони, 29 ноябрь 2021 йил [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-27 "on approval of the concept of public security of the Republic of Uzbekistan and measures for its implementation", 29 November 2021].

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-269-сон Фармони, 21 декабрь 2022 йил [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-27 "on approval of the concept of public security of the Republic of Uzbekistan and measures for its implementation", 21 December 2022].

53. Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонуни, 2 октябрь 2007 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on highways", 2 October 2007].

54. Ўзбекистон Республикасининг "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни, 26 декабрь 1996 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on protection of atmospheric air", 26 December 1996].

55. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни, 20 август 1999 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on protection of population and territories from emergency situations of natural and man-made nature", 20 August 1999].

56. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни, 18 август 2022 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on protection of population and territories from natural and man-made emergency situations", 18 August 2022].

57. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни, 26 август 2015 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on sanitary and epidemiological tranquility of the population", 26 August 2015].

58. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонуни, 3 июль 1992 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on state sanitary supervision", 3 July 1992].

59. Ўзбекистон Республикасининг "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни, 30 сентябрь 2009 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on fire safety", 30 September 2009].

60. Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонуни, 16 сентябрь 2016

йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on internal affairs bodies", 16 September 2016].

61. Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни, 10 апрель 2013 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on road safety", 10 April 2013].

62. Ўзбекистон Республикасининг "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги Қонуни, 15 апрель 2022 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on cybersecurity", 15 April 2022].

63. Ўзбекистон Республикасининг "Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги Қонуни, 15 июнь 2022 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on guard activities", 15 June 2022].

64. Ўзбекистон Республикасининг "Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида"ги Қонуни, 11 май 2001 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on the transit of Special Cargo and military formations", 11 May 2001].

65. Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни, 6 май 1993 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on labor protection", 6 may 1993].

66. Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни, 22 сентябрь 2016 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on labor protection", 22 September 2016].

67. Ўзбекистон Республикасининг "Миллий гвардия тўғрисида"ги Қонуни, 18 ноябрь 2020 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on the National Guard", 18 November 2020].

68. Ўзбекистон Республикасининг "Наркотик моддалар ва психотроп воситалар тўғрисида"ги Қонуни, 19 август 1999 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on Narcotic Substances and Psychotropic agents", 19 August 1999].

69. Ўзбекистон Республикасининг "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги Қонуни, 31 август 2000 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on Radio security", 31 August 2000].

70. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни, 9 декабрь 1992 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on the protection of nature", 9 December 1992].

71. Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонуни, 15 декабрь 2000 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on the fight against terrorism", 15 December 2000].

72. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонуни, 12 май 2023 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on amendments to the code of administrative responsibility of the Republic of Uzbekistan", 12 May 2023].

73. Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни, 26 декабрь 1997 йил [Law of the Republic"on the protection and use of the plant World", 26 December 1997].

74. Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни, 21 сентябрь 2016 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on protection and use of the plant world", 21 September 2016].

75. Ўзбекистон Республикасининг "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Конституциявий Қонуни, 15 декабрь 2021 йил [Constitutional Law of the Republic of Uzbekistan "on state of emergency", 15 December 2021].

76. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги Қонуни, 26 май 2000 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on Civil Protection", 26 May 2000].

77. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни, 26 декабрь 1997 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on protection and use of the animal world", 26 December 1997].

78. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни, 19 сентябрь 2016 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on the protection and use of the animal world", 19 September 2016].

79. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни, 14 май 2014 йил Law of the Republic of Uzbekistan "on the Prevention of offenses", 14 May 2014].

80. Ўзбекистон Республикасининг "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни, 30 июль 2018 йил [Law of the Republic of Uzbekistan "on the fight against extremism", 30 July 2018].

81. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 22 сентябрь 1994 йил [Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, 22 September 1994].

82. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 22 сентябрь 1994 йил [Code of administrative responsibility of the Republic of Uzbekistan, 22 September 1994].

83. Ўзбекистонда митинглар ўтказиш СССР қонунлари билан тартибга солинмайди – адлия вазири [Holding rallies in Uzbekistan is not regulated by the laws of the USSR – Minister of Justice] // URL: https://www.gazeta.uz/uz/2021/02/15/davletov/

84. Шанхайская конвенция о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом, от 15 июня 2001 года [Shanghai Convention on Combating Terrorism, Separatism and Extremism, 15 June 2001].

85. Эксперт: принятие в Узбекистане закона о митингах – это решение "на вырост" [Expert: the adoption of the law on rallies in Uzbekistan is a decision "for growth"] // URL: https://uz.sputniknews.ru/20200821/Ekspert-prinyatie-v-Uzbekistane-zakona-o-mitingakh--eto-reshenie-na-vyrost-14815881.html

Ғиёсов Баҳриддин Ҳасан ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети катта ўқитувчиси

ЎҚОТАР ҚУРОЛ ГЕНЕЗИСИ ВА УНГА ЭГА БЎЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Мақолада ўқотар қурол, унинг моҳияти, ўқотар қуролнинг пайдо бўлишига туртки бўлган омиллар, ўқотар қуролни дунёнинг турли минтақаларида ривожланиш жараёнлари, шунингдек ўқотар қурол тушунчасини амалдаги қонунчиликда тўғри қўллай билиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ўқотар қуролга эга бўлишга оид айрим жихатлар бўйича назарий таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Ўқотар қурол, фуқаро қуроли, ов қуроли, спорт қуроли, ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли, ўқотар қуролга эга бўлиш ёши, ўқотар қурол эволюцияси, отилувчи совуқ қуроллар, камон-и фаранги, панипат жанги, пави жанги, туфанг, тўп, зарбзан, мушкет, директива.

В статье содержатся теоретические предложения и рекомендации по огнестрельному оружию, их сущность, факторы, обусловившие появление огнестрельного оружия, процессы развития огнестрельного оружия в разных регионах мира, а также возможность корректного применения понятия огнестрельного оружия в действующем законодательстве, а также некоторые аспекты, связанные с владением огнестрельным оружием гражданами Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Огнестрельное оружие, гражданское оружие, охотничье оружие, спортивное оружие, оружие самообороны, эпоха владения огнестрельным оружием, эволюция огнестрельного оружия, стрельба из холодного оружия, камони фаранги, панипатская битва, битва пави, туфанг, пушка, зарбзан, мушкет, директива.

The article contains theoretical proposals and recommendations on firearms, their essence, factors that motivated the appearance of firearms, the development processes of firearms in different regions of the world, as well as the ability to correctly apply the concept of firearms in the current legislation, as well as some aspects related to the possession of firearms by citizens of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: Firearms, civilian weapons, hunting weapons, sports weapons, self-defense weapons, the era of possession of firearms, the evolution of firearms, shooting with bladed weapons, kamoni farangi, panipat battle, battle of pavi, tufang, cannon, zarbzan, musket, directive.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва Ўзбекистон қонунчилигини халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириш баробарида, шахс сифатида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат ва жамият олдидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Аввалам-бор, Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси,[1] Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт[2] ва ушбу халқаро пактга факультатив протокол[3] ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича бошқа халқаро ҳужжатлар юқоридаги меъзонларга пойдевор бўлиб хизмат қилади. Жумладан бу, юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинишига, шунингдек юқоридаги ҳалқаро ҳуқуқий хужжатларни Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинишига, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ишончли кафолатланганлигининг намунаси сифатида қараш мумкин.

Шу билан бирга, қонун билан белгиланган бурч ва мажбуриятлар ҳам мавжудки, улар: биринчидан, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишни; иккинчидан, давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби ва аҳоли саломатлиги ва ахлоқ қоидаларини сақлаш мақсадида тақиқлар қўйилиши мумкинлигини кўрсатади. Умуман олганда, жамиятда ўрнатилган қонун-қоидалар қайсидир ҳуқуқ соҳасига тегишлидир.

Айтмоқчимизки, демократик ҳуқуқий жа-

миятда давлат мажбурлови қонунийлик режими шароитида ўз-ўзидан амалга киритилмайди. Шунга ўхшаш ҳуқуқий нормани қўллаш бўйича махсус фаолиятга бўлган эҳтиёж, асосан давлат мажбурловидан фойдаланиш зарурати билан белгиланади. Ушбу ҳуқуқий нормалар давлат мажбурловини қатъий белгиланган шароитда қўллашни назарда тутади. Амалда эса, у фақат қонун ваколат берган органлар томонидангина қўлланилади.

Г.И.Калмыков фикрига кўра, мажбурлаш қонунда белгиланган мажбурлов чораларини қўллаш орқали амалга оширилади. Бу жамоат муносабатларининг нормал ривожланишини, қонуний манфаатларнинг амалда бажарилишини таъминлайди, ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар натижасида келиб чиқадиган тўсиқларни йўқ қилади, ҳуқуқбузарликни бостиради ва тугатади, бунинг учун жазолайди, бузилган тартибни тиклайди.[4]

Биз, юқоридаги фикрларга қўшиламиз. Негаки, давлат мажбурлови, аввалambор, давлат органига бўйсуниш учун субъектларнинг ихтиёрий интилишларини ташкил қилиш усулидир. Қонун устуворлиги бузилган тақдирда, салбий оқибатларга олиб келадиган тур сифатида кўриб чиқилади. Мажбуриятнинг предмети қонунда белгиланган усулларда тўғри хулқ-атворни намоён этишга мажбур этиш учун бошқариладиган объектга таъсир қилиш жараёни сифатида белгиланади. Демак, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳуқуқни жамиятга мос равишда мувофиқлаштиришда иштирок этиш (қатъий қонунийлик йўли билан) давлат мажбурловини амалга оширишнинг бирдан бир йўли ҳисобланади ва улар субъектив ҳуқуқлардан индивидуал тарзда фойдалandилар.

